# Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2023 йил 9 ойлик ижроси юзасидан ҲИСОБОТ






**Тошкент 2023 йил**

**Мундарижа**


| | | |
|---|---|---|
| | **Кириш ………………………………………………….............……** | **3-10** |
| **I.** | **Давлат бюджети даромадларининг ижроси……………………** | **11-23** |
| **II.** | **Давлат бюджети харажатларининг ижроси……………...……** | **24-118** |
| **III.** | **“Ташаббусли бюджет” жараёни..........................................** | **119- 123** |
| **IV.** | **Маҳаллий бюджетлар ижроси…………………………………** | **124-127** |
| **V.** | **Давлат мақсадли жамғармалари ижроси...............................** | **128-154** |
| **VI.** | **Вазирликлар ва идоралар ички аудит хизматлари ҳамда Давлат молиявий назорати натижалари ............…..................** | **155-157** |
| **VII.** | **Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати томонидан ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар.................................................................................** | **158-166** |
| **VIII.** | **Давлат-хусусий шериклик, халқаро рейтинг ва индекслар ҳамда суғурта бозори ва бошқа кўрсаткичлари** | **167-172** |
| | **Иловалар** | |

# КИРИШ

2023 йилнинг 9 ойлигида **ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)** ҳажми жорий нархларда **750 926 млрд сўмни** ёки ўсиш сураъти **5,8 фоизни** *(йил бошидаги прогноз – 5,4%)* ташкил этди.

Бунда, **иқтисодий ўсишнинг асосий драйвери хизматлар** соҳаси бўлиб, унинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати **6,5 фоиз**ни *(ўсишдаги ҳиссаси – 2,5 фоиз банд)* ташкил этди. Шунингдек, саноат **5,7 фоиз**га *(1,4 ф.б)*, қурилиш ишлари – **5,6 фоиз** *(0,4 ф.б)* ва қишлоқ хўжалиги **4,1 фоиз**га *(0,9 ф.б)* ўсди.

Ижобий ўсиш суръатлари иқтисодиётни фискал рағбатлантириш ҳисобига истеъмол харажатларининг ўсиши ҳисобига эришилди.

*1-расм. Иқтисодиёт тармоқлари ўсиш суръатлари, фоизда*




*2-расм. Тармоқ ва соҳаларнинг ЯИМ ўсиш суръатидаги улуши, фоизда*




Мазкур даврда ҳудудлар кесимида иқтисодий фаоллик I ярим йилликка нисбатан ошди**.** Бунда, иқтисодий ўсишга ҳудудларнинг қўшган ҳиссаси **4,5 фоиз бандни** ташкил этган бўлса, шундан Тошкент шаҳрида ўсиш **8,6 фоиз**ни ташкил этиб, республика ўсишига **1,5 фоиз банд**, қолган ҳудудлар **0,1-0,4 фоиз** банд атрофида ҳисса қўшишган.

*3-расм. Ялпи ички (ҳудудий) маҳсулот ўсиш суръати, фоизда*




**Жорий йилнинг 9 ойида** истеъмол нархлари индекси *(ИНИ)* **5,1 фоизни** *(2021 й. – 9%, 2022 й. – 8,1%)* ташкил этди, бунда, озиқ-овқат **5,6 фоиз**га, ноозиқ-овқат – **4,8 фоиз** ва хизматлар **4,7 фоиз**га қимматлашди.

*5-расм. Инфляция даражаси (ўтган ойга нисбатан), фоизда*




2023 йил 1 октябрь ҳолатига рўйхатдан ўтган юридик шахслар сони **606,7 мингтага** етиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **11,5 фоизга** ўсди.

Бунда, тармоқлар кесимида ўсиш алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида **18,6 фоиз**, ташиш ва сақлаш – **14,9 фоиз**, савдо – **14,5 фоиз**, соғликни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш – **11 фоиз**, яшаш ва овқатланиш – **10 фоиз** ва қишлоқ хўжалигида **9,6 фоиз**ни ташкил этди.

*6-расм. Рўйхатдан ўтган корхоналар сони ўсиш динамикаси, фоизда*




## 1.2 ЯИМ ўсишининг макроиқтисодий омиллари *(талаб омили)*

2023 йилнинг 9 ойлигида иқтисодий ўсиш қуйидаги талаб омиллар ҳисобига эришилди:

❖ аҳоли умумий даромадлари **14,3 фоиз**га ошиб, аҳоли жон бошига умумий даромадлар **14,4 млн сўм**ни ташкил этди.

Шу билан бирга, чакана савдо айланмаси **205 трлн** сўмни *(ўсиш – 7%)*, ўртача номинал иш ҳаққи **4,4 млн** сўмни *(18,5%)* ташкил этган бўлса, савдо ва пуллик хизматлардан пул тушумлари ҳажми эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **28 фоиз**га ошди.

Бундан ташқари, пул ўтказмалари ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **33,7 фоизга** камайган бўлса-да *(2022 йилдаги геосиёсий вазият фонидаги пул ўтказмаларининг нотабиий кескин ошиши кузатилган)*, 2021 йилнинг мос даврига нисбатан **1,4 баробарга** ўсган.

❖ асосий капиталга инвестициялар **11,8 фоиз**га ошди *(226,6 трлн сўм)*;

❖ экспортнинг номинал ўсиши **23,5 фоиз**ни *(17,7 млрд долл)* ва импорт **21,2 фоиз**ни *(27 млрд долл)* ташкил этди;

❖ иқтисодиётга кредит қўйилмалари қолдиғи **24 фоиз**га *(452 трлн сўм)* ошди.

**А) Асосий капиталга киритилган инвестициялар**

2023 йил 9 ойида **асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар** ҳажми **226,6 трлн сўмни** ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **11,8 фоизга** ўсди. Бунда:

а) **Марказлашган** инвестициялар ҳажми **29,6 трлн сўмни** *(ўсиш – 1,3%)* ташкил этиб, бунда ҳукумат кафолати остидаги кредитлар – **12,5 трлн сўмни** ташкил этиб, ўсиш суръати **23,5 фоиз**га ошган. Бироқ, бюджет маблағлари – **5,7 фоиз**га ва тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари – **31,3 фоиз**га камайган.

б) **Марказлашмаган** инвестициялар ҳажми **197 трлн сўмни** *(13,6%)* ташкил этди. Хусусан:

- корхона маблағлари – **62,8 трлн сўм** *(11%);*

- тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кафолатланмаган хорижий кредитлар – **91,9 трлн сўм** *(16,3%);*

- тижорат банклари кредитлари – **19,1 трлн сўм** *(27%);*

- аҳоли маблағлари – **23,3 трлн сўм** *(2,2%).*

Ушбу ўзлаштирилган инвестициялар натижасида **қурилиш ишлари** ҳажмини **107,8 трлн сўмга** *(ўсиш – 5,6 фоиз)* етказишга асосий омиллардан бири бўлди.

Бунда, Фарғона *(12,7%)*, Қашқадарё *(9%)*, Тошкент *(7,3%)* ва Самарқанд *(7%)* вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида *(8,1%)* юқори ўсиш кузатилди.

*7-расм. Қурилиш ишларининг ўсиш суръати (ҳудудлар кесимида), фоизда*




**Б) Ташқи савдо айланмаси** таҳлил даврида **44,7 млрд долларни** *(ўсиш 22,1%)*, товарлар экспорти **17,7 млрд долларни** *(23,5 фоиз)* ташкил этди.

Экспорт таркибида машина ва транспорт ускуналари **1,4 баробар**га *(943,2 млн долл)*, тайёр маҳсулотлар – **1,2 бараварга** *(922 млн долл)*, озиқ-овқат маҳсулотлари – **19 фоиз**га *(1,3 млрд долл)* ошган.

Мазкур даврда **импорт** ҳажми **27 млрд доллар**ни *(ўсиш 21,2 фоиз)* ташкил қилиб, ўсиш асосан ишлаб чиқаришни рағбатлантирувчи асосий воситалар ва эҳтиёт қисмлар ҳамда ёқилғи маҳсулотлари ташкил этган.

*8-расм. Экспорт таркиби кўрсаткичлари, фоизда*




*9-расм. Импорт таркиби кўрсаткичлари, фоизда*




### 1.3 ЯИМ ўсишга тармоқ ва соҳаларнинг таъсири *(таклиф омили)*

**<u>Саноат тармоғида</u>** 2023 йил январь-сентябрь ойларида **460 трлн сўмлик** саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб ўтган йилнинг мос даврига нисбатан – **5,7 фоизга** ўсди.

**а) асосий тармоқларнинг ўсишидаги ҳиссаси** металлургияда **1,3 фоиз** банд *(ўсиш 4,6 фоиз),* кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари **0,7 фоиз** банд *(36,7 фоиз),* энергетика тармоғи **0,6 фоиз банд** *(8,9 фоиз)*, тўқимачилик маҳсулотлари **0,5 фоиз банд** *(5,9 фоиз)*, озиқ-овқат маҳсулотлари **0,5 фоиз** банд *(6,5 фоиз),* электр ускуналар ишлаб чиқариш **0,5 фоиз** банд *(32,9 фоиз),* автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш **0,4 фоиз банд** *(10,2 фоиз)*ни ташкил этди.

**б)** Республика даражасидаги йирик тармоқ корхоналари томонидан жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида “Ўзавтосаноат” АЖ ўсиш **29 фоизга** *(жами 42,1 трлн сўм),* “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси – **26 фоиз** *(16,2 трлн сўм),* "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси – **7,4 фоизга** *(9,3 трлн сўм),* “Ўзбекнефтегаз” АЖ – **5,4 фоиз** *(27 трлн сўм)* ўсди.

***10-расм: Саноат тармоқлари ўсиш суръатлари, фоизда***




**в) ҳудудлар кесимида** юқори ўсиш суръатлари Жиззах *(7,3%),* Сирдарё *(7,1%)*, Қашқадарё *(7,0%)* ва Наманган *(7,0%)* вилоятларида кузатилди.

***11-расм: Ҳудудлар кесимида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариши ўсиш суръатлари, фоизда***



**<u>Бозор хизматлари</u>** жорий йил 9 ойлигида **329,2 трлн сўмни** ташкил этиб ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **12,1 фоизга** ўсди.

Бунда, юқори ўсиш суръатлари асосан алоқа ва ахборотлаштириш *(24,8 фоиз),* таълим *(23,5 фоиз)*, молия *(18,2 фоиз)*, яшаш ва овқатланиш *(11 фоиз)* ва савдо *(9 фоиз)* ҳисобига таъминланган.

***12-расм. Бозор хизматлар ўсиш суръати, фоизда***




Шу билан бирга, ҳудудлар кесимида энг юқори ўсиш суръатлари фақат Тошкент шаҳрида – **16,8 фоиз**га ва Хоразм вилоятида – **12,9 фоиз**ни ташкил этди.

<u>Шу билан бирга, хисобот даврида хизматлар соҳасини рағбатлантирувчи омиллар бўлиб қуйидагилар ҳисобланди:</u>

❖ иқтисодиётга кредит қўйилмалари қолдиғи **24 фоиз**га *(452 трлн сўм)* ошди;

❖ Темир йўл, ҳаво ва автомобиль транспорт турларида ташилган <u>юк ҳажми</u> **1,01 млрд. тонна**ни ташкил этиб, **2,2 фоиз**га ўсди;

❖ ҳудудларда **40 минг**дан яқин савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари ташкил этилди;

❖ Ўзбекистонга кариндошларини йўқлаш ва туристик мақсадда ташриф буюрган чет эл фуқаролар сони қарийб **2 баробар**га ошиб, **4,1 млн** тани ташкил этди.

**<u>Қишлоқ хўжалиги</u>**да **293 трлн сўмлик** *(ўсиш – **4,1 фоиз**)* маҳсулот етиштирилди.

Ҳудудлар кесимида Сирдарё *(6,8 фоиз)*, Сурхондарё *(6,5 фоиз)*, Хоразм *(6,3 фоиз)*, Жиззах *(5,2 фоиз)*, Наманган *(5 фоиз)* вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикаси *(4,4 фоиз)* республика кўрсаткичидан юқори ўсиш суръатлари кузатилди.

*13-расм. Ҳудудлар кесимида қишлоқ хўжалиги ўсиши, фоизда*




*14-расм: Асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ўсиши, фоизда*




Бунда, деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш **4,9 фоиз**га ўсиб, ўсиш асосан пахтанинг **28,4 фоиз**га, доннинг **3,3 фоиз**га *(7 млн тн)*, полиз – **3,4 фоиз** *(1,6 млн тн)*, мевалар – **3,1 фоиз** *(2,3 млн тн)* ҳисобига бўлди.

Шунингдек, чорвачилик **3,3 фоиз**га ўсиб, бунда гўшт *(тирик вазнда)* **3,5 фоиз**га *(2 млн тн)*, сут – **3,5 фоиз**га *(8,6 млн тн)* ва тухум – **2 фоиз**га *(6,1 млрд дона)* ошди.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигида қуйидагилар амалга оширилди:

Пахта ва ғалладан қисқартирилган **89,1 минг** гектар майдон деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун **237,8 минг** нафар эхтиёжманд аҳолига тарқатилиб, **763 минг** нафар аҳоли бандлиги таъминланди;

**3195 та** сув хўжалиги объектларида “Ақлли сув” қурилмаси, **1 678 та** “Дайвер” қурилмаси, **44 та** насос “онлайн” назорат қилиш қурилмаси ўрнатилиб, **12 та** йирик сув хўжалиги объектлари **автоматлаштирилди**;

Қуввати **7 минг** тонналик **3 та** агрологистика ва **13,6 минг** тонналик **33 та** совуткичли омборхона ишга туширилди ва агрологистикалар сони **69 тага,** қуввати **909 минг** тоннага, совуткичли омборхоналар сони **1831 тага**, қуввати **1,2 млн** тоннага етди;

Республикада фаолият юритаётган **9 та “in-vitro”** лабораторияда **8 млн** дона мевали ва ток кўчатлари ҳамда **35 млн** дона картошканинг бирламчи туганаклари етиштирилди;

Рақамлаштиришда жорий этилган ахборот тизимлари такомиллаштирилди, янги **2 та** ахборот тизими *(“Агроплатформа”, “CropAgro”)* жорий этилди.

## I. Давлат бюджети даромадларининг ижроси

2023 йилнинг 9 ойлигида **Давлат бюджети даромадлари 162,9 трлн сўмни** ташкил этиб, 2022 йилнинг мос даврига нисбатан **16,6 трлн сўмга** (+11,4 %) кўп бўлди.

Ҳисобот даврида Давлат бюджети даромадлари:

– **Солиқ қўмитаси** томонидан **116,7 трлн сўм** (жами тушумга нисбатан 71,6 %);

– **Божхона қўмитаси** томонидан **40,3 трлн сўм** (жами тушумга нисбатан 24,7 %) шакллантирилди.

– **Бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тушумлар 5,9 трлн сўмни** ташкил қилди.

15-расм

**2022-2023 йиллар 9 ойлиги бўйича Давлат бюджети даромадлари динамикаси**




**Йирик солиқ тўловчилар** бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси бўйича 2023 йилнинг 9 ойлигида тушумлар **66,7 трлн сўмни** ташкил этиб, 2022 йилнинг мос даврига нисбатан **1,0 трлн сўм**га ёки **101,5 фоиз**га ошди.

**Маҳаллий бюджетлар даромадлар прогнози ошириб бажарилган қисми ҳисобидан** 2023 йилнинг 9 ойликда жами **3,0 трлн сўм** *(ўтказиб бериладиган даромад билан бирга)* маблағлар қолди. Жумладан, **Тошкент шаҳар** 877,3 млрд сўм, **Тошкент вилоят** 411,8 млрд сўм, **Қорақалпоғистон Республикаси** 277,8 млрд сўм, **Қашқадарё вилоят** 196,1 млрд сўм, **Жиззах вилоят** 180,2 млрд сўм, **Самарқанд вилоят** 175,3 млрд сўм.

**Божхона қўмитаси** бўйича тушумлар 2023 йилнинг 9 ойида **40,3 трлн сўмни** ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **7,1 трлн сўм**га (21,3%) ошди.

Божхона тўловлари тушумига таъсир кўрсатган омиллар:

- товарлар импорти ҳажми ошиши ҳисобига **3,6 трлн сўм**;
- валюта курси ўзгариши ҳисобига **1,6 трлн сўм**;
- айрим турдаги товарларга 5 фоизлик импорт божхона божи ставкаларини жорий этилиши ҳисобига **0,7 трлн сўм**;
- аввал қўлланилган имтиёзларнинг бекор бўлиши ҳисобига **0,3 трлн сўм**;
- “Божхона қиймати бўйича хавф кўрсаткичлари” тизими орқали аниқланган хавфларни минималлаштириш ҳисобига **0,5 трлн сўм**;
- мантиқий назорат шаклларини қўллаш ҳисобига **0,2 трлн сўм**;
- товарлар чиқариб юборилгандан сўнг ўтказилган таҳлиллар ҳисобига **0,2 трлн сўм** кўп ундирилишига эришилди.

2023 йилнинг 9 ойлигида **қўшилган қиймат солиғидан манфий фарқни қоплаш учун** тадбиркорлик субъектларига **15,4 трлн сўм** қайтарилиб, бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **2,6 трлн сўм** кўп.

2023 йилнинг 9 ойлигида Давлат бюджети даромадлари таркибида **бевосита** солиқлар **31,6 фоизни**, **билвосита** солиқлар **35,3 фоизни**, **ресурс солиқлари** **12,2 фоизни** ва **бошқа даромадлар** **20,9 фоизни** ташкил қилди.

16-расм

**2022-2023 йилларда давлат бюджети даромадлари тузилмаси**



1-жадвал

***2022-2023 йилларда солиқ тўловчилар сонининг***
***ўзгариш динамикаси** (нафар)*

| **Кўрсаткичлар номи** | **2022 йил 1 октябрь** | **2023 йил 1 октябрь** | **2022 йилга нисбати %** |
|---|---|---|---|
| **1. Асосий солиқ турлари бўйича тўловчилар сони** | | | |
| Фойда солиғи | 160 127,0 | 180 104,0 | 12.5% |
| Қўшилган қиймат солиғи | 168 189, | 184 886,0 | 9.9% |
| Акциз солиғи, жами | 4 563,0 | 4 623,0 | 1.3% |
| Ер қаъридан фойдаланилганлик учун солиқ | 2 045,0 | 2 105,0 | 2.9% |
| Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | 149 514,0 | 156 767,0 | 4.9% |
| Юридик шахслар мол-мулк солиги | 77 137,0 | 68,763 | -10.9% |
| Юридик шахслар ер солиги | 171 790,0 | 183 274,0 | 6.7% |
| **2. Солиқ тўловчи жисмоний шахслар** | | | |
| Даромад солиғи (қатъий белгиланган даромад солиғи тўловчи ЯТТ билан бирга) | 5 225 232,0 | 5 391 904,0 | 3.2% |
| Мол-мулк солиғи | 7 607 137,0 | 7 764 092,0 | 2.1% |
| Ер солиғи | 6 678 365,0 | 6 829 688,0 | 2.3% |

**Бевосита солиқлар** бўйича 2023 йилнинг 9 ойлигида давлат бюджетига жами **51,5 трлн сўм** келиб тушди, ушбу кўрсаткич 2022 йилнинг мос даврига нисбатан **2,0 трлн сўм**га ёки **4,1 фоиз**га кўп бўлди.

17-расм



2023 йилнинг 9 ойлигида **фойда солиғи** бўйича тушумлар **28,3 трлн сўмни** ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан тушумлар **1,9 трлн сўм**га ёки **6,2 фоиз**га кам бўлган.

Фойда солиғи тушумларининг ўтган йилга нисбатан камайишига тарифларини кўриб чиқишнинг кечиктирилиши, дунё бозорида пахта толаси, дон ва кимёвий ўғитлар нархи пасайиши, валюта курси прогнозда кўзда тутилгандек ўсмаганлиги ҳамда аномал совуқ шароитида корхоналар харажатининг ошиши сабаб бўлган.

Таҳлил қилинаётган даврда **34 617 та** қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан **18 599,7 млрд сўм**лик товар айланма амалга оширилган.

Мазкур корхоналарнинг фойда солиғи базаси **880,6 млрд сўм**га тенг бўлсада бироқ улар учун нол ставка белгиланганлиги ҳисобига **132,0 млрд сўм**лик солиқ ушбу корхоналар ихтиёрида қолдирилмоқда.

Шунингдек, товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) электрон савдосини амалга оширувчи солиқ тўловчилар фойда солиғини 2 баравар пасайтирилган ставкада тўлаши ҳисобига улар ихтиёрида **18,4 млрд сўм** маблағлар қолдирилган.

Бундан ташқари, Фойда солиғи бўйича 2023 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар 5-тоифадаги туманларда рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудларда фаолият юритадиган тадбиркорлик субъектлари ушбу солиқни 1 фоиз миқдоридаги солиқ ставкалари бўйича тўлаши белгиланди (30.12.2022й. ПФ-287-сон). Натижада жорий йилнинг 9 ойлиги давомида тадбиркорлар ихтиёрида **27,2 млрд сўм** маблағ қолган.

Товар айланмаси 1 млрд сўмдан ошган кичик бизнес тоифасига кирувчи тадбиркорлар учун 1 йил давомида, кичик бизнесдан ўрта бизнес тоифасига ўтган тадбиркорлар учун 2 йил давомида фойда солиғи ставкасини 2 бараварга пасайтириш имкони берилди (30.08.2022й. ПҚ-364-сон). Натижада жорий йилнинг 9 ойлиги давомида тадбиркорлар ихтиёрида **6,4 млрд сўм** маблағ қолган.

Фойда солиғи тўловчилар сони 2023 йилнинг 9 ойлигида **180,1** мингтани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **20,0 мингтага** ёки **12,5 фоиз**га ошди.

**Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи** тушумлари 2023 йилнинг 9 ойлигида **21,6 трлн сўмни** (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **4,1 трлн сўм**га ошди).

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича тушумларнинг ўсишига иқтисодиётнинг барча секторларида ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондини легаллаштириб борилиши ижобий таъсир кўрсатди. Бунда, республика бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш фонди 2022 йил 1 октябрь ҳолатига 106,7 трлн сўмни ташкил этган бўлса 2023 йилнинг 1 октябрь ҳолатига эса 27,6 трлн сўмга ошиб 134,3 трлн сўмни ташкил этган. Ходимлар сони эса ўтган йилнинг мос даврига нисабатан 160,3 мингтага ошиб 5,1 млн тани ташкил этган.

2023 йилнинг 9 ойлигида **айланмадан олинадиган солиқ бўйича** тушумлар **1,7 трлн сўмни** ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **166,7 млрд сўм**га ёки **8,8 фоизга** пасайди.

Солиқ тушумларининг камайишига қуйидаги омиллар сабаб бўлган:

– солиқ тўловчиларнинг ҚҚСга ўтиши ҳисобига – 180,9 млрд сўм;

– қатъий солиқ тўловчилар ўтган йилга нисбатан кам тўлагани ҳисобига 124,6 млрд сўм;

– йил бошидан бошлаб 4 фоиздан юқори бўлган ставкалар бекор қилиниб ягона 4 фоиз ставка ўрнатилиши ҳисобига – 58,5 млрд сўм;

– республика ҳудудларининг 4 ва 5-тоифаларидаги туманлар ҳисобига –35,4 млрд сўм.

2023 йил 1 октябрь ҳолатига фаол АОС тўловчилари сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 22 698 тага ёки 6,2 фоизга камайиб 363 055 тани ташкил этди.

**Билвосита солиқлар** бўйича тушумлар 2023 йилнинг 9 ойлигида **57,4 трлн сўмни** ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **4,3 трлн сўмга** ёки **8,2 фоизга** ошди.

18-расм

**2022-2023 йилларнинг 9 ойлигида билвосита солиқлар динамикаси**



Қўшилган қиймат солиғи ставкаси 15 фоиздан 12 фоизга пасайтирилишига қарамасдан солиқ ва божхона маъмурчилигида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида тушумлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ошди.

2023 йил 9 ойлигида солиқ органлари томонидан **24,0 трлн сўм**ни (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **107,2 млрд сўм** кўп) божхона органлари томонидан **31,3 трлн сўм**ни (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **3,3 трлн сўм** кўп) ҚҚС бўйича тушумлар ундирилиши таъминланган, бундан ташқари солиқ тўловчиларга **15,4 трлн сўм** маблағлар қоплаб берилган.

19-расм

**2022-2023 йилларнинг 9 ойлигида қўшилган қиймат солиғи динамикаси**




2023 йилнинг 9 ойлигида **қўшилган қиймат солиғи** тушумлари **39,9 трлн сўмни** ташкил қилди, бу 2022 йилнинг мос даврига нисбатан **720,2 млрд сўм**га (101,8%) кўпдир.

Шунингдек, 2023 йил 1 майдан бошлаб “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган жисмоний шахслар товарларнинг чакана савдо объектларида харидини амалга оширганда харид суммасида тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаси республика бюджетидан қайтариш жорий қилинди. Ҳисобот даврига ҚҚС бўйича қайтарилган сумма **18,0 млрд сўм**ни ташкил қилди.

ҚҚСдан манфий фарқни қоплаш учун 2023 йилнинг 9 ойлигида давомида тадбиркорлик субъектларига **15,4 трлн сўм** миқдорида маблағлар қайтарилди *(ҚҚС тушумларига нисбатан 27,9%).* Солиштириш учун, 2022 йилнинг мос даврида **12,8 трлн сўм** маблағлар солиқ тўловчиларга қайтарилган.

Қоплаб берилган ҚҚС суммасининг **9,5 трлн сўми** (61,8 %) 100 та тадбиркорлик субъектларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси маъмурчилигидаги корхоналарга товарларни импорт қилишда ва товарларни (хизматларни) реализация қилишда тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммаларини ўзаро ҳисобга олиш имкониятидан 90 та йирик солиқ тўловчи корхоналар фойдаланиб, **1,5 трлн сўм** маблағлар ўзаро ҳисобга олинди.

Солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш ҳисобига тенг рақобат муҳитини яратиш ҳамда қўшилган қиймат солиғини йиғиш маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича кўрилаётган чоралар ҚҚС самарадорлигини ошириш имконини берди.

2023 йилнинг 9 ойлигида ҚҚС бўйича тушумларнинг ўсиши иқтисодий фаолликнинг ошиши, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштирилиши билан бир қаторда, солиқ тўловчилар сонининг ортиб бориши билан шартланади. 2023 йилнинг 9 ойлигида солиқ тўловчилар сони **184,9 мингтани** ташкил этиб, 2022 йилнинг мос даврига нисбатан **16,7 мингтага** ёки **10,0 фоизга** ошди.

Жорий йилнинг 9 ойлигида **божхона органлари** томонидан ҚҚС бўйича давлат бюджетига тушумларнинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **11,7 фоизга** кўпроқ ундирилиши таъминланди.

2023 йилнинг 9 ойлигида **акциз солиғи** тушумлари **10,9 трлн сўмни** ташкил этди, ўтган йилги тушумларга нисбатан **1,1 трлн сўм**га ошди.

Жорий йилнинг 9 ойлигида **солиқ органлари** томонидан йиғилган акциз солиғи тушумлари **10,4 трлн сўм**ни ташкил этиб, олдинги йилга нисбатан **854,3 млрд сўм**га кўп. **Божхона органлари** маъмурчилигида акциз солиғи тушумлари **475,6 млрд сўм**ни ташкил этди ҳамда 2022 йилнинг шу даврига нисбатан **206,1 млрд сўм**га ошган.

Акциз солиғи тушумлари жорий йилда қуйидагича кўринишда бўлди:

– алкоголь маҳсулотлари (пиво маҳсулотлари билан бирга) – **1 505,7 млрд сўм** (2022 йил – 1218,6 млрд сўм);

– тамаки маҳсулотлари – **1 678,3 млрд сўм** (2022 йил – 1 470 млрд сўм);

– нефт маҳсулотлари – **210,8 млрд сўм** (2022 йил – 409,6 млрд сўм);

– табиий газ – **3 509,2 млрд сўм** (2022 йил – 3 186,7 млрд сўм);

– полиэтилен грануласи – **172,3 млрд сўм** (2022 йил – 197,5 млрд сўм);

– мобил алоқа хизматлари – **728,2 млрд сўм** (2022 йил – 644,5 млрд сўм);

– бензин, дизель ёқилғиси ва газни охирги истеъмолчига реализация қилишдаги акциз солиғи – **2 627,6 млрд сўм** (2022 йил – 2 447,3 млрд сўм).

Шунингдек тамаки маҳсулотлари тушумлари 2023 йилнинг 9 ойлигида **1,7 трлн сўм**ни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **208,3 млрд сўм**га (ўсиш 14%) ошди.

2023 йил 1 мартдан 2023 йил 31 декабрга қадар импорт қилинадиган, маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган ва тадбиркорлик субъектлари томонидан якуний истеъмолчиларга сотиладиган АИ-80 русумли автобензин маҳсулоти учун акциз солиғининг “ноль” ставкаси белгиланиши ҳисобига жорий йилнинг ҳисобот даврида нефть махсулотларидан акциз солиғи тушуми **198,8 млрд сўм**га камайишига сабаб бўлди. Шу билан акциз солиғи бўйича ноль ставкаси қўлланиши натижасида, 2023 йилнинг 9 ойликда тадбиркорлик субъектлари иҳтиёрида **851,1 млрд сўм** қолдирилишига имкон яратди.

Полиэтилен гранулалари буйича 2023 йилнинг 9 ойида  ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ишлаб чиқариш хажми пасайганлиги сабабли мазкур товар бўйича акциз солиғи тушуми **25,2 млрд сўм**га камайди.

**Божхона божи.** 2023 йилнинг 9 ойлигида божхона божи тушуми **6,7 трлн сўмни** ташкил этди ёки 2022 йилнинг мос даври билан солиштирганда **2,6 трлн сўмга** ёки **62,5 фоизга** ошди.

Божхона даромадларининг ошиши асосан импорт ҳажмининг ошиши, айрим божхона имтиёзларининг амал қилиш муддатининг тугаши, божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш, расмийлаштирув жараёнининг тезлашиши ва божхона маъмуриятчилигининг янги усулларини жорий этиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар билан боғлиқ.

Хусусан, 2023 йил 9 ойида ўтган 2022 йилнинг мос даврига нисбатан товарлар импорти **6,1 млрд АҚШ доллари**га ёки **29,9 фоиз**га ошди.

2023 йилнинг 9 ойида божхона тўловлари ундириладиган импортнинг умумий импорт хажмидаги улуши **75,3 фоиз**ни (2022 йилнинг мос даврида 71,3 фоиз) ташкил қилди.

Жорий йилнинг 9 ойлигида **ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи бўйича** умумий тушумлар **19,8 трлн сўмни** ташкил этиб, 2022 йилнинг мос даврига нисбатан солиштирганда **1,9 трлн сўмга** ёки **10,4 фоизга** кўп.

20-расм

**2022-2023 йилларнинг 9 ойлигида ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи динамикаси**




Жорий йилнинг ўтган даврида тушумларнинг пасайишига қуйидаги асосий омиллар таъсир кўрсатди:

2023 йилдан бошлаб қазиб олинган қимматбаҳо, рангли, қора ва радиоактив металлар бўйича солиқларни уларнинг амалда реализация қилинган ҳажми қийматидан келиб чиққан ҳолда солиқ ҳисоблашни жорий этилиши ҳисобига (2023 йил 1 январгача — солиқ ушбу фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилган);

жаҳон бозорида мис нархининг 5,5 фоизга пасайиши;

қишда ғайритабиий совуқ ва газ билан боғлиқ муаммолар ҳисобига цемент ишлаб чиқариш учун оҳактош қазиб олиш ҳажмининг камайиши.

2023 йилнинг 9 ойлигида **мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича** тушумлар **8,4 трлн сўмни** ташкил этди. Шундан мол-мулк солиғи бўйича – **3,7 трлн сўм**, ер солиғи бўйича – **4,7 трлн сўмни** ташкил қилди.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича тушумлар 2023 йилнинг 9 ойида **2 719,2 млрд сўмни** ташкил этди ва 2022 йилнинг мос даврига нисбатан **500,9 млрд сўм**ни ёки **122,6 фоиз**ни ташкил этди.

Тушумларнинг ўсишига қуйидаги асосий омиллар таъсир кўрсатди:

айрим турдаги кўчмас мулкка нисбатан қўлланиладиган мол-мулк солиғи бўйича пасайтирилган солиқ ставкасини 0,5 фоиздан 0,6 фоизга оширилиши натижасида қўшимча **36,6 млрд сўм** ундирилди;

минимал қийматдан келиб чиққан ҳолда солиқ солинадиган объектлар сонини 4 мингдан ортиқга кўпайиши натижасида қўшимча тушумлар 250 млрд сўмни ташкил этди;

**221,7 млрд сўм**лик солиқ қарзларини ундирилиши.

Жорий йилда айрим худудларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан мол-мулк солиғини ҳисоблаш учун бинолар ва иншоотларнинг минимал қийматига нисбатан қўлланиладиган пасайтириш коэффициентларининг қайта кўриб чиқилиши солиқ тушумларига ҳам таъсир кўрсатди. Хусусан, 8 та туманда пасайтирувчи коэффициентлари ўтган йилга нисбатан пасайтирилди, 6 та туманда оширилди, пасайтирувчи коэффициентлар қўлланилмаган туманлар сони 18 тадан 21 тага кўпайди.

Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича тушумлар 2023 йилнинг 9 ойида **2 782,0 млрд сўмни** ташкил этиб, 2022 йилнинг мос даврига нисбатан **282,8 млрд сўм**га кўп бўлди ёки **111,3 фоиз**ни ташкил этди.

Жорий йилнинг ўтган даврида тушумларнинг ўсишига қуйидаги асосий омиллар таъсир кўрсатди:

2022 йилда амалда бўлган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун базавий солиқ ставкаларини 10 фоизга индексация қилиниши натижасида қўшимча тушумлар қарийб **144,6 млрд сўм**ни ташкил этди;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун ер солиғи ставкасига нисбатан қўлланиладиган пасайтирувчи коэффициентни 0,3 дан 0,4 гача оширилиши натижасида қўшимча тушумлар **46,2 млрд сўм**ни ташкил этди;

35,7 млрд сўмлик солиқ қарзларини ундирилди.

2023 йилнинг 9 ойида жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк ва ер солиғи бўйича тушумлар **2 857,4 млрд сўмни** (мулк солиғи – **964,6 млрд сўм**, ер солиғи – **1 892,8 млрд сўм**) ташкил этди ва 2022 йилнинг мос даврига нисбатан **786,5 млрд сўм**га кўп бўлди ва **138,0 фоиз**ни ташкил этди.

Жорий йилнинг ўтган даврида тушумларнинг ўсишига қуйидаги асосий омиллар таъсир кўрсатди:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун мол-мулк солиғи ставкалари ва базавий ер солиғи ставкаларини 10 фоизга индексация қилиниши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан базавий ер солиғи ставкаларига камайтирувчи ва ошириш коэффициентларини қўллаш натижасида қўшимча даромадлар қарийб **230,0 млрд сўм**ни ташкил этди;

тадбиркорлик фаолияти учун мўлжалланган нотураржой кўчмас мулк объектлари бўйича мол-мулк солиғи миқдорини ўтган йилга нисбатан ошириш бўйича чекловни бекор қилинди (2022 йилда бу чеклов 2021 йилга нисбатан 30 фоиздан кўп бўлмаган).

2023 йилнинг 9 ойлигида **сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича** тушумлар **515,7 млрд сўмни** ташкил этди.

2022 йилда амалда бўлган солиқ ставкаларини 10 фоизга индексация қилиш солиқ тушумига таъсир қилган асосий омил бўлди.

**Давлат бюджетининг бошқа даромадлари ва солиқсиз тушумлари** жорий йилнинг 9 ойлигида **34,1 трлн сўмни** (+32,3%) ташкил этди. Ҳисобот даврида бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тўловларнинг асосий улуши давлат улушига эга корхоналар томонидан тўланадиган дивидендлар ҳисобига тўғри келди ва **12,5 трлн сўм**ни ташкил этди.

Қолган даромадлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

– давлат активларини хусусийлаштиришдан маҳаллий бюджетларга тушумлар – **398,4 млрд сўм** (2022 йилнинг мос даврида 438,2 млрд сўм);

– давлат божи –**2,0 трлн сўм** (1,9 трлн сўм);

– жарималар – **1,5 трлн сўм** (1,1 трлн сўм);

– йиғимлар – **1,3 трлн сўм** (1,2 трлн сўм).

**2023 йилнинг 9 ойлигида солиқ имтиёзлари бўйича қисқача шарҳ:** 2023 йил 9 ойлигида солиқ имтиёзлари суммаси **42,9 трлн сўмни**, бунда солиқ кодексига мувофиқ тақдим этилган имтиёзлар **37,6 трлн сўмни** (87,6 %) ташкил қилди.

2-жадвал

**2023 йил 9 ойлиги давомида солиқ турлари кесимида фойдаланилган солиқ имтиёзлари** ***(ҚҚС ноль ставкасини инобатга олган ҳолда)***

*млрд сўм*

| Т/р | Солиқ тури | Солиқ имтиёзлари фойдаланилган | | Улуши, % |
|---|---|---|---|---|
| | | холатлар сони | суммаси | |
| | **Жами** | **144 214** | **42 899,2** | ***100%*** |
| **1** | Қўшилган қиймат солиғи | 20 121 | 35 679,8 | 83,2% |
| **2** | Акциз солиғи | 1,647 | 942.4 | 2,2% |
| **3** | Фойда солиғи | 7,739 | 2,210.3 | 5,2% |
| **4** | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (солиқ агентлари) | 20,198 | 373.6 | 0,9% |
| **5** | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | 148 | 4.0 | 0,0% |
| **6** | Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | 10,632 | 1,000.6 | 2,3% |
| **7** | Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи | 13,507 | 1,641.1 | 3,8% |
| **8** | Ижтимоий солиқ | 61,646 | 999.4 | 2,3% |
| **9** | Айланмадан олинадиган солиқ | 8,576 | 47.9 | 0,1% |

21-расм

**2023 йил 9 ойлиги давомида фойдаланилган солиқ имтиёзларида солиқ турлари улуши**




Жорий йил 9 ойлигида солиқ имтиёзлари умумий ҳажмида ҚҚС ҳисобига (ноль ставкани инобатга олган ҳолда) **35,7 трлн сўм**га (83,2%) тўғри келади.

Акциз солиғи бўйича солиқ имтиёзлари **942,4 млрд сўм**ни (3,8%) ташкил қилади.

Жорий даврда солиқ имтиёзлари умумий ҳажмида фойда солиғи ҳисобига **2,2 трлн сўм** (9,0%) ни ташкил қилади.

Шу билан бирга, солиқ имтиёзлари умумий ҳажмида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳисобига **373,6 млрд сўм** (1,5%)ни ташкил қилади.

2023 йил 9 ойлик якуни бўйича экспорт фаолияти учун даромад улуши бўлган **3 314 та** корхона **5 239,4 млрд сўм** ноль ставка қўллаган ҳолда 785,9 млрд сўм имтиёздан фойдаланган.

Шундан, 15 фоиздан кам бўлган **557 та** корхона **380,6 млрд сўм** ноль ставка қўллаган ҳолда **57,0 млрд сўм** имтиёздан фойдаланган.

## II. Давлат бюджетининг харажатлари ижроси

Давлат бюджетининг **харажатлари 2023 йил 9 ойлик якунлари билан** давлат мақсадли жамғармаларисиз **201,3 трлн сўмни** аниқланган режа кўрсаткичларига нисбатан **95,2 фоиз** ёки ЯИМ га нисбатан **26,8 фоизни** ташкил этди.

22-расм

### Давлат бюджети харажатлари




Давлат бюджетидан **65,1 трлн сўмлик** иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари ҳамда **12,3 трлн сўмлик** иш ҳақига нисбатан ажратмалари ўз муддатларида тўлиқ молиялаштирилиши таъминланди. Ушбу мақсадлар учун Давлат бюджети жами харажатларининг **38,4 фоизи** йўналтирилмоқда.

*23-расм*

### Давлат бюджети харажатлари таркиби



Ҳисобот даврида **ижтимоий харажатларни молиялаштириш** учун Давлат бюджетидан **98,5 трлн сўм** ёки умумий харажатларнинг **49,0 фоизи** миқдорида маблағ сарфланди. Бу харажатлар **ЯИМ га нисбатан 13,1 фоизни** ташкил этди. Ушбу харажатларнинг 87,2 трлн сўми *(88,5 фоиз)* **Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари,** 10,5 трлн сўм *(10,7 фоиз)* **бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига трансфертлар ва** 767,9 млрд. сўм *(0,8 фоиз)* **аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурларини молиялаштириш учун харажатлар** ҳиссасига тўғри келди.

Ижтимоий харажатларнинг асосий қисмини ташкил этган **таълим тизими муассасаларини** сақлаш ва уларни ривожлантириш харажатларига Давлат бюджетидан **42,9 трлн сўм** ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **8,3 трлн сўм** кўп маблағ йўналтирилди.

*3-жадвал*

**2022-2023 йил 9 ойликда таълим соҳасига ажратилган маблағлар**

| Т/р | Кўрсаткичлар | 2022 йил 9 ойлик, млрд. сўм | 2023 йил 9 ойлик, млрд. сўм | Ўзгариши (фоизда) |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Мактабгача таълим | 7 167,8 | 8 346,9 | 116,5 |
| 2 | Умумий таълим | 23 411,1 | 27 927,8 | 119,3 |
| 3 | Кадрлар тайёрлаш | 4 014,4 | 6 619,6 | 164,9 |
| **Жами** | | **34 593,2** | **42 894,2** | **124,0** |

Бошқа соҳалар каби таълим тизимида фаолият олиб бораётган ходимларнинг иш ҳақи тўловларини тўлиқ ва ўз вақтида тўлаб берилишига катта эътибор қаратилди ва бу харажатлар учун давлат бюджетидан қарийб **24,8 трлн сўм** ёки таълим йўналишига ажратилган жами харажатларнинг **57,7 фоизи** сарфланди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 17,5 фоизга ўсган.

24-расм

**Таълим соҳасига иш ҳақи тўловлари учун ажратилган маблағлар (трлн сўм)**



25-расм

## Давлат бюджети харажатларининг 2023 йил 9 ойлик ижроси (млрд сўм)






**Мактабгача таълим соҳаси бўйича:** 2023 йилнинг 9 ойлигида мактабгача таълим тизимига жами **8 346,9 млрд сўм** маблағ ажратилди. Шундан республика бюджетидан **4 492,0 млрд сўм** ҳамда маҳаллий бюджетлар ҳисобидан **3 854,9 млрд сўм** маблағ ажратилган.

Бунда:



**4 276,8 млрд сўм -** иш ҳақи ва иш ҳақидан ажратмалар;

**4 070,0 млрд сўм -** бошқа харажатлар, шундан:

**2 028,2 млрд сўм** давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган мактабгача таълим муассасаларига бюджет субсидиялари учун;

**58,0 млрд сўм** Мактабгача таълимни ривожлантириш жамғармаси харажатлари.

**ДХШ асосида ташкил этилган МТТга субсидиялар:** 2023 йилнинг 9 ойи давомида нодавлат ҳамда давлат-хусусий шериклик шаклидаги мактабгача таълим ташкилотларини қўллаб-қувватлаш учун давлат бюджетидан **2 028,2 млрд.сўм** бюджет субсидиялари ажратилди.

26-расм

**Давлат-хусусий шерикчилик шаклидаги НМТТ ташкилотларга субсидиялар (млрд сўм)**




Жумладан:

давлат-хусусий шерикчилик шаклидаги НМТТ ташкилотлардаги бир нафар тарбияланувчига сарфланадиган харажатнинг 50 фоизигача миқдорда ажратиладиган бюджет субсидиялари учун 249,3 млрд.сўм;

оилавий НМТТ тарбиячи ва ёрдамчи хизматларига иш ҳақи тўлаш ҳамда давлат мактабгача таълим ташкилотлари учун амалда белгиланган нормалар бўйича озиқ-овқат, юмшоқ ашё ва анжомлар ҳамда дори-дармонларга сарфланадиган харажатларни қоплаш учун 1778,9 млрд.сўм.

27-расм

**Давлат-хусусий шерикчилик шаклидаги НМТТ ташкилотларга ҳудудлар кесимида ажратилган маблағлар (млрд сўм)**




**Болаларни мактабгача таълим тизими билан қамраб олиш даражаси** 2023 йилнинг 9 ойида республикамиздаги 3-7 ёшдаги болалар сони 2 930,8 минг нафарни ташкил этган бўлса, уларнинг 2 137,6 минг нафари яъни, 73 фоизи мактабгача таълим тизими билан қамраб олинди.

Шундан, давлат мактабгача таълим ташкилотларида – 1 333,1 минг нафар;

нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида – 804,4 минг нафар.

Янги давлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этилиши ҳамда нодавлат (ДХШ) мактабгача таълим ташкилотларини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат бюджетидан субсидия ажратилиши ҳисобига қамров даражаси ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3 фоиз бандга ўсишига эришилди.

**Умумтаълим соҳасига** 2023 йил 9 ойлик якуни билан **27,9 трлн. сўм** ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **4,5 трлн сўм** кўп маблағ ажратилди.

Жумладан:

иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда иш хақига ажратмалар учун **24,5 трлн. сўм** ажратилган;

28-расм

**Умумтаълим соҳасига ажратилган маблағлар**



Ушбу маблағлар ҳисобидан тизимдаги 703 мингга яқин ишчи ходимларга, шу жумладан 485 минг нафар ўқитувчиларга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар тўланди.

бошқа (IV гуруҳ) харажатларининг ижроси **3,4 трлн сўм**ни ташкил этди. Жумладан:

Инвестиция дастури доирасида таъмирланган 112 та давлат мактабгача таълим ташкилотларини жиҳозлаш учун ажратилган жами **122,2 млрд сўм** маблағ ажратилган бўлиб, ҳисобот даврида **88,1 млрд.сўм** ёки режага нисбатан **72 фоиз** маблағлар ўзлаштирилган.

1-синф ўқувчиларини **12 турдаги ўқув қуроллари билан бепул таъминлаш** дастури учун жорий йилда **133,8 млрд.сўм** ажратилган бўлиб, 2023-2024 ўқув йили бошлангунга қадар **747,9 минг тўплам** ўқув қуроллари умумтаълим мактабларига тўлиқ етказиб берилган ва ушбу мақсадлар учун ажратилган маблағлар тўлиқ ўзлаштирилган;

Шунингдек, 2023-2024 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактаблари ўқувчиларини янги авлод дарсликлари билан таъминлаш дастури доирасида **83,6 млн. нусха** дарслик, машқ дафтарлари ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш учун республика бюджетидан **920 млрд. сўм** маблағ режалаштирилган бўлиб, шундан, ҳисобот даврида ҳақиқатда етказиб берилган **56,6 млн.нусха** дарсликлар ҳариди учун **855,8 млрд. сўм** ёки **93 фоиз** маблағлар ўзлаштирилди.

**Умумтаълим мактабларида таълим олиш шароитларини яхшилаш:**

- жорий йилда **10 130 та** умумтаълим мактабларини **7 турдаги миллий чолғу асболари** тўплами билан таъминлаш учун республика бюджетидан **49,8 млрд.сўм** маблағлар ажратиб берилган бўлиб, ҳисобот даврида таъминотчилар томонидан жойларга етказиб берилган **9 734 тўплам** ҳариди бўйича **41,2 млрд.сўмлик** (**83 фоиз**) касса харажатлари амалга оширилган.

- умумтаълим мактабларини **6 номдаги** бирламчи **спорт жихозлари** билан таъминлаш харажатларига **62,1 млрд. сўм** маблағ ажратилган бўлиб, ҳисобот даврида **60,3 млрд сўм** ёки **97 фоиз** маблағлар ўзлаштирилган.

-умумтаълим мактабларида ахборот технологияларини ривожлантириш мақсадида **557 тўпламдаги** компьютер жамланмалари хариди учун **101,4 млрд. сўм** маблағ ажратилди.

*Бугунги кунда республика бўйича 15,9 минг компьютер синфлари жиҳозланди (талаб 15,9 минг) ва компьютер синфлари билан таминланганлик даражаси 100 фоизга етказилди ва келгуси йилларда 2015-2017 йилларда ҳарид қилинган компютер синфларини замонавий компьютер синфларига алмаштириш ишларини давом эттириш режалаштирилган.*

Ҳисобот даврида **кадрлар тайёрлаш ва фан соҳасига 7,8 трлн сўм** ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **2,4 трлн сўм** кўп маблағлар йўналтирилди.

2023 йилнинг 9 ойи давомида **ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларини** сақлаш ҳамда таълим олувчиларга қулай шароитлар яратилишини таъминлаш мақсадида Давлат бюджетидан **1 863,48 млрд.сўм** маблағ ажратилган.

Шундан, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун **1481,4 млрд.сўм**, бошқа харажатлар (IV-гуруҳ харажатлари) учун **274,7 млрд.сўм** маблағлар сарфланган.

Ўрта махсус, профессионал таълим соҳасини ривожланиши ва ўқувчиларни ҳамда таълим берувчи ўқитувчиларни рағбатлантириш борасида кўплаб Президент ва ҳукумат қарорлари қабул қилинмоқда.

**Жумладан;**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 апрелдаги “Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6208-сон Фармонига мувофиқ профессионал таълим ташкилотларида таҳсил олаётган “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларга улар ишлаб-чиқариш ёки хизмат кўрсатиш корхоналарида амалиёт ўтаган вақтида, бироқ олти ойдан кўп бўлмаган муддатда профессионал таълим ташкилотлари томонидан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида ҳар ойлик субсидия ажратиш белгиланди.

Мазкур Фармон ижроси юзасидан Давлат бюджетидан “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларга улар ишлаб-чиқариш ёки хизмат кўрсатиш корхоналарида амалиёт даври учун субсидия маблағлари тўланиб келинмоқда.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февралдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-27-сонли Фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг 159-бандига мувофиқ 2023 йил 1 апрелдан бошлаб:

- профессионал таълим муассасаси педагогларининг базавий тариф ставкаларини мос равишда умумий ўрта таълим муассасалари педагогларининг базавий тариф ставкаларига ҳамда профессионал таълим муассасаси биринчи ва иккинчи малака тоифасига эга бўлган, малака тоифасига эга бўлмаган олий маълумотли ҳамда олий маълумотга эга бўлмаган ишлаб чиқариш таълими усталарининг базавий тариф ставкалари тегишинча умумий ўрта таълим

муассасалари биринчи ва иккинчи малака тоифали ўқитувчиси, олий маълумотли ўқитувчиси ҳамда ўрта махсус маълумотли ўқитувчисининг базавий тариф ставкаларига тенглаштирилиши;

- Профессионал таълим муассасасининг юқори натижаларга эришган педагог ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг базавий тариф ставкаларига директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар ойлик 50 фоизгача устама тўлаш амалиёти жорий этилиши белгиланган.

Ушбу мақсадлар учун 2023 йил 9 ойи давомида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан **68,6 млрд.сўм** маблағ ажратилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 3 июлдаги ПҚ-200-сон қарорига илова билан тасдиқланган Олий таълим, фан ва инновациялар соҳасини трансформация қилиш жараёнларини жадаллаштириш бўйича Йўл харитасининг:

34-бандида Профессионал таълим муассасаларининг ўқув адабиётлари, дипломлар, сертификатлар, гувоҳномалар ҳамда белгиланган намунадаги ҳужжатлар ва гуруҳ журналлари билан таъминлаш, коллеж ва техникумларда бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларнинг (ишлаб чиқариш таълими усталари бундан мустасно) иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни амалга ошириш ҳамда коллеж ва техникумларни хомашё ва ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш ҳамда коммунал хизматлар харажатларини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаш;

35-бандида Техникумларда ўрта махсус профессионал таълим дастурларининг қишлоқ хўжалиги, туризм, ирригация ва мелиорация, хизмат кўрсатиш ҳамда ветеринария йўналишларига оид касб ва мутахассисликларига тўлиқ давлат гранти асосида ҳамда муҳандислик, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш йўналишларига оид касб ва мутахассисликлар бўйича умумий қабул кўрсаткичларининг камида 50 фоизини давлат грантига ўқувчиларни қабул қилиш белгиланди.

Ушбу мақсадларга 2023 йил 9 ойи давомида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан **103,0 млрд.сўм** маблағ йўналтирилди.

2023 йилнинг 9 ойлигида **Олий таълим соҳасига 3 064,7 млрд.сўм** ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **899 млрд сўм** кўп маблағ сарфланди.

Ушбу маблағларнинг **1 741 млрд сўми** иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун йўналтирилди.

Шунингдек, ҳисобот даврида ётоқхона билан қамраб олинмаган ва ўзига, шу жумладан ота-онаси (қонуний вакиллари)га тегишли бўлмаган **уйда ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган** давлат олий таълим муассасаларининг **115 300 нафар** талабаларига Давлат бюджети ҳисобидан **186,7 млрд.сўм** миқдорида **компенсация** тўлаб берилган.

Ҳисобот даврида Олий таълим, фан ва иноовациялар вазирлигининг талабномалари асосида **27 та талабалар турар жойларини** барпо этиш учун **235,0 млрд.сўм миқдорида** ҳамда ДХШ асосида барпо этилган талабалар турар жойларига яшаган талабалар учун **3,8 млрд.сўм** миқдорида маблағлар молиялаштирилган.

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб давлат олий таълим муассасалари **магистратурасида** таҳсил олаётган **хотин-қизларнинг** тўлов-контракт миқдори Давлат бюджетидан **қайтариш шартисиз қоплаб бериш** тизими жорий этилган.

Натижада 2022-2023 ўқув йилида давлат олий таълим муассасалари магистратурасида таҳсил олаётган хотин-қизларнинг **85,1 млрд.сўм** миқдорида иккинчи ярим йиллик тўлов-контракт миқдори тўлаб берилди.

Кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасаларини сақлаш харажатларига **283,8 млрд. сўм** маблағлар ажратилди.

Бундан ташқари, мамлакатимиздаги ёшлар ва давлат хизматчиларини ривожланган хорижий давлатларда таълим олишини ва стажировкадан ўтишини қўллаб қувватлаш мақсадида "Эл-юрт умиди" жамғармасига жорий йилнинг 9 ойи давомида **169,5 млрд сўм** трансферт маблағлари ажратилди.

Ҳисобот даврида Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан жами **1 208,9 млрд.сўм** миқдорида **115 100 нафар** талабаларга ажратилган имтиёзли таълим кредитлари молиялаштирилиб берилди.



Хусусан:

а) Мамлакатимиздаги ёшларнинг таълим олиши учун кенг имкониятлар яратилган бўлиб, 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб:

республикадаги барча олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотлари бакалавр ҳамда магистратуранинг кундузги, сиртқи ва кечки таълим шаклида тўлов-контракт асосида таҳсил олиш учун **имтиёзли таълим кредити** ажратишнинг янги тизими йўлга қўйилган.

Натижада 2023 йил 9 ойликда Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан **318,2 млрд.сўм** миқдорида **30 200 нафарга** яқин талабаларга ажратилган имтиёзли таълим кредитлари молиялаштирилди.

б) Мамлакатдаги хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада мустаҳкамлаш мақсадида 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб:

республикадаги барча хусусий, хорижий ва давлат олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида кундузги, сиртқи ва кечки таълим шаклида **хотин-қизларнинг** тўлов-контракт асосида таҳсил олиши учун

**имтиёзли шартларда (фоизсиз)** таълим кредитлари ажратишнинг янги тизими жорий этилган.

Натижада 2023 йил 9 ойи давомида Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан **890,7 млрд.сўм** миқдорида **84 900 нафарга** яқин талаба хотин-қизларга фоизсиз таълим кредитлари молиялаштирилди.

Шу ўринда, жамғарма ҳисобидан **128,2 млрд.сўм** миқдорида талаба хотин-қизларга ажратилган таълим кредитлари учун ҳисобланган фоиз маблағлари тўлаб берилди.

**Маданият соҳасига** 2023 йилнинг 9 ойи давомида Давлат бюджетидан **1 937,2 млрд сўм** маблағ ажратилди. Ушбу ажратилган маблағларнинг **1 901,4 млрд сўми** (2022 йилнинг мос даврига нисбатан **367,5 млн сўмга**, яъни **24,0 фоизга** кўп) ёки **98 фоизи** ўзлаштирилди.

Бунда, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга **819,1 млрд сўм,** бошқа харажатларга **1 082,3 млрд сўм** маблағ йўналтирилган.

4-жадвал

**2023 йилнинг 9 ойи давомида маданият соҳасига йўналтирилган маблағлар**

| Харажатлар йўналиши | Ажратилган маблағ (млрд.сўм) | Касса харажати (млрд.сўм) | Бажарилиши (%) |
|---|---|---|---|
| **ЖАМИ** | **1 937,2** | **1 901,4** | **98,2** |
| Ахборот-кутубхона марказлари ва кутубхоналарни сақлаш харажатлари | 131,4 | 127,1 | **96,7** |
| Музейлар, кўргазмалар ҳамда кўргазма залларини сақлаш харажатлари | 83,9 | 76,4 | **91,0** |
| Маданият саройлари ва марказларини сақлаш харажатлари | 194,2 | 186,9 | **96,2** |
| Театрлар, мусиқа жамоалари, концерт томоша муассасалари харажатлари | 300,1 | 288,2 | **96,0** |
| Телевидение, матбуот ва радио хизматлари харажатлари | 354,1 | 349,2 | **98,6** |
| Кинематография агентлиги, “Қорақалпоққино” агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимларини сақлаш харажатлари ҳамда давлат буюртмасига асосан миллий кино маҳсулотларини яратиш учун харажатлар | 111,8 | 97,7 | **87,4** |

| | | | |
|---|---|---|---|
| Маданий мерос агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларини сақлаш ҳамда маданий мерос объектларида реставрация, тиклаш ишларини амалга ошириш харажатлари | 95,6 | 73,8 | **77,2** |
| Бошқа маданий чора-тадбирлар ва муассасалар харажатлари | 666,1 | 702,1 | **105,4** |

**I.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 7 августдаги ПҚ-3176-сонли қарорида Кинематография агентлиги учун давлат буюртмасига асосан миллий кино маҳсулотларини яратиш йиллик ишлаб чиқариш ҳажмлари белгиланган.

Жорий йилда республика бюджетидан давлат буюртмасига асосан миллий кино маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатлари учун **90,0 млрд сўм** ажратилган бўлиб, мазкур маблағлар кино маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи студиялар билан тўлиқ шартномалар имзоланган. Ҳисобот даврида бажарилган ишлар ҳажмидан келиб чиқиб мазкур маблағлардан **74,6 млрд сўм** миқдоридаги маблағлар (*ажратилган маблағларнинг **96,8 фоизи***) ўзлаштирилган.

Жорий йилда **42 та** бадиий, **76 та** хужжатли, **37 та** қисқа метражли, **3 та** сериал, **12 та** анимацион фильмлар суратга олиш, шунингдек, махсус топшириқлар асосида **5 та** мураккаб постановкали йирик бюджетли бадиий фильмлар ишлаб чиқариш режалаштирилган. Шунингдек, ўтган йилларда суратга олиниши режалаштирилган фильмлардан жами **10 та** бадиий фильм жорий йилда суратга олиш учун ўтказилди.

Шунга кўра, тарихий мавзуда **“Хива лангари”, “Ажиниёз”, “Казбек. Осиё арслони”** номли фильмлари суратга олинмоқда, **“Ўзбек қизи”** фильми якунланди. Ижтимоий-замонавий мавзусида **“Менинг маҳаллам”, “Уч қаҳрамон”, “Самурай”, “Ҳудуд”** бадиий фильмларини суратга олиш ишлари давом этмоқда.

Турли соҳа вакиллари, жумладан, тиббиёт ходимлари тўғрисида **“Бардош”, “Туман шифохонаси”, “Эпидемия”, “Қариқиз”**, спортчилар тўғрисида **“Енгилмас. Токиога йўл”**, суд тизими ходимлари тўғрисида **“Судья”,** ички ишлар ходимлари тўғрисида **“Зобит 555”**, солиқчилар тўғрисида **“Қора туйнук схемаси”** фильмлари ишлаб чиқарилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистон ва Тожикистон киноижодкорлари ҳамкорлигида суратга олиш режалаштирилган “**Жомий ва Навоий**” бадиий фильми учун умумий қиймати **100,0 млрд.сўм** (шундан **30,0 млрд.сўм** Тожикистон томони) бўлган лойиҳа ҳамкорликда ташкил этилмоқда.

Бундан ташқари “**Абдулла Орипов**” тўлиқ метражли бадиий кинофильми суратга олинди.

Туркиянинг ТРТ Аваз телеканали билан ҳамкорликда юртимиздаги зиёрат туризмига бағишланган “**Зиёрат. Олтин йўл**” **5 қисмли** ҳужжатли фильми, Беларусь Республикаси билан “**Якуб Колас**”, Польша билан “**Анна Герман**” фильмлари суратга олинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 февралдаги 37-ф-сон фармойишига асосан буюк давлат арбоби ва саркарда Амир Темурга бағишланган **“Улуғ Амир ва донна Мария”** номли, буюк ҳарбий саркарда Баҳодир Ялангтўшга бағишланган **“Баҳодир Ялангтўш”** номли тарихий бадиий фильмлар ишлаб чиқилмоқда.










**II.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги фаолиятини ташкил этиш ҳамда соҳани инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 19 июндаги ПҚ-5150-сонли қарорига асосан маданий мерос объектларида асрашга доир ишларни амалга ошириш учун жорий йилнинг тўққиз ойлигида республика бюджетидан **8 670,3 млн сўм** маблағлар ажратилган.

Бугунги кунда, 2022 йилда реставрация ишлари бошланган **55 та** маданий мерос объектларида реставрация тиклаш ишлари давом этмоқда.

5 та мажмуада, жумладан, “АРК” қўрғони, “Мир Араб” мадрасаси, “С.Айний” театр биноси, “Карвонсаройлар” мажмуаси, “Баҳовуддин Нақшбанд” меъморий мажмуаси объектларида таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш учун **5,1 млрд сўм** маблағ ажратилган.

***“Баҳовуддин Нақшбанд” меъморий мажмуаси (ташқи кўриниши)***





***“Баҳовуддин Нақшбанд” меъморий мажмуаси (ички қисм)***





Ўз навбатида, жорий йилнинг тўққиз ойи давомида ажратилган маблағлар доирасида **11 та** давлат музейини мукаммал таъмирлаш учун **3,1 млрд сўмлик** пудрат шартномалари расмийлаштирилди ҳамда давлат музейларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш харажатлари учун **470,0 млн сўм** бюджет маблағлари сарфланди.

**Спорт соҳасига** ҳисобот даврида Давлат бюджетидан жами **1 883,5 млрд. сўм** (2022 йилнинг мос даврига нисбатан **550,1 млрд.сўм** ёки **41,3 фоизга** кўп) маблағ ажратилди.

Шундан республика бюджетидан **546,2 млрд. сўм** ҳамда маҳаллий бюджетлар ҳисобидан **1337,3 млрд. сўм** маблағ ажратилган.

Бунда:

иш ҳақи ва ижтимоий солиқ тўловлари – **1186,7 млрд. сўм**;

бошқа харажатлар – **696,8 млрд. сўм,** шундан ривожлантириш дастурлари харажатлари – **427,7 млрд. сўм**;

Шунингдек, спорт соҳасига ажратилган маблағларни соҳалар кесимида қуйидаги жадвал орқали кўриш мумкин.

5-жадвал

**Спорт соҳасига ажратилган маблағларни соҳалар кесимида ижроси**

| **Харажатлар йўналиши** | **Сумма (млрд.сўм)** | **Улуши (фоизда, %)** |
|---|---|---|
| **Спорт мактабларини** сақлаш харажатлари | 871,7 | 46,3 |
| **Ихтисослаштирилган спорт мактабларини** сақлаш харажатлари | 284,7 | 15,1 |
| **Олимпия ва паралимпия** ўйинларига самарали тайёргарлик кўриш харажатлари | 213,9 | 11,4 |
| Спорт ва оммавий жимоний тарбия тадбирларининг **календарь режаси** | 276,0 | 14,7 |
| **Олий спорт маҳорат мактабларининг** сақлаш харажатлари | 92,9 | 4,9 |
| **Футбол академияларини** сақлаш харажатлари | 62,8 | 3,3 |
| Федерация ва ассоциацияларни қўллаб-қувватлаш харажатлари | 30,3 | 1,6 |
| **Чавандозлар мактабларини** сақлаш харажатлари | 28,2 | 1,5 |
| Ўзбекистон “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти сақлаш харажатлари | 8,3 | 0,4 |
| Бошқа спорт муассасалари ва тадбирлари харажатларига | 14,7 | 0,8 |

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат қарорларига асосан тасдиқланган спорт соҳасига доир дастурлар ва марказлашган тадбирларга зарур маблағлар молиялаштирилган. Жумладан:

**1.** 2023 йил 9-ойлик ижроси бўйича спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг республика календарь режаси учун **169,6 млрд.сўм** маблағ молиялаштирилди.



Жумладан:

спорт тадбирлари учун **106,2 млрд.сўм**;

Ўзбекистон футбол ассоциациясини қўллаб-қувватлаш харажатлари учун **18,8 млрд.сўм;**

Ўзбекистон кураш федерациясини қўллаб-қувватлаш харажатлари учун **7,5 млрд.сўм;**

Спорт мактабларни спорт жиҳозлари билан таъминлаш харажатлари учун **20,0 млрд.сўм;**

Жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб қилиш харажатлари учун **7,4 млрд.сўм;**

Терма жамоа ҳамда уларнинг заҳираси спортчиларни ва тренерларининг энергия сарфларини қоплаш ва жисмоний ресурсларни тиклаш харажатлари учун **4,8 млрд.сўм;**

бошқа харажатлар **4,9 млрд.сўм** молиялаштирилди.

***Маълумот учун:*** *Мазкур спорт тадбирларига ажратилган маблағлар ҳисобига 2023 йилнинг 9-ойлигида Республикамиз ҳудудида жами* ***466 та*** *спорт тадбирлари ўтказилган. Ўтказилган спорт тадбирларида жами 61627 нафар спортчилар иштирок этган бўлиб, шундан ўғил болалар 40507 нафарни, аёллар эса 21120 нафарни ташкил этади.*

*Мазкур ўтказилган спорт мусобақаларида спортчилар томонидан жами* ***24024 та*** *медал шулардан, 7537 та олтин, 7470 та кумуш, 9017 та бронза қўлга киритилган.*

*2023 йилнинг январ-сентябрь ойлари давомида хорижий мамлакатларда жами* ***169 та*** *спорт тадбирлари ўтказилган. Мазкур спорт тадбирларида жами 2767 нафар спортчилар иштирок этган бўлиб, шундан ўғил болалар 1773 нафарни, аёллар эса 994 нафарни ташкил этади.*

*Ўтказилган халқаро спорт мусобақаларида спортчиларимиз томонидан жами* ***1079 та*** *(шундан, 515 та олтин, 252 та кумуш, 312 та бронза) медаллар қўлга киритилган.*

**2.** Олимпия ва Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон миллий терма жамоаси спортчиларини тайёргарлик кўриш, спорт федерация (уюшмалар)лари фаолиятини сақлаш ва бошқа харажатларни қоплаш мақсадида Ўзбекистон Миллий Олимпия ва паралимпия қўмиталарига 2023 йил 9-ойлик ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан **212,5 млрд.сўм** маблағ молиялаштирилди. Жумладан:




**120,6 млрд.сўм** - спорт тадбирларини ташкил этиш харажатларига;

**16,6 млрд.сўм** – Ўзбекистон Миллий Олимпия ва паралимпия қўмиталари ва федерациялар (уюшмалар)нинг маъмурий устав харажатларига (иш ҳақи ва сақлаш харажатлари);

**29,3 млрд.сўм** – спортчилар ва тренерларга тўланадиган стипендия харажатларига;

**13,4 млрд.сўм** – Хорижий мутахассисларнинг иш ҳақи ва бошқа харажатлари;

**10,5 млрд.сўм** – Спорт инвентарлари ва анжомларини харид қилиш харажатлари;

**7,6 млрд.сўм** – Терма жамоа спортчиларини тиббий курикдан ўтказиш ва фармакология харажатлари.

***Маълумот учун:*** *Жорий йилнинг 23 сентябрь ва 8 октябрь кунлари Хитойнинг (Ханчжоу) шаҳрида бўлиб ўтган XIX Осиё ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси 45 давлат ичида* ***22 та олтин, 18 та кумуш, 31 та бронза*** *медал билан умумий ҳисобда* ***71 та медал*** *жамғариб, умумжамоа ҳисобида фахрли 5-ўринни эгаллади.*

*Шу билан бирга, жами 34 нафар спортчимиз 2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига йўлланмани қўлга киритишди.*



Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги ПҚ-5282-сон қарорига мувофиқ спорт инфратузилмаси мавжуд бўлмаган чекка қишлоқ ҳудудларида юриш, югуриш, мини-футбол, бадминтон, стритбол ва “Workout” спорт майдончаларини ташкил этиш харажатлари учун 2023 йил 9-ойликда **37,5 млрд.сўм** маблағ молиялаштирилди.

Мазкур ажратилган маблағлар ҳисобига 2023 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жами 340 та (шундан, 108 та универсал спорт майдончаси, 110 та стритбол, 122 та “Workout”) спорт майдончалари қурилиб фойдаланишга топширилган.

**Соғлиқни сақлаш соҳасига** 2023 йил 9 ойликда Давлат бюджетидан **22 689,5 млрд. сўм** ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **3 758,7 млрд. сўмга** ёки **19,9 фоизга** кўп маблағлар ажратилган.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги муассаса ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ходимларнинг иш ҳақи ва ўнга тенглаштирилган тўловларни ҳамда иш ҳақига ажратмаларни молиялаштиришга 2023 йил 9 ойликда **15 466,7 млрд. сўм** йўналтирилди.




Шунингдек, бошқа харажатлар (IV-гуруҳ) харажатларига 2023 йил 9 ойликда жами **7 222,7 млрд сўм** ижроси таъминланди.

Жумладан:

озиқ-овқат учун – **481,6 млрд.сўм**;*(2022 йил 9 ойлигида 383,5 млрд.сўм )*

-дори-дармон ва зарарсизлантирувчи воситалар учун – **1 877,8 млрд.сўм** (*2022 йил 9 ойлигида 1 487,9 млрд.сўм*) ;

-тиббий асбоб-ускуналар ва бошқа техника воситалари учун – **272,1 млрд. сўм** (*2022 йил 9 ойликда 313,8 млрд.сўм*)

Тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси харажатлари учун **1 100,9 млрд.сўм** ажратилган ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2 баробардан ортиқ маблағлар ажратилган.

*(Сирдарё вилояти, Тошкент шаҳри ва 28.07.2021 йил ПҚ-5199-сонли қарорининг 1 ва 2 иловаси билан тасдиқланган Республика тиббиёт муассасалари Давлат тиббий суғуртаси Жамғармаси орқали битта сатрда молиялаштирилганлиги сабабли 2023 йил 9 ойлик ҳисобидаги харажат турлари қисмида маблағлари кўрсатилмаган.)*

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат қарорларига асосан тасдиқланган соғлиқни сақлаш соҳасига доир Давлат дастурлари ва марказлашган тадбирларга 2023 йил 9 ойлигида **1 133,8 млрд. сўм** ажратилиб, шундан **1075,2 млрд. сўмга** шартномалар киритилиб, **1016,3 млрд.сўмга** ижроси таъминланган. Жумладан, йирик дастурлардан:



**Болаларни вакцинация қилиш билан** боғлиқ харажатларига 2023 йил 9 ойлигида **200 млрд.сўм** режалаштирилган бўлиб, шундан **198,2 млрд.сўм** ижро қилинган.

Бунда 2023 йилда 14,2 млн нафар болалар вакцина билан тўлиқ эмланган (2022 йилда 13,3 млн нафарни ташкил этган ёки қамров 900 минг нафарга кўп);

**<u>Онкогематологик ва даволаш қийин</u>** бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармасига жорий йилнинг 9 ойи давомида **84,5 млрд.сўм** ажратилди.



Бунда; жорий йилнинг 9 ойида 21 нафар бола (2022 йилда 13 нафар ёки қамров 8 нафарга кўпайди) даволаш қийин бўлган жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун хорижга даволанишга юборилган, шунингдек, Республикадаги даволаш муассасаларида 8 мингдан (2022 йилда 7,1 минг нафар ёки қамров 900 нафарга кўпайган) ортиқ бемор болаларда кассалликлар бўйича консультатив, диогностик ва даволаш ишлари олиб борилган.

**<u>нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш учун харажатларини</u>** молиялаштириш учун 2023 йил 9 ойида **107,1 млрд.сўм** ажратилиб, шартномалар 100 фоиз тузилган ва **105,8 млрд.сўм** ижро қилинган ёки дастур 99 фоизга бажарилган.




Дастур доирасида жорий йилнинг 9 ойи давомида даволанган беморлар 8 минг нафардан ортиқни ташкил этган.

**<u>буйрак ва жигар трансплантацияси бўйича жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморларни дори воситалари</u>** билан таъминлаш учун 2023 йил 9 ойи давомида **52,3 млрд.сўм** ажратилган ва ажратилган маблағлардан **50,8 млрд.сўм** ижро қилинган ёки дастур 97 фоизга бажарилган.



**<u>кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам</u>** кўрсатиш учун 2023 йил 9 ойида ажратилган маблағлардан **20,1 млрд.сўми** ижро қилинган ёки дастур 80 фоизга бажарилган.

<u>Дастур доирасида 29 турдаги дори дармон воситаларидан 473 мингдан ортик дона дори воситалари билан таъминланади.</u>





**<u>Болаларни ҳамда туғиш ёшидаги аёлларни, ҳомиладор аёлларни ва бола эмизувчи оналарни профилактик махсус препаратлар</u>** билан бепул таъминлаш учун 2023 йил 9 ойида **78,8 млрд.сўм** ёки ажратилган маблағларнинг 90 фоизи сарфланган.

Дастур доирасида 1,3 млн нафар (2022 йилда 1,2 млн ёки қамров 24,7 минг нафарга кўпайди) 6-23 ойлик болалар учун микронутриент кукуни, 8,7 млн нафар (2022 йилда 8,5 млн ёки қамров 131,3 минг нафарга кўпайди) 3-6 ёш ва 7-15 ёш болаларни йод препарати, 5,9 млн нафар (2022 йилда 5,9 млн ёки қамров 14,7 минг нафарга кўпайди) 35 ёшгача туғиш ёшидаги аёллар темир ва фолий кислотаси препарати билан таъминланди.

Бунда, қандли диабетнинг 1 ва 2-тури билан касалланган 86 минг (2022 йилда 79 минг нафар ёки қамров 6,9 минг нафарга кўпайди) нафар беморларни ва қандли диабетнинг 1-тури билан касалланган 4,3 минг нафар болалар ва ўсмирлар инсулин препаратлари билан таъминланди (2022 йилда 2,6 минг нафар ёки қамров 1,7 минг нафарга кўпайди).



**<u>«Электрон соғлиқни сақлаш»</u>** тизимини кенг жорий этиш, ягона миллий стандартлар асосида интеграциялашган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси мажмуасини яратиш харажатларини молиялаштириш учун 2023 йил 9 ойи давомида **4,4 млрд.сўм** сарфланган.



**<u>«Спинал мушак атрофияси»</u>** ташхиси қўйилган бемор болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва дори воситаларини бепул етказиб бериш харажатларини молиялаштириш учун 2023 йил 9 ойида **117,9 млрд.сўм** ажратилиб, шартномалар 100 фоизга тузилиб **117,9 млрд.сўм** ижро қилинган ҳолда дастур тўлиқ бажарилган.

*Бунда, жорий йилнинг 9 ойи давомида 132 нафар бемор болалар (2022 йилда 94 нафар ёки 38 нафарга қамров кўпайди) бепул дори воситалар билан таъминланган.*



**нейросенсор карлик ёки заиф эшитадиган** болаларда кохлеар имплантатлардан фойдаланган ҳолда операциялар ўтказиш учун харажатлар молиялаштириш учун 2023 йил 9 ойида **31,8 млрд.сўм** ажратилиб, шартномалар 100 фоизга тузилиб **31,8 млрд.сўм** ижро қилинган ҳолда дастур тўлиқ бажарилган.

*Дастур доирасида жорий йилнинг 9 ойи давомида 276 дона кохлеар имплант воситаси олиб келинган ва кохлеар имплантларини ўрнатиш бўйича жарроҳлик амалиёти учун қўлланилган.*

**Ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини янада яхшилаш дастури** бўйича харажатларини молиялаштириш бўйича 2023 йил 9 ойида аниқланган режа **7,7 млрд.сўм**ни, тузилган шартномалар **4,3 млрд. сўм** ташкил этиб, **4,2 млрд.сўмга** ижро қилинган.





**Қон компонентлари захирасини яратиш** мақсадида қон билан ишлаш хизмати муассасаларини зарур миқдордаги гемоконтейнерлар билан таъминлаш молиялаштириш бўйича 2023 йил 9 ойида аниқланган режа **10,5 млрд.сўм**ни, тузилган шартномалар **10,1 млрд. сўм** ташкил этиб, **10,1 млрд.сўмга** ижро қилинган.

*Бунда, Донорлар сони 220 минг ва Донациялар, қон (плазма, тромбоцитлар) топширишлар сони 245 минг тани ташкил этган.*

**гематология ва трансфузиология хизматларини** ривожлантириш ҳамда онкогематологик ва даволаниши қийин бўлган касалликларга чалинган шахсларни янада қўллаб-қувватлаш харажатларига 2023 йил 9 ойида ажратилган маблағ **134,3 млрд.сўм**ни, тузилган шартномалар **133,9 млрд. сўм** ташкил этиб, **127,4 млрд.сўмга** ижро қилинган.



*Дастур доирасида 2023 йил 9 ойи давомида даволанган беморлар сони 4 500 нафардан ортиқни ташкил этган.*



**Эндокрин касалликларнинг олдини олиш, эрта ташхислаш ва даволаш** чора-тадбирларини молиялаштириш харажатларига 2023 йил 9 ойи давомида **30,8 млрд.сўм** маблағ ажратилган.

**Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш дастури** бўйича 2023 йил 9 ойи давомида йиллигида харажатлар **32,5 млрд.сўм** маблағ ажратилган, шундан **32,0 млрд.сўмга** шартномалар тузилиб **31,9 млрд.сўми** ўзлаштирилган ва режа кўрсатгичлари 98 фоизга бажарилган.



*Дастур доирасида 2023 йил 9 ойи давомида 500 нафардан ортиқ малакали тиббиёт мутахассислар малакаси оширилган.*

**Кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси, моддий ёрдам ва компенсация** тўловлари учун 2023 йилнинг 9 ойи давомида Давлат бюджетидан **14 237,4 млрд сўм** маблағ ажратилди.

**2023 йилнинг 9 ойи давомида 3 587,5 минг дона** ариза “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” АТга киритилиб, уларнинг **1 822,9 мингта** ариза бўйича дастур орқали белгиланган мезонларга асосан нафақа тайинланган ва **1 764,6 минг** ариза рад этилган. Натижада, **2023 йилнинг январь-сентябрь** ойларида ижтимоий нафақа олувчи оилалар ўртача сони **2 199,7 мингтага** (***2 122,8 мингта** болалар нафақаси, **76,9 мингта** моддий ёрдам*) етди (*2022 йилнинг мос даврига нисбатан **10,2%** ошган*) ҳамда нафақа тўловлари учун **9 162,2 млрд.сўм** маблағ, шундан **8 898,0 млрд.сўм** кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва **264,1 млрд.сўм** кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам учун харажат қилинди (*2022 йилнинг мос даврига нисбатан **915,2 млрд сўмга** ошган*).



Нафақа тайинлаш учун зарур бўлган маълумотлар босқичма-босқич электрон шаклга ўтказилиб, бугунги кунда **21 та** вазирлик ва идораларнинг электрон базалари интеграция қилиш орқали **53 турдаги** маълумотлар электрон ахборот алмашинуви орқали амалга оширилмоқда.

Натижада, аҳолининг ортиқча оворагарчиликнинг олди олиниб, уларга қўшимча қулайликлар яратилди.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий таъминотдан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш, халқаро стандартларга мувофиқ ижтимоий суғурта орқали ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлаб бериш тизими жорий этилган.

30-расм

**Ҳудудлар кесимида январь-сентябрь ойларида ижтимоий нафақа олувчи оилалар ўртача сони ва тўлаб берилган нафақалар**




Ушбу мақсадлар учун Республика бюджети режалаштирилган маблағлар ҳисобидан 30 млрд сўм Ижтимоий суғурта жамғармасига йўналтирилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 сентябрдаги 515-сон қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ жорий йилнинг ўтган даврида хўжалик юритувчи субектларда ишловчи **12 141 нафар** аёлларга **24,6 млрд сўмлик** ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тўлаб берилди.

31-расм

**Ҳудудлар кесимида тўлаб берилган ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси.**



**Эришилган натижалар ва давлат дастури ижроси:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февралдаги ПФ-27-сон Фармони билан тасдиқланган “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид” Давлат дастури (кейинги ўринларда – Давлат дастури) ижроси юзасидан қуйидаги чоралар амалга оширилди.

**1. Давлат дастурининг 16-бандига** асосан Вазирлар Маҳкамасининг “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга ижтимоий нафақалар тайинлаш бўйича электрон кўринишда онлайн режимда ариза беришни жорий этиш тўғрисидаги қарори лойиҳаси (ID 78645) ишлаб чиқилди.

**Лойиҳа доирасида қуйидагилар кўзда тутилмоқда:**

Кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдамни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали тайинлаш ҳамда маълумотнома тақдим этиш учун аризаларни онлайн режимида қабул қилиш;

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Персоналлаштириш агентлигининг ахборот тизимидан “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимига Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетган ва Ўзбекистон Республикасига келган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар тўғрисидаги маълумотлар электрон тарзда қабул қилиш.

**2. Давлат дастурининг 263-бандига** асосан хотин-қизлар фаоллари “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими билан ишлаши имконини яратиш чоралари кўрилди.

Хусусан, маҳаллаларда комплекс ёндашув асосида ижтимоий хизматларни кўрсатиш тизими жорий қилинмоқда. Ушбу хизматларни кўрсатишни самарали ташкил этиш мақсадида ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги Ваколатхонаси томонидан кўрсатилаётган молиявий, техник ва эксперт кўмаги асосида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими негизида “Маҳаллада ижтимоий хизмат” автоматлаштирилган махсус электрон модули ишлаб чиқилди.

2023 йилда давлат хизматларини кўрсатишда маҳаллий даражада “маҳаллабай” тамойили асосида ижтимоий ишларни олиб бориш механизмини тўлиқ йўлга қўйиш мақсадида Жаҳон банкининг “Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини мустаҳкамлаш» лойиҳаси доирасида барча маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари махсус планшетлар билан таъминланди ва уларга “Маҳаллада ижтимоий хизмат” модулидан фойдаланиш имкони яратилди.

Бундан ташқари, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимининг Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг “Онлайн маҳалла” платформаси билан интеграция қилинган.

Ҳозирги кунда ҳоким ёрдамчилари томонидан хонадонбай ўрганиш натижалари асосида хонадон тоифалари, томорқаси, қўшимча даромад манбалари тўғрисидаги маълумотлар алмашинуви йўлга қўйилган.

**3. Давлат дастурининг 264-бандига** асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат ижтимоий ёрдамларини тақдим этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори лойиҳаси (ID 68841) ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилди.

Лойиҳа доирасида қуйидагилар кўзда тутилмоқда:

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган оилаларга болалар нафақасини ижтимоий шартнома тузиш орқали тақдим этиш тизимини жорий этиш;

аҳолига тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш учун бериладиган субсидияларни ижтимоий шартнома тузиш орқали тақдим этиш тизимини йўлга қўйиш;

ижтимоий шартлар сифатида “кам таъминланган” деб эътироф этилган оилалардаги болаларнинг мактабгача таълим ва умумий ўрта таълим ташкилотларига қатновини таъминлаш ва болалар профилактик эмлаш календарига мувофиқ ўз вақтида эмланишини мониторинг қилиб бориш;

ижтимоий шартнома тузилмаганда ёки ижтимоий шартлар бажарилмаганда нафақа миқдорини камайтириш, шунингдек, қайта мурожаат этиш бўйича чекловлар қўллаш.

**Аҳолини уй-жой билан таъминлаш** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 13 апрелдаги ПФ-51-сон Фармони билан тасдиқланган 2023 йилда ипотека кредитлари бўйича субсидиялар ажратишнинг мақсадли кўрсаткичларига асосан **30 000 та** фуқароларга **1 655,9 млрд. сўм** субсидиялар тўлаб берилиши белгиланган.



Шундан, **15 000 та** фуқароларга **566,1 млрд сўм** республика бюджети маблағлари ҳисобидан**,** **15 000 та** фуқароларга **566,1 млрд. сўм** маҳаллий бюджетлар қўшимча манбаларининг маблағлари ҳисобидан ҳамда **32 992 та** фуқароларга **523,7 млрд. сўм** республика бюджетидан 2020–2022 йилларда ажратилган ипотека кредитлари бўйича фоиз тўловлари учун.

**2023 йилнинг январь-сентябрь ойларида жами 767,9 млрд. сўм** миқдорида субсидиялар тўлаб берилди, шундан **10 537 нафар** фуқароларга бошланғич бадал учун **337,1 млрд.сўм** ҳамда 2020-2022 йилларда берилган ипотека кредитлари бўйича субсидия хабарномалари асосида **48 104 нафар** фуқароларга **430,8 млрд. сўм** миқдорда ипотека кредити фоизининг бир қисмини қоплаш учун субсидия тўлаб берилди.

**Иқтисодиётга амалга оширилган харажатлар** 2023 йилнинг 9 ойлигида **30 068,1 млрд сўмни** ташкил қилиб, ушбу харажатлар ҳисобот давридаги жами Давлат бюджети харажатларининг қарийб **15 фоизи**ни ташкил этди.

Иқтисодиёт харажатлари асосан қуйидаги йўналишларга амалга оширилди:

– сув хўжалиги эксплуатацияси харажатлари – **7 062,4 млрд. сўм**;

– суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш – **271,9 млрд. сўм**;

– аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини амалга ошириш харажатлари – **3 486,3 млрд. сўм**;

– табиатни муҳофаза қилиш ишларига – **147,5 млрд. сўм**;

– уй-жой коммунал ишларига – **1 479,2 млрд. сўм**.

– ички бозорда табиий газни улгуржи сотиб олиш ва сотиш бўйича ихтисослаштирилган компания зарарларини қоплаш ва жорий фаолиятини молиялаштиришга – **12 024,5 млрд сўм**.

**Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси** тадбирлари учун 2023 йил 9 ойликда давлат бюджетидан жами **4 119,3 млрд. сўм** йўналтирилди. Шундан, атмосфера ҳавоси муҳофазаси бўйича тадбирларга 18,2 млрд. сўм, сув ва ер ресурсларини муҳофаза қилиш тадбирларига 1 219,1 млрд. сўм, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси муҳофазасига (жумладан қўриқхоналар, табиий ва миллий боғлар, ўрмонларни сақлашга) 293,1 млрд. сўм, Оролбўйи минтақасида амалга оширилаётган экологик тадбирларга 67,8 млрд. сўм, ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари 598,6 млрд. сўм, ерларни сув ва шамол эрозиясидан сақлашга 50,8 млрд. сўм, ерлар рекултивацияси 34,4 млрд.сўм,



Чиқиндиларни йиғиш, зарарсизлантириш ва утилизация қилиш (махсус техника

сотиб олиш ва полигонлар ташкил қилиш) 70,0 млрд. сўм ҳамда бошқа атроф муҳитни муҳофаза қилишга доир тадбирларга 7,2 млрд. сўм молиялаштириб берилди.*(6-жадвал)*

Жорий йилнинг 9 ойлик якунлари билан Экология жамғармасининг ғазначилик ҳисоб рақамига 350,6 млрд сўм (бошқа даромадлар билан бирга) миқдорида маблағлар ҳудудий экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш органлари томонидан келиб тушиб, шундан 92,0 млрд сўми Республика бюджетига ўтказилди.

Жамғарма ҳисобидан молиялаштириладиган илмий-тадқиқот, меъёрий-услубий ишлар, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва ташкилий чора-тадбирлар дастури 2023 йил 10 майда Вазирлар Маҳкамасининг 05/1-2076-сони билан тасдиқланган.

6-жадвал

**Атроф муҳитни муҳофаза қилиш учун 2023 йил 9 ойлигида амалга оширилган харажатлар**

(млрд. сўм)

| Т/р | Тадбир номи | Ижро | Улуши (фоизда, %) |
|---|---|---|---|
| | **Атроф муҳитни муҳофаза қилиш учун харажатлар** | **4 119,3** | **100,0** |
| 1 | Атмосфера ҳавоси муҳофазаси (санитария муҳофаза зоналарини яратиш ва бошқалар) | 18,2 | 0,4 |
| 2 | Сув ва ер ресурсларини муҳофазаси | 1 219,1 | 29,6 |
| 3 | Ичимлик ва оқава сув тозалаш иншоотларини қуриш ва қайта таъмирлаш | 1 760,2 | 42,7 |
| 4 | Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси муҳофазаси. (қўриқхоналар. табиий ва миллий боғлар. ўрмонлар) | 293,1 | 7,1 |
| 5 | Оролбўйида амалга оширилаётган экологик тадбирлар | 67,8 | 1,6 |
| 6 | Ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари | 598,6 | 14,5 |
| 7 | Ерларни сув ва шамол эрозиясидан сақлаш | 50,8 | 1,2 |

| Т/р | Тадбир номи | Ижро | Улуши (фоизда, %) |
|---|---|---|---|
| 8 | Ерлар рекултивацияси | 34,4 | 0,8 |
| 9 | Чиқиндиларни йиғиш. зарарсизлантириш ва утилизация қилиш (махсус техника сотиб олиш ва полигонлар ташкил қилиш) | 70,0 | 1,7 |
| 10 | Бошқа атроф муҳитни муҳофаза қилишга доир тадбирлар | 7,2 | 0,2 |

Дастурга мувофиқ 43 та тадбир учун 232,4 млрд сўм миқдорида молиялаштириш кўзда тутилган.

Шу жумладан:

Дастурнинг I бўлимида “Табиатни муҳофаза қилиш ва ташкилий тадбирлар, илмий-изланиш, меъёрий-услубий ишлар, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасиданоширлик фаолияти, экологик билимларни тарғиб қилиш ва ҳалқаро ҳамкорликни ташкиллаштириш” бўйича 43,6 млрд.сўмлик 14 та тадбирлар учун жами 9,4 млрд сўм молиялаштирилди.

Дастурнинг II бўлими – “Табиатни муҳофаза қилиш ва ташкилий тадбирлар, илмий-изланиш, меъёрий-услубий ишлар, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасида ноширлик фаолияти, экологик билимларни тарғиб қилиш, ҳалқаро ҳамкорликни ташкиллаштириш ва Табиат ресурслари вазирлиги тизимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва замонавий ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш” доирасида 29 та тадбирлар учун 135,0 млрд сўм маблағлар молиялаштирилди.

Жорий йилнинг 29 сентябрь ҳолатига дастурга асосан 173,2 млрд сўм сарфланган бўлиб, улардан:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва баённомалари бажарилишини молиялаштириш учун **24,7 млрд сўм** йўналтирилди, шундан:

- Ҳудудлардаги экологик ҳолатни яхшилаш ҳамда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш, “яшил йиллик" ташаббусини қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни молиялаштириш учун 688,4 млн сўм;
- Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ кўзда

тутилмаган ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа ҳаражатларни молиялаштириш учун 20,7 млрд сўм;

- Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги тизимидаги ҳудудий бошқармалар (Вазирлик)ининг бошқа харажатларини қоплаш мақсадида молиялаштириш учун 2,5 млрд сўм;

- Эксперт-таҳлилий гуруҳи ва бошқа жалб қилинадиган экспертларни моддий рағбатлантириш учун 716 млн сўм ажратилди.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги тузилмасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун **12,4 млрд сўм** йўналтирилди, шундан:

- Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун 4,5 млрд сўм;

- Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, дастурий таъминот ва моддий-техник базани ривожлантириш харажатларини молиялаштириш учун 3,8 млрд сўм;

- Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги тасарруфидаги муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда қурилиш таъмирлаш ишларини молиялаштириш ҳамда қурувчи олдидаги кредитор қарздорликларни сўндириш учун 1,3 млрд сўм;

- Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ва Қорақалпоғистон Республикаси Табиат ресурслари вазирлиги, ҳудудий бошқармалар, туман ва шаҳар инспекциялари, вилоят лабораторияларининг маъмурий биноларини ва қурол сақлаш хоналарини капитал таъмирлаш, қурилиш лойиҳа-смета бошқа ҳужжатларни тайёрлаш, экспертизадан ўтказиш ҳамда қурилиш бўйича кредитор қарздорликларни молиялаштириш учун 1,8 млрд сўм ажратилган.

Табиатни муҳофаза қилиш ва ташкилий тадбирлар, илмий-изланиш, меъёрий-услубий ишлар учун **5,8 млрд сўм** йўналтирилди, шундан:

- Орол денгизининг қуриган тубида барпо этилган яшил ҳудудни янада кенгайтириш ва сақлаш мақсадида дарахт ва буталарни экиш тадбирларини молиялаштириш учун 4 млрд сўм;

- Республика ҳудудидаги сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш ишларини амалга ошириш учун 1,4 млрд сўм ажратилган.

2,6 млрд сўми – Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш,ноширлик ишлари ва экологик билимларни тарғиб қилиш тадбирлари учун йўналтирилиб, шундан:

- Аҳоли ўртасида экологик маданиятни, атроф-муҳит масалаларида фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, ҳамда соҳага оид муҳим тадбирларни тизимли равишда ташкил этиш (медиатур, пресс-тур, вело-марафон ва ҳ.з), ўтказиб бориш, ғолибларни аниқлаш ва уларни тақдирлаш (рағбатлантириш) ишларини амалга ошириш учун 1,9 млрд сўм;

- Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг тизими ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун 428 млн сўм;

- Ўзбекистон Республикасида умумий муҳофазага муҳтож бўлган, йўқолиб кетиш арафасида турган камёб ўсимлик ва ҳайвонлар турларини ўз ичига олган "Қизил китоб"ни янги нашрини тайёрлаш ишларини ташкил этиш учун 330 млн сўм ажратилган.

Халқаро ташкилотларга аъзолик бадалларини тўлаш ва тадбирларни ўтказиш 4,5 млрд сўм ажратилган.

94,3 млрд сўми – Вазирлик тизимидаги ишчи ва ходимларни ҳамда ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги фотосурат ва видеоёзувларни юборган шахсларни моддий рағбатлантириш тадбирлари учун;

28,9 млрд сўми – бошқа тадбирлари учун йўналтирилиб, шундан:

- "Ekoturizm va ovchilikni rivojlantirish departamenti" ДМнинг 2023 йил август-сентябрь ойи учун сақлаш ҳаражатларига 1,2 млрд сўм;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.07.2023 йилдаги ПҚ-238-сон қарорига Вазирлар Маҳкамасининг 11.08.23даги 03/1-978-ХДФУ-сон топшириғи, Вазирликнинг 11.09.2023 йилдаги 26-ХДФУ-сон буйруғига асосан, Вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компаниясига Халкаро туризм академияси Самарқанд кампуси қурилиши учун 10 млрд сўм;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.07.2023 йилдаги ПҚ-238-сон қарори 1-иловаси 30-бандига асосан, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Бодомзор йўли 1-тор кўча, 72-уйда жойлашган бинонинг 1-қаватида капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш 1,9 млрд сўм;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.08.22 йилдаги ПК-349-сон ва 31.05.23 йилдаги ПК-171-сон қарорлари, Вазирликнинг

02.07.2023 йилдаги 147-сон буйруғи асосан июль-сентябрь ойларида марказнинг сақлаш харажатлари учун 6,6 млрд сўм;

- "Chiqindi poligonlarini boshqarish direksiyasi" ДМга 31.05.2023 йилдаги ПК-171-сон қарори 3-иловаси ва Вазирликнинг 27.06.2023 йилдаги 170-сон буйруғига асосан август ойи учун 500 млн сўм ажратилган.

**Ўрмон хўжалиги:** Республикада ўрмон фонди ерларининг умумий ер майдони 2023 йил 1 январь ҳолатига 11,8 млн гектарни, яъни Ўзбекистон Республикаси умумий ер майдонининг 26,4 фоизини ташкил қилади, шундан ўрмон билан қопланган ер майдонлари 3 млн 468 минг гектарни, Ўзбекистон Республикаси умумий ер майдонининг 7,7 фоизини ташкил этади.

Ўрмон фондининг 81,8 фоизи (9 млн 701 минг гектар) чўл ҳудуди, 13,7 фоизи (1 млн 618 минг гектар) тоғ ҳудуди, 0,3 фоизи (34 минг гектар) водий ҳудуди, 4,2 фоизи (503 минг гектар) тўқай ҳудудидан иборат.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасида Ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПҚ-4850-сон қарори қабул қилинган бўлиб, ушбу қарор ижросини таъминлаш бўйича тизим ташкилотлари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги Фармони тасдиқланган давлат дастури бўйича республикада экологик вазиятни яхшилаш мақсадида 200 минг гектар ўрмон барпо қилиш ва қайта тиклаш тадбирлари амалга оширилди.

Шу жумладан, Орол денгизининг қуриган туби ва Оролбўйи ҳудудларида қум кўчиши ҳамда атмосфера ҳавосига туз-чанг кўтарилишини бартараф этиш мақсадида жами 195 минг гектар, шундан Мўйноқ туманида 128 минг гектар, Бухоро вилоятида 40 минг гектар, Навоий вилоятида 17 минг гектар ва Хоразм вилоятида 10 минг гектар майдонда саксовул ва бошқа чўл ўсимликларидан "яшил қопламалар" барпо этилди.

Ўрмон хўжаликлари томонидан жами 980 тонна чўл ва бошқа турдаги дарахт ва буталарнинг уруғлари жамғарилди.

Тупроқ-иқлим шароитга мос манзарали, мевали дарахт ва буталар турларидан 546 гектар майдонда ниҳолхона ва кўчатхоналар ташкил этилди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида жорий йил баҳор мавсумида ўрмон хўжаликлари томонидан 21,8 млн. дона иқлим шароитга мос манзарали, мевали дарахт ва буталарнинг кўчат ва қаламчаларини етказиб берилиши таъминланди.

Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари дала четларида 2 минг гектар майдонда иҳота дарахтзорлари барпо этилиб, 4 млн дона кўчатлар экилди.

Нукус шаҳри атрофида 5 км масофада 3 590 дона, Урганч шаҳри ва Урганч-Гурлан автомобиль йўли атрофига 5 км масофада 2 500 дона катальпа, қайроғоч, япон сафораси каби тупроқ-иқлим шароитга мос дарахтлар кўчатлари экилиб, “яшил белбоғлар” барпо этилди.

Ўтган даврда тизим ташкилотлари томонидан 40,20 минг гектар майдонда ўрмон зараркунанда ва касалликларига қарши ўрганиш олиб борилди, 22 минг 553 гектар майдонда зараркунандаларга қарши ерда кураш, жумладан 17 минг 104 гектар майдонда биологик усулда кураш ишлари амалга оширилди.

Тизим ташкилотлари томонидан жами 865 км ўрмон ёнғинларига қарши янги ҳимоя полосалари, 269 км оралиқ йўллар ва 577 км йўлаклар қурилиб, 2509 км мавжуд полосалар ҳамда 3204 км йўлаклар таъмирланди. Ҳозирги кунда ёнғин хавфи юқори ҳудудларда жами 116 750 литр сув захиралари ва кичик ҳажмдаги сув идишлари ўрнатилди. Сув захираларини яратиш ишлари давом эттирилмоқда.

Шунингдек, ўт ўчириш мосламаси (огнетушитель), мотопомпа, сув пуркагич, тиббий қутичалар ўрнатилиб, 8500 дан ортиқ ўт ўчиришда ишлатиладиган анжомлар (кирка, кетмон, челак, болта, белкурак, хаскаш, мото арра ва супургилар) билан таъминланди.

Бундан ташқари, ўрмон ҳудудларига яқин яшовчи аҳоли ва ташриф буюрувчилар учун ўрмондан тўғри фойдаланиш, ўрмон ёнғинларини содир этмаслик бўйича янги 2000 га яқин огоҳлантирувчи баннерлар жойлаштирилди.

Шунингдек, доривор ва озуқабоп ўсимликлар плантацияси 5280 гектарга етказилиб, 6253 тонна доривор ва озуқабоп ўсимликлар хом ашёси тайёрланди.

Соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳисобот даврида чорвачилик маҳсулотларини ўз хўжаликларида етиштириб, сотувчи **917 та** субъектларга **399,6 млрд.сўм** субсидия маблағлари ажратиб берилди ҳамда чорвачилик маҳсулотларини сотишдан тушган






маблағларни тижорат банклари орқали айланиши ҳисобига яширин иқтисодиётга бархам берилмоқда.

**Сув тежовчи технологиялар бўйича** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-144-сон қарори ижроси доирасида, бошқа экин турлари бўйича (пахта, боғ ва узумзорлардан ташқари) сувни тежайдиган технологияларни жорий этган **99 та** қишлоқ хўжалиги корхонларига **10,5 млрд.сўм** субсидия маблағлари ажратиб берилди.

**Қишлоқ хўжалиги техникалари харидини рағбатлантириш** Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси орқали 2023 йилнинг 9 ойлигида жами **1 941 дона** техника учун **53,5 млрд.сўм** субсидия ажратилди. Жумладан:

– 1 541 дона техника учун кредит ва лизинг фоиз харажатларини қоплаб беришга **23,1 млрд.сўм**;

– маҳаллийлаштириш даражаси 25 фоиздан кам бўлмаган 400 дона техникани 15 фоизини қоплаб беришга 30,4 млрд.сўм, шундан 54 дона лазер ер текислагич ускуналари (30 фоизини) учун 3,5 млрд.сўм субсидиялар ажратилди.

**Ўсимликлар ҳимояси ва карантини соҳаси:** 2023 йил 9 ойлигида Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги хамда унинг тизим ташкилотларини сақлаш учун **20,8 млрд.сўм** миқдоридаги маблағлар ажратилди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси (IFAD) лойиҳаси ҳисобига 188,5 минг, Жаҳон банки лойиҳалари ҳисобига 4 410,4 минг, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) лойиҳаси хисобига 415,2 минг, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) лойиҳаси ҳисобига 738,8 минг АҚШ долларига тенг маблағлар ўзлаштирилди.

Марказий фитосанитария лабораторияси ва Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти 2 млн. АҚШ долларига тенг лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминланди.

Корея халқаро ҳамкорлик агентлигининг (KOICA) 6,7 млн.доллар маблағи жалб қилиниб, тегишли ҳужжатлар имзоланган.

GIZнинг “Ўзбекистон худудларида иқтисодийислоҳотларни ва барқарор иқтисодий ривожланишни қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси доирасида 2 млн. евро маблағ жалб этилиб, Агентлик ва Лойиҳа ўртасидаги ҳамкорлик бўйича Чора-тадбирлар режаси тасдиқланган (илова қилинади) ҳамда унинг ижросини

самарали амалга ошириш мақсадида Агентликка 2 йил муддатга халқаро экспертлар гуруҳи жалб этилди.

**<u>Шаҳар ва туманлари ободонлаштириш соҳалари йўналиши</u>**да жами бугунги кунда **231 та** ташкилотлар мавжуд бўлиб, уларнинг мавжуд штат бирликлари 65 503 тани ташкил этмоқда.



Ушбу бошқармалар ходимларини сақлаш ҳамда белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан 2023 йил 9 ойликда **3 486,3 млрд.сўм** маблағ ажратилди. Жумладан:

- <u>қаровсиз ҳайвонларни тутиш ва сақлаш тадбирлари</u>да банд бўлган ходимларнинг иш ҳақи, сақлаш ва мазкур тадбирлар билан боғлиқ бошқа харажатлар бўйича 2023 йил 9 ойлик якуни билан 18,5 млрд.сўм ўзлаштирилган ;

- <u>шаҳар ва туманлар аҳоли пунктларини ободонлаштириш бошқармаларида</u>ги мавжуд штат бирликлари, уларни сақлаш ва бошқа тадбирларга 2023 йил 9 ойлик якуни бўйича 2 321,1 млрд.сўм ўзлаштирилган;

- <u>шаҳар ва туманлардаги дафн этиш жойларини сақлаш ва ободонлаштириш</u> учун 443,6 млрд.сўм маблағлар ўзлаштирилган;

- <u>шаҳар ва туман марказларида мавжуд тик қудуқлар, кузатув қудуқлари ва коллекторларни</u> сақлаш ва жорий харажатлари учун 2023 йил 9 ойликда 32,6 млрд.сўм маблағ ўзлаштирилган;

- <u>шаҳар ва туманлар кўчаларининг ташқи ёритиш тармоқларини сақлаш</u>, таъмирлаш, <u>фойдаланиш ва эксплуатация қилиш</u> тадбирлари ҳамда жорий харажатлари учун 170,6 млрд.сўм ўзлаштирилган;

- <u>шаҳар/туман ҳокимликлари балансида мавжуд бўлган ички йўлларни таъмирлаш</u> харажатлари бўйича 696,2 млрд.сўм маблағлар кўзда тутилган бўлиб шундан, *(Очиқ бюджет ахборот порталида “Менинг йўлим”дастури орқали 434,2 млрд.сўм йўналтирилмоқда)* 2023 йил 9 ойликда 411,0 млрд.сўм маблағлар ўзлаштирилган.



- бошқа турдаги коммунал ривожлантириш харажатларига 88,9 млрд.сўм ўзлаштирилган;

**Ҳукумат қарорларига асосан, Ободонлаштириш соҳаси бўйича қабул қилинган Давлат дастурларининг ижроси тўғрисида**







**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 июндаги ПҚ-4351 - сонли “Аҳоли пунктларини ободонлаштириш соҳасида ишлар самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2023 йилда Республика шахар/туман Ободонлаштириш бошқармаларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш бўйича 281 та махсус техника ва механизмлар учун 126,5 млрд.сўм маблағлар кўзда тутилган бўлиб, шундан, жорий йил 9 ой якуни билан жами 78,2 млрд.сўм маблағлар ҳисобига 148 та махсус техника ва механизмлар харид қилиниши таъминланди ва 65 та махсус техникалар таъминот корхоналари томонидан етказиб бериш жараёнида.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПФ-46-сонли “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан, жорий йилда шаҳар/туман ободонлаштириш бошқармалари тасарруфидаги кўкаламзорлаштириш ҳудудларига 275 км узунликдаги суғориш тизимларини ва 207 дона сув чиқариш қудуқларини ташкил этиш ҳамда 92 та махсус техника ва механизмлар билан таъминлаш учун 162,3 млрд.сўм режалаштирилган бўлиб, шундан, жорий йил 9 ой якуни билан жами 65,6 млрд.сўм маблағлар ўзлаштирилган. Жумладан:







- шаҳар/туман ободонлаштириш бошқармалари тасарруфидаги кўкаламзорлаштириш ҳудудларига суғориш тизимларини ва сув чиқариш қудуқларини ташкил этиш учун ажратилган маблағлар доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланган манзилли дастурларга асосан 211 та объект учун “Капитал қўйилмалар” электрон ахборот тизими орқали “ID” рақамларига боғланган ҳолда “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими орқали лойиҳа ва пудрат ташкилотлари аниқланиб, ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда;

- шаҳар/туман ободонлаштириш бошқармалари моддий техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида жорий йил учун 92 та махсус техникалар харид қилиниши режалаштирилган бўлиб, 9 ой якуни билан 61,1 млрд.сўм маблағлар ҳисобига 56 та махсус техникалар харид қилиниши таъминланди.



**3.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2023 йил 22 майдаги 02-РА 1/1-722-сон топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида аҳоли эътирозларига сабаб бўлаётган оғир аҳволдаги ички тупроқ йўлларига тош-шағал ётқизишда ёқилғи-мойлаш маҳсулотларини харид қилиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг мурожаатларига асосан 44,3 млрд.сўм маблағлар маҳаллий бюджетларга йўналтирилди. Ажратилган маблағлар доирасида 9 ой якуни билан маҳаллий ҳокимликлар томонидан тақдим этилган маълумотларга асосан 2 298,1 тонна ёқилғи мойлаш маҳсулотлари харид қилиниб, **2 153,8 км ички тупроқ йўлларга тош-шағал ётқизиш ҳамда таъмирлаш ишлари амалга оширилди**.

**Уй-жой коммунал хўжалиги соҳасига** 2023 йил 9 ойлигида Давлат бюджетидан **1 479,2 млрд сўм** ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **697,3 млрд сўм** кўп маблағ ажратилди. Жумладан:

- **Аҳолига иссиқлик таъминоти хизматлари учун пасайтирилган тарифларни қўллаш ҳисобига вужудга келган зарарларни қоплаш мақсадида иссиқлик таъминоти корхоналарига бериладиган субсидиялар** бўйича: Жорий йил 9 ойлик **якуни билан** аҳолига иссиқлик таъминоти хизматлари тарифларини паст қўллаш ҳисобига кўрилган зарарларини қоплаш мақсадида тақдим этилган тегишли ҳисоб–китобларга кўра **1 210,9 млрд. сўм** маблағлар иссиқлик таъминоти корхоналарига йўналтирилди.

- **Иссиқлик таъминоти** корхоналарининг қозонхона ускуналари ва иссиқлик тизимларини таъмирлаш ишларига **3,9 млрд. сўм** маблағлар ўзлаштирилди.

32-расм

Уй-жой коммунал хўжалиги соҳасига 2023 йил 9 ойликда ажратилган маблағлар




**Ҳукумат қарорларига асосан, Уй-жой коммунал соҳаси бўйича Давлат дастурларининг ижроси юзасидан:**

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 12 июндаги **376-сонли** қарорига асосан 2021-2027 йилларда Кўп квартирали уйлардаги лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгилаш Дастурига мувофиқ, 2023 йилда ҳудудлардаги кўп квартирали уйларнинг 532 та лифтларни янгисига алмаштириш бўйича 153,2 млрд. сўм маблағлар кўзда тутилган бўлиб, **2023 йил 9 ойликда** йўналтирилган **140,1 млрд.сўм** маблағлардан **113,6 млрд.сўми** ёки **81%** маблағлар ўзлаштирилган.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 июндаги **ПҚ-5152**-сонли қарорига асосан 2023 йил учун жойлардаги Кўп квартирали уй-жойларнинг туташ ҳудудларини ободонлаштириш тадбирлари учун 2023 йил 9 ойлик бўйича **150,7 млрд.сўм** маблағлар ўзлаштирилди.

Транспорт ва алоқа хизматлари кўрсатувчи корхоналар фаолиятининг **2023 йил 9 ойлик** натижалари ҳамда давлат **бюджетидан ажратилган субсидиялар** ижроси юзасидан таҳлилий маълумотлар:

**I.** Шаҳарда чекланган тарифлар бўйича йўловчиларни ташиш хизматларини кўрсатилиши муносабати билан шаҳар йўловчи ташиш транспорти ташувчилари кўрадиган зарарлар қоплаш йўналиши бўйича:

Йўловчиларни мунтазам ташиш билан банд бўлган ташувчилар томонидан кўриладиган зарарлар **давлат бюджетидан** қопланиб келинмоқда.

**1.1** “Тошшахартрансхизмат” АЖнинг (кейинги ўринларда – Жамият) чекланган тарифлар ҳисобига йўловчи ташиш хизматидан кўрилган зарарларини қоплаш учун 2023 йилнинг 9 ойи давомида **342,1 млрд сўм** субсидия маблағлари ўзлаштирилди.

33-расм




**1.2** Ҳисобот даврида “Тошкентметрополитени” ДУКнинг (кейинги ўринларда – корхона) чекланган тарифлар ҳисобига йўловчи ташиш хизматидан кутилаётган зарарларини қоплаш учун **154,8 млрд сўм** субсидия маблағлари жамият томонидан тўлиқ ўзлаштирилган.

34-расм




| | йўналишли йўловчилар | транспорт карталардан фойдаланган йўловчилар | имтиёзли йўловчилар | ташилган пенсионерлар |
|---|---|---|---|---|
| 2023 йил | 101.00 | 9.34 | 2.38 | 4.72 |
| 2022 йил | 81.78 | 7.97 | 2.74 | 1.89 |

**Халқаро IT-сертификатларга эга ёш мутахассисларни** қўллаб-қувватлаш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Халқаро IT- сертификатларга эга ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 19 апрелдаги 310-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда ёшларни IT соҳасида салоҳиятини ошириш, шунингдек, IT билимларга қизиқтириш мақсадида халқаро IT сертификатларни олиш учун **50 фоизгача** харажатларини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаш тизими жорий этилган.

Ҳозирда белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Халқаро IT-сертификатга эга ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 19 майдаги 310-сон қарорига мувофиқ “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” МЧЖ (Дирекция) томонидан республика бўйича олий таълим муассасалари талабалари ўртасида сўровнома ўтказилиб, энг кўп талаб қилинадиган **161 та** халқаро IT-сертификатлар рўйхати шакллантирилди;
- ушбу мақсадлар учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Ғазначилигида алоҳида шахсий ғазна ҳисобвараги очилди;
- халқаро IT-сертификатга эга бўлган талабгорларнинг халқаро IT- сертификатни олиш харажатларининг **50 фоиз**гача бўлган қисмини қоплашга оид ҳужжатлар намуналарини ишлаб чиқилган;
- аризаларни қабул қилиш мақсадида my.gov.uz порталида “Халқаро IT-сертификатларини олиш ҳамда ўқиш харажатларининг **50 фоиз**гача бўлган қисмини қоплаб бериш” хизмати ишга туширилди;
- қўшимча маълумот олиш ҳамда компенсация қилинадиган халқаро IT-сертификатлар рўйхати билан таништириш мақсадида it-istedod.uz портали такомиллаштирилди.

Жорий йил 9 ойлигида Халқаро IT-сертификатларга эга ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш дастурига давлат бюджетидан 977,9 млн сўм миқдорида маблағлар режалаштирилган.

Халқаро IT сертификатларни олиш учун 1000 га яқин ёшлар қатнашган бўлиб, уларнинг 501 тасига халқаро сертификат харажатлари қоплаб берилди.

**III. Маҳаллий йўналишлардаги авиаташувчиларни** қўллаб қувватлаш.

Маҳаллий йўналишлардаги авиаташувчиларга ички туризм шу жумладан, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган йўналишларда чипта нархини бир қисмини қоплаш

учун жорий йил 9 ойлигида 132 150 нафар йўловчи учун **24,0 млрд сўм** субсидия ажратилди.

Шу ўринда, Фарғона шаҳридан Сўх туманига кичик авиация транспорти қатнови бўйича кўрилган зарарларни қоплаш учун жорий йил 9 ойлигида **775,1 млн сўм** маблағлар ажратилиб кичик авиация транспортида 730 та парвозлар амалга оширилиб 7 280 нафар йўловчилар ташилган.

**IV.** Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида истиқомат қилаётган ёшга доир пенсия ва нафақа олувчилар, ногиронлиги бўлган шахслар учун темир йўл ва авиайўловчилар чипталарини сотиш 50 фоизлик имтиёзли тарифларни тақдим қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш.

Жорий йил 9 ойлигида Темир йўл орқали Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида истиқомат қилаётган ёшга доир пенсия ва нафақа олувчилар, ногиронлиги бўлган **154 633 нафар** йўловчилар учун **6,7 млрд сўм** компенсация маблағлари ажратилди.

**V. Экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантириш**ни кучайтириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 майдаги ПҚ-4337-сонли қарори ҳамда Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4707-сон қарорига мувофиқ маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарга маҳсулотни экспорт қилишда транспорт харажатларининг 50 фоизигача қисмини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига компенсация қилиш тартиби ва экспорт ва экспорт олди молиялаштириш, экспорт кредитлари ва таваккалчиликларини суғурталаш механизмлари жорий қилинган.

Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан 2023 йил 9 ойлигида экспортёр корхоналар фаолиятини қўллаб-кувватлаш мақсадида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

Экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш учун жорий йил 9 ойлигида бюджетдан **175,9 млрд сўм** маблағлар ажратилди, шунингдек экспорт қилишда транспорт харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш учун **305,2 млрд сўм,** экспорт қилувчилар гаров сифатида суғурта хизматларидан фойдаланганда, суғурта мукофотини тўлаш бўйича харажатларни компенсация қилиш учун **34,3 млрд сўм** ажратилди.

Жумладан:

- 611 та экспорт қилувчи корхоналарга экспортга йўналтирилган маҳсулотларни экспорт қилишда ташиш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш бўйича **305,2 млрд сўмлик** компенсация тўлаб берилди;

35-расм




- 255 та экспортёр корхоналарга гаров сифатида суғурта хизматларидан фойдаланганда **34,3 млрд сўмлик** суғурта мукофоти харажатлари қоплаб берилди;

- 231 та маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарга халқаро стандарт ва сертификатни жорий қилиш бўйича **33,9 млрд сўмлик** молиявий ёрдам кўрсатилди;

*Бунинг натижасида маҳаллий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган махсулотлар ҳалқаро стандартларга мослаштирилиб, жахон бозорига сифат жиҳатидан рақобатлашадиган маҳсулотларни олиб чиқишга эришилиб, мазкур корхоналар томонидан 744,7 млн. долларлик экспорт амалга оширилган, жумладан, Европа Иттифоқига аъзо Италия, Германия, Литва, Латвия, Чехия, Болгария, Словения, Испания, Бельгия, Франция, Греция, Эстония, Словакия давлатларига экспорт амалга оширилган.*

- 319 та маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарга халқаро кўргазма-ярмарка тадбирларини ташкил этиш бўйича **32,1 млрд сўмлик** молиявий ёрдам кўрсатилди;

- 101 та маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарга даврий нашрларга обуна бўлиш, тақдимотлар ва реклама компанияларини ўтказиш бўйича **3,5 млрд сўмлик** молиявий ёрдам кўрсатилди;

- экспорт қилувчи корхоналарга ваколатли органларнинг мева-сабзавотлар, тўқимачилик маҳсулотлари ва буюмларини экспорт қилиш учун зарур сертификатларни (61 098 та фитосанитар сертификати, 74 535 та келиб чиқиш сертификати, 38 та мувофиқлик сертификати) расмийлаштириш билан боғлиқ **28,1 млрд сўмлик** харажатлар қоплаб берилди;

- маҳаллий ва хорижий компанияларни, мутахассисларни жалб қилган ҳолда бизнес-семинарлар, тренинглар, савдо миссиялари ва бизнес-форумлар ташкил этиш учун 36 та экспорт қилувчи корхоналарга **287,1 млн сўмлик** молиявий ёрдам кўрсатилди;

- экспорт қилувчи корхоналарга маҳсулот наъмуналарини юбориш юзасида 2 та экспорт қилувчи корхоналарга **42,5 млн сўмлик** молиявий ёрдам кўрсатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 9 сентябрдаги ПФ-220-сон Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 5 октябрдаги 568-сонли қарорлари ижроси бўйича Жамғарма томонидан фуқароларга қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини харид қилиш имконини берувчи онлайн электрон Платформа (**energymarket.uz)** ишга туширилди.

Платформа орқали таъминотчи корхонага фуқаролардан **242,7 млрд. сўм**лик жами **6 256 та** *(4 024 **та** компенсация ва **2 232 та** бўлиб-бўлиб тўлаш)* аризалар ўрганилмоқда, шундан 19,1 МВт – қуёш электр станциялари ҳамда **58,1 минг литр**лик – қуёш сув иситиш қурилмалари.

Платформа ишга тушгандан буён қурилмаларни ишлаб чиқарувчи корхоналар ва фуқаролар ўртасида **10,5 млрд.сўм**лик **305 та** шартномалар имзоланган *(801 кВтлик - Қуёш электр станциялари ва 8 906 литрлик - Қуёш сув иситгичлари)*.

Ушбу шартномалар бўйича бугунги кунга қадар таъминотчи томонидан ўрнатиб берилган **107 та** фуқаронинг **2,8 млрд. сўм**лик (*шундан компенсация **60 та** фуқарога **0,3 млрд. сўм** ва муддатли тўлов **47 та** фуқарога **2,5 млрд.сўм***) давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилди.

Ҳисобот даврида марказлашган **инвестиция ва маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш** билан боғлиқ харажатларга Давлат бюджети жами харажатларининг **10,8 фоизи** ёки **21 741,3 млрд сўм** маблағ сарфланди.

2023 йил Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида ажратилган маблағларнинг 9 ойлик якунлари бўйича ўзлаштирилиши ҳолати соҳалар кесимида таҳлили қуйидагилардан иборат:

**Ижтимоий соҳа муассасалари:**

**а) умумтаълим мактаблари бўйича:**

**Дастур доирасида 415 та** умумтаълим мактаблари, жумладан **7 та** ижод ва ихтисослаштирилган мактаб интернатларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш учун **2 763,1 млрд.сўм** ажратилган бўлиб, шундан жорий йилнинг 9 ойлик якуни билан **1 734,8 млрд.сўм** ўзлаштирилди.

Шу билан бирга, дастур доирасида умумтаълим мактабларини жиҳозлаш ишлари учун **200,0 млрд.сўм** маблағ ажратилган.

Ушбу ажратилган маблағлар эвазига жорий йилда, **101 802 ўқувчи ўринли** *(72 та спортзал билан биргаликда)*, **1 641 ётоқ ўринли** жами **300 та** умумтаълим, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар қурилиб фойдаланишга топширилади.

Шунингдек, мавжуд **62 839 та ўқувчи ўринли** *(3 та спортзал билан биргаликда)*, **300 ётоқ ўринли** жами **115 та** умумтаълим, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларда реконструкция қилиш ҳамда мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

2023 йил дастур доирасидаги объектларнинг 95 таси йилдан-йилга ўтувчи ҳамда қолган 320 таси янгидан бошланувчи объектлар ҳисобланади.

**б) Олий таълим муассасалари бўйича:**

2023 йилда **39 та олий таълим сохасидаги объектларида** қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун **629,6 млрд.сўм** маблағ кўзда тутилган бўлиб, **463,4 млрд.сўм** ёки **9 ойликда** ажратилган маблағларнинг **85 фоизи** ўзлаштирилди.

2023 йилда бюджетдан мазкур соҳа учун ажратилган маблағлар ҳисобдан **13 300 ўринли** ўқув бинолари, **800 ўринли** талабалар турар жой бинолари қурилиб фойдаланишга топширилади.

Мавжуд **3 330 ўринли ўқув** бинолари ҳамда **350 ўринли** талабалар турар жой биноларида реконструкция қилиш ҳамда мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

2023 йил дастур доирасида ажратилган маблағлар ҳисобига **39 та** олий таълим муассасаларидан **30 таси** фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

**в) Мактабгача таълим ташкилотлари:**

**186 та мактабгача таълим муассасаларида** қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун 2023 йилда **972,9 млрд.сўм** ажратилган бўлиб, **704,0 млрд.сўм** маблағ ўзлаштирилди.

Жорий йилда ажратилган маблағлар эвазига **20 920** ўринли **137 та янги** бинолар қуриш, мавжуд **8 840 ўринли** бинолар реконструкция қилинади ҳамда **4 та** мавжуд бинолар мукаммал таъмирланади.

2023 йил дастур доирасида ажратилган маблағлар ҳисобига дастурга кирган **барча мактабгача таълим муассасалари** фойдаланишга топширилади.

*Ушбу объектларнинг **45 таси** йилдан-йилга ўтувчи ва **141 таси** янгидан бошланувчи объектлар.*

**г) Соғлиқни сақлаш ва тиббий-ижтимоий муассасалар бўйича:**

Жорий йилда **101 та** тиббиёт муассасалари, жумладан 5 та тиббий-ижтимоий муассасаларни қуриш-таъмирлаш ишлари учун **1 395,8 млрд.сўм** маблағ ажратилган бўлиб, шундан 9 ойлик даврда **800,0 млрд.сўм маблағ** ўзлаштирилди. *(шундан, 79 та йилдан-йилга ўтувчи, 22 та янгидан бошланувчи)*

2023 йил якунига қадар, тиббиёт соҳасига ажратилган маблағлар эвазига **6 229 ўринли (койка), 5 840 қатновли ва 15 та объектларида** қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилади. Шундан, соғлиқни сақлаш муассасаларини жиҳозлаш мақсадлари учун **150,0 млрд.сўм** маблағ кўзда тутилган.




**2023 йил** дастур доирасида ажратилган маблағлар ҳисобига **101** та **тиббиёт муассасаларидан 89 та** объект фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

д) **Жисмоний тарбия ва спорт объектлар бўйича:**

Дастур доирасида **19 та** объектларни қуриш, реконструкция қилиш ҳамда мукаммал таъмирлаш ишларига 2023 йилда **333,4 млрд сўм** маблағ ажратилади. *(шундан,13 та йилдан-йилга ўтувчи, 6 та янгидан бошланувчи)*



Ушбу маблағлар эвазига 2023 йилда **19 та** спорт объектларида (2 та универсал спорт мажмуаси, 2 та футбол ўйингоҳлари, 2 та спорт-соғломлаштириш мажмуаси, 2 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ва бошқа спорт объектлари) қуриш, реконструкция қилиш ҳамда мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилади.




Жорий йилнинг 9 ойи якунига кўра **217,2 млрд.сўм** ажратилди ёки режалаштирилган маблағларнинг **97 фоизи** ўзлаштирилиши таъминланди.

е) **Маданият ва саънат объектлари бўйича:**

**14 та** маданият ва санъат муассасаларини қуриш-таъмирлаш ишлари учун **150,1 млрд.сўм** маблағ ажратилган бўлса, ҳисобот даврида **83,5 млрд.сўм** ўзлаштирилди. *(шундан, 8 та йилдан-йилга ўтувчи, 6 та янгидан бошланувчи)*

Молия йили якунига қадар ушбу объектларнинг **11 таси** фойдаланишга топширилади.

ж) **Илм-фан ва инновацион объектлари бўйича:**

**6 та** Илм-фан ва инновацион *(илмий тадқиқот институтлари ва соҳага тегилши лаборатария бинолари)* объектларда қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун 2023 йилда **44,8 млрд сўм** кўзда тутилган бўлиб**,** жорий йилнинг 9 ойлик якунлари билан **21,1 млрд сўм** ўзлаштирилган.

**2023 йил** дастур доирасида ажратилган маблағлар ҳисобига **6 та** Илм-фан ва инновацион объектларидан **4 таси** фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

**Муҳандислик-коммунал инфратузилма**

а) Жорий йилда **Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури** доирасида республика аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва оқава сув тизимларини яхшилаш мақсадида Давлат бюджетидан **“Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш”** жамғармасига **298 та** лойиҳа учун **1 636,7 млрд. сўм** трансферт маблағлари йўналтирилиши назарда тутилган бўлиб, шундан жорий йил тўққиз ойлик якунлари билан **1298,8 млрд. сўм** трансферт маблағлари молиялаштирилди ёки тўққиз ойлик режа **100 фоизга** бажарилди.



Буларнинг ҳисобига, **1 458 км** сув тармоғи қурилади ва **243 км** тармоқ реконструкция қилинади, шунингдек, **9 та** ҳудуддаги **78 км** оқова сув тармоғи қурилиши ва реконструкция қилиниши кўзда тутилган.

Шундан, жорий йилнинг тўққиз ойлик якуни билан **1 151,8 км** ичимлик ва оқова сув тармоқлари ётқизилди ҳамда **121 та** иншоотларда қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди ҳамда **136 та** объект фойдаланишга топширилди.

**Натижада,** 2023 йил якуни билан **76 та маҳалла** (**680 минг** нафар аҳоли) **илк бор** ичимлик суви билан таъминланади, **1,5 млн** нафар аҳолининг сув таъминоти яхшиланади, ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси **74,2 фоиз**дан **77 фоиз**га етади.

Бундан ташқари, янгидан барпо этилаётган кўп қаватли уй-жойлар ва "Янги Ўзбекистон" массивларини сув таъминоти ва оқова сув тизимлари билан таъминлаш учун жорий йилда **640,2 млрд. сўм** трансферт маблағларини йўналтириш белгиланган бўлиб, шундан ҳисобот даврида режалаштирилган маблағнинг **364,7 млрд. сўми** ёки тўққиз ойлик режанинг **100,0 фоизи** молиялаштирилди.

**Мазкур маблағлар ҳисобидан, 47 та** муҳандислик-коммуникация объектларида қарийб **205,0 км** ичимлик ва **68,8 км** дан ортиқ оқова сув қувурларини тортиш, шунингдек **58 та** иншоотда қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилган.

б) **Иссиқлик таъминоти** бўйича **15 та** объект, жумладан **13 та** иссиқлик қозонхоналарини ва **20,1 км** иссиқлик тармоқларини қуриш ишлари учун **196,8 млрд.сўм** маблағ ажратилган бўлиб, ҳисобот даврида **88,6 млрд.сўм** ўзлаштирилди. Жорий йилда янгидан бошланадиган **2 та** объектда лойиҳалаш ишлари ва тендер жараёнлари кечикканлиги сабабли, режага нисбатан кам маблағ ўзлаштирилди.





Ҳисобот даврида **20 та** иситиш қозонлари, **19 км** иссиқлик тармоқлари ҳамда **12 та** индивидуал иссиқлик пунктлари ўрнатилди.

Ушбу қозонхоналар ва иссиқлик таъминоти тармоқларини қуриб фойдаланишга топшириш эвазига **1 387 та кўп қаватли уйлар ва 25 та ижтимоий ва бошқа соҳа объектларининг** иссиқлик таъминоти яхшиланади.

**<u>Йўл-транспорт инфратузилмаси</u>**

**1.** 2023 йилда **746** та **йўл хўжалигидаги** объектларда қурилиш ишларини амалга ошириш**,** ўлчов тарозиларини ўрнатиш, техника ва машина-механизмлар харид қилиш учун **2 993,2 млрд.сўм** маблағ ажратилган бўлиб, ҳисобот даврида **2 041,6 млрд.сўм** маблағлар ўзлаштирилди.

Ушбу маблағларни ўзлаштирилиши ҳисобига йил якунида жами **366,7 км** узунликдаги автомобиль йўллари ҳамда **4 543,0** пм кўприклар ва йўл ўтказгичлар қуриш ва таъмирлаш ишлари якунланиб, йил якунигача фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Жумладан:

а) **215 та умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини ва кўприкларни қуриш ва реконструкция қилиш**, шунингдек техника ва машина-механизмлар харид қилиш учун жорий йилда **1 666,7 млрд.сўм** ажратилиб, жорий йилнинг 9 ой якунлари билан **1 275,3 млрд.сўм** ўзлаштирилиши таъминланди.

б) 2023 йилда **ички хўжаликлараро автомобиль йўллари ва шаҳар кўчаларини** шунингдек, **саноат зоналарига олиб борувчи ички йўллар** ва **"Янги Ўзбекистон" массивларидаги ички йўллар қуриш**, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларига – **1 326,5 млрд.сўм** ажратилган бўлиб, жорий йилнинг 9 ой якунлари билан **635,3 млрд.сўм** ўзлаштирилди. Баъзи объектларда қўшимча иш ҳажмлари



бажарилиши натижасида лойиҳа-смета ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган ҳолда амалга оширилмоқда.

**2.** Жорий йилги дастур доирасида **6 та темир йўл транспорти ва метро** объектлари учун **117,9 млрд.сўм** маблағ ажратилган бўлиб, жорий йилнинг 9 ойлик даврида **32,0 млрд.сўми** ўзлаштирилган.



Ушбу объектларнинг 3 таси йилдан-йилга ўтувчи *("Тошкент метрополитени Сергели йўналиши қурилиши", Тошкент шаҳрида ер усти ҳалқа метрополитенини қуриш)* объект ҳамда 3 таси янгидан бошланувчи объектлар ҳисобланади.








Маълумот учун: Тошкент шахар халқа автомобиль йўли бўйлаб **13,7 кмлик** 9 бекатдан иборат метрополитен линиясининг иккинчи босқич ишлари доирасида **Қўйлиқ-Қипчоқ-Янгиҳаёт** линияси қурилиш ишлари учун **31,9 млрд.сўм** маблағ ажратилган.

Аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини, пойтахтимизнинг келгусида ривожланиши, урбанизация жараёнларининг тезлашиши ҳамда демографик жойлашувлар инобатга олиниб, Тошкент шаҳрида ер усти халқа метро линияси қурилиши амалга оширилмоқда. 2020 йилда умумий узунлиги 52,1 км бўлган ер усти ҳалқа метро йўналишининнинг 11,4 кмлик 7 бекатдан иборат биринчи босқич Дўстлик – Қўйлиқ линияси якунига етказилди.

Шу билан бирга, 2023 йил апрель ойида ушбу лойиҳанинг II босқичи **Қўйлиқ-Қипчоқ-Янгиҳаёт** линияси доирасида умумий узунлиги **7,74 км** бўлган **5 та** бекатдан иборат **“Қўйлиқ-Қурувчилар”** участкасида қурилиш ишлари тугатилди. Шу билан Тошкент метрополитенининг бекатлари сони **48 тага** етди.

Мазкур объектни якунлаш билан Тошкент вилояти Бектемир тумани, Тошкент шаҳри Яшнобод тумани Қўйлиқ массиви, Сергели ва янги ташкил этилган Янгиҳаёт туманларида истиқомат қилувчи аҳолининг транспорт воситаларига бўлган эҳтиёжлари қондирилиб, кунлик **86 минг йўловчига** экологик тоза, сифатли ва замон талабларига мос транспорт хизмати кўрсатилишига эришилади.






Ер усти метроси қурилишининг иккинчи босқичи тўлиқ якунланиши билан Тошкент метрополитенининг жами узунлиги **70 кмдан** ортади. Бекатлар сони эса **50 тага** етади.

**<u>Ирригация ва мелиорация объектлари.</u>**

а) 2023 йилда 157 та **ирригация объектлари** учун **1 025,0 млрд.сўм** маблағ ажратилган бўлиб, 9 ойлик якуни билан объектларда **636,2 млрд.сўм** ёки ҳисобот даври учун режалаштирилган маблағларнинг **79 фоизи** ўзлаштирилди.




2023 йилги Инвестиция дастури доирасида ажратилган маблағлар ҳисобига **391,2 км** канал, **139,9 км** лоток тармоқлари, **6 та** гидротехник иншоот, **42,7 м$^3$/сек** сув чиқариш қувватига эга бўлган насос станциялар, **15,3 км** босимли қувурлар, **124 та** суғориш қудуғи, **3 та** кўприк, **2,025 млн.м$^3$** ҳажмли сув омбори қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилган.

Шундан, йил якунига қадар, ирригация йўналишида **363,2 км** канал, **27,7 км лоток,** 6 та гидротехника иншоотлари, 22,1 м3/с насос станциялари, 4,6 км босимли қувурлар, 2 та кўприк ва 112 та суғориш қудуғини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда 2,9 км қирғоқ ҳимоя ишларини бажарилади.




б) **48 та** мелиорация объектлари *(шундан, 21 та йилдан-йилга ўтувчи, 27 та янгидан бошланувчи)* учун **226,0 млрд.сўм** маблағ ажратилган бўлиб, 9 ойлик якуни билан объектларда **186,0 млрд.сўм** маблағлар ўзлаштирилди.



2023 йил дастур доирасида ажратилган маблағлар ҳисобига **257,8 км** очиқ, **173,5 км** ёпиқ горизонтал коллектор-дренаж тармоқлари, **6 та** вертикал дренаж қудуғи, **53 та** гидротехник иншоот ва **50 та** кузатув қудуқларини қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилган.




Ушбу лойҳаларни амалга ошириш натижасида ирригация ва мелиорация объектларининг техник ҳолати яхшиланиб, лойиҳалар ҳудудидаги **207 минг гектар** майдонларнинг **сув таъминоти** ва **114 минг гектар** суғориладиган ер майдонларининг **мелиоратив ҳолати** яхшиланишига эришилади.

**Махсус иқтисодий зоналар, кичик саноат зоналари, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ҳамда йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш**

Махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналар ҳамда инвестиция лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш учун **1 230,3 млрд.сўм** маблағ ажратилган.

Бунда:

Махсус иқтисодий зоналарни инфратузилма билан таъминлашга **841,7 млрд.сўм;**

Кичик саноат зоналарини инфратузилма билан таъминлаш учун **50,9 млрд.сўм;**




Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарини инфратузилма билан таъминлашга **20,1 млрд.сўм**;

Тўғридан тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини инфратузилма билан таъминлашга **254,3 млрд.сўм** маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Жорий йилнинг тўққиз ойлик якунига кўра **559,6 млрд.сўм** ёки ҳисобот даври учун режалаштирилган маблағларнинг **94 фоизи** ўзлаштирилди.

Жумладан:

Ичимлик сув таъминоти ва канализация тармоқларини қуриш ишларига **52,5 млрд.сўм;**

Автомобиль йўллари, кўприклар ва йўл ўтказгичларни қуриш ишларига **82,2 млрд.сўм;**

Ташқи электр тармоқлари билан таъминлаш учун **399,7 млрд.сўм;**




Ташқи табиий газ тармоқлари билан таъминлаш учун 3,4 млрд.сўм.

Йил якунига қадар маблағ тўлиқ ўзлаштирилиши натижасида саноат зоналаридаги:

86,8 км узунликдаги ичимлик ва оқова суви тармоқлари ва 24 та сув иншооти;

18,5 км узунликдаги автомобиль йўллари;

262,9 км узунликдаги электр тармоқлари ва 61 та трансформатор подстанциялари;

13,6 км узунликдаги табиий газ тармоқлари ҳамда 4 та босимни созлаш қурилмалари билан таъминланади.

**Туризм объектлари атрофидаги ер майдонлари, сув ва йўл инфратузилмаларини яхшилаш**

Жорий йилда туризм объектларини муҳандислик-коммуникация тармоқлари яхшилаш, маданий мерос объектларини реставрация қилиш ҳамда маданий-кўнгилочар инфратузилмаларни ривожлантириш учун **12 та** *(8 та йилдан-йилга ўтувчи, 4 та янгидан бошланувчи)* объектларга **95,7 млрд.сўм** режалаштирилган.

Ҳисобот даврида, ажратилган маблағнинг **38,2 млрд.сўм** ёки 9 ойлик режанинг **79 фоизи** молиялаштириб берилган.

Йил якунига қадар ушбу объектларнинг 11 таси тўлиқ фойдаланишга топширилади.

**"Янги Ўзбекистон" ва уй жой массивларида барпо этиладиган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПФ-32-сон Фармонига асосан барпо этилаётган “Янги Ўзбекистон” массивларини муҳандислик тармоқлари билан таъминлаш учун **209 та** объектлар (шундан, 126 та йилдан-йилга ўтувчи) учун **1 236,3 млрд.сўм** ажратилиши назарда тутилган.

Ушбу маблағлар ҳисобига, иссиқлик таъминоти бўйича 36 та, ичимлик суви ва канализация тармоқларини қуриш ишлари бўйича 75 та, автомобиль йўллари бўйича 37 та, электр-энергияси таъминоти бўйиича 22 та лойиҳаларни амалга ошириш мўлжалланган. Ҳисобот даврида ажратилган маблағларнинг **578,3 млрд.сўми** ёки режалаштирилган маблағларнинг 97 фоизи ўзлаштирилган.

Шунингдек, Маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш ҳамда аҳоли кайфиятига таъсир қилувчи долзарб муаммоли масалалар билан боғлиқ тадбирларга **6,1 трлн сўм** сарфланди.

Бундан ташқари Ташаббусли бюджет лойиҳаси диорасида аҳоли ташаббусига мувофиқ ҳудудлардаги долзарб муаммоларни ҳал этиш тадбирлари учун **3,9 трлн сўм** маблағ йўналтирилди.

**Давлат ҳокимияти, бошқарув, адлия, прокуратура ва суд органлари таъминотига** 2023 йилнинг 9 ой якунлари билан **10,9 трлн сўм** ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **2,0 трлн сўм** кўп маблағ ажратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги "Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-14-сонли Фармони билан вазирлик ва идоралар тизимида штат бирликлари қисқартирилди ҳамда бошқарув ходимларининг жами чекланган сони белгиланди.

Мазкур Фармондан келиб чиқиб, қуйидагилар **амалга оширилди**:

- Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан қайтадан ташкил топган республика ижро этувчи ҳокимият органларининг штат жадваллари қайтадан рўйхатдан ўтказилди;

- Маъмурий ислоҳотлар доирасида трансформация қилинаётган ижро этувчи ҳокимият органларининг қарор лойиҳалари Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан кўриб чиқилди ва келишиб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон Фармони билан вазирлик ва идоралар қайта ташкил этилди, айримларининг вазифа ва функциялари тегишли вазирлик ва идораларга ўтказилди ҳамда айримларининг ташкилий бўйсунуви ўзгарди.

Ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатларига 2023 йил 9 ой якунлари билан давлат бюджетидан ажратилган маблағлар миқдори **559,3 млрд.сўмни** ташкил этди.

ННТ (Нодавлат нотижорат ташкилотлари) ва фуқаролик жамиятнинг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашга Давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг **98 фоизи** ёки **232,4 млрд.сўми** ўзлаштирилди.

**Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларига республика бюджетидан ажратилган маблағларининг ижроси.**

Ҳисобот даврида биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан ўзлаштирилган маблағлар миқдори **146 659,7 млрд сўмни** ёки ажратилган жами маблағларнинииг **94,7 фоизини** ташкил этди. Жумладан:

- жорий харажатлар ўзлаштирилиши **101 546,7 млрд сўмни** ёки жами маблағларнинг **94,5 фоизини** ташкил этган;

- объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларига **3 574,6 млрд сўм** маблағ сарфланди.

- республика бюджетидан давлат мақсадли жамғармаларига ажратилган маблағлар миқдори **19 836,8 млрд сўмни** ташкил этди.

7-жадвал

**2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларига ажратиладиган бюджет маблағларининг 9 ойлик ижроси**

млн сўм

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Ижро | Бажари-лиши (фоизда) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| **Х** | **Республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар, жами** | **154 797 349,8** | **146 659 721,5** | **94,7** | |
| | *шу жумладан:* | | | | |
| | жорий харажатлар | 107 360 616,9 | 101 546 755,5 | 94,6 | |
| | шундан: | | | | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 19 409 581,6 | 18 022 927,6 | 92,9 | |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 4 450 944,9 | 3 574 567,1 | 80,3 | |
| | давлат мақсадли жамғармаларига трансфертлар | 20 954 304,9 | 19 836 874,2 | 94,7 | |
| | Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи трансфертлар | 21 684 530,7 | 21 511 825,0 | 99,2 | |
| | қайта тақсимланадиган маблағлар | 346 952,3 | 189 699,7 | 54,7 | |
| **1.** | **Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги** | **28 471 496,7** | **27 591 251,8** | **96,9** | |
| | *шу жумладан:* | | | | |
| | жорий харажатлар | 28 128 189,2 | 27 406 083,2 | 97,4 | |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Ижро | Бажари-лиши (фоизда) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| | шундан: | | | | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 563 235,1 | 403 075,7 | 71,6 | |
| | Халқ таълими соҳасидаги ислоҳотларга кўмаклашиш жамғармаси учун ажратиладиган маблағлар | 123 600,0 | 90 000,0 | 72,8 | Халқ таълими соҳасидаги ислоҳотларга кўмаклашиш жамғармаси учун 123,6 млрд.сўм маблағ ажратилган бўлиб, ҳақиқатда касса қилинган маблағ 90,0 млрд.сўмни ташкил этган қолган 33,6 млрд.сўм маблағ учун сўровномалар шакллантирилиб, Ғазначиликдан рўйхатдан ўтказилган. Жорий йил якунига қадар босқичма-босқич ўзлаштириш кўзда тутилган. |
| | Мактабгача таълимни ривожлантириш жамғармаси учун ажратиладиган маблағлар | 58 000,0 | 58 000,0 | 100,0 | |
| | Халқ таълими вазирлиги тизимидаги муассасаларнинг спорт жиҳозлари билан таъминлаш учун харажатлар | 60 345,0 | 60 344,8 | 100,0 | |
| | умумтаълим мактабларини миллий чолғу асбоблари билан таъминлаш учун харажатлар | 48 571,0 | 41 244,9 | 84,9 | 10104 та умумтаълим мактабларини 7 тўпламдаги (70 728 дона) миллий чолғу асбоблари билан таъминлаш учун 49,7 млрд.сўм маблағ режалаштирилган бўлиб, 48,6 млрд.сўмга шартномалар тузилган. Ушбу даврда касса қилинган маблағлар 41,2 млрд. сўмни ташкил этган (йиллик режага нисбатан 83 фоиз). Ҳисобот даврида харид қилиниши кўзда тутилган мусиқа асбобларининг 9 734 донаси (97 фоиз) жойларга етказиб берилган. |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Ижро | Бажари-лиши (фоизда) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| | мактабларда маънан эскирган компьютер синфларини янгилаш учун харажатлар | 220 000,0 | 101 457,5 | 46,1 | Ҳукуматнинг махсус топшириғига мувофиқ 1850 дона моноблоклар хариди учун 220,0 млрд.сўм қўшимча маблағлар ажратилган бўлиб, ушбу маблағлар доирасида 215 млрд.сўм миқдоридаги шартномалар имзоланган ва йил якунига қадар маблағлар тўлиқ ўзлаштирилади. |
| | Халқ таълими вазири жамғармаси учун ажратилган маблағлар | 50 000,0 | 50 000,0 | 100,0 | |
| | Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағларини шакллантириш | 2 030,0 | 2 028,6 | 99,9 | |
| | *шу жумладан қайта тақсимланадиган маблағлар:* | | | 0,0 | |
| | болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлаш учун харажатлар | 689,1 | 0,0 | 0,0 | |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 326 712,9 | 168 574,0 | 51,6 | Қўшимча маблағлар ажратилганлиги, тендер савдолари якунига етмаганлиги ҳамда баъзи ҳудудларда иш фронти етишмовчилиги юзага келганлиги сабабли қурилиш-монтаж ишлари тасдиқланган графикдан ортда қолмоқда. Йил якунига қадар ажратилган маблағлар тўлиқ ўзлаштирилиши таъминланади. |
| | Республика мақсадли китоб жамғармасига трансфертлар | 16 594,6 | 16 594,6 | 100,0 | |
| **2.** | **Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги** | **4 940 449,4** | **4 300 056,9** | **87,0** | |
| | шу жумладан: | | | | |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Ижро | Бажарилиши (фоизда) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| | *жорий харажатлар* | 4 118 078,7 | 3 546 595,9 | 86,1 | |
| | шундан: | | | | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 206 617,6 | 185 091,2 | 89,6 | |
| | шу жумладан қайта тақсимланадиган маблағлар: | | | 0,0 | |
| | *олий таълим муассасасида магистратура босқичида ўқиётган барча хотин-қизларнинг контракт тўловларини қайтариш шартисиз қоплаш учун харажатлар* | 0,4 | 0,0 | 0,0 | |
| | давлат-хусусий шериклик ва давлат олий таълим ташкилотларининг буюртмалари асосида талабалар турар жойини барпо этиш бўйича лойиҳалар учун субсидиялар | 201 889,3 | 181 302,0 | 89,8 | |
| | давлат хусусий шериклик асосида қурилган талабалар турар жойида яшайдиган талабалар учун давлат шеригига ажратиладиган субсидиялар | 4 727,9 | 3 789,3 | 80,1 | |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 422 100,7 | 358 191,0 | 84,9 | Тендер (танлов) савдоларини ўтказиш учун режалаштирилган маблағлар буюртмачи ташкилотлари томонидан ўз вақтида ишларни тўғри ташкиллаштирилмаганлиги, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун ажратилган маблағлар ҳамда қўшимча тарзда киритилган объектларга ажратилган маблағлар ҳисобига харажатларни ўзлаштириш кўрсаткичлари паст бўлган. Йил якунига қадар тўлиқ ўзлаштирилади. |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Ижро | Бажари-лиши (фоизда) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| | Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига трансфертлар | 400 270,0 | 395 270,0 | 98,8 | |
| **3.** | **Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги** | **3 029 975,6** | **2 732 251,5** | **90,2** | |
| | шу жумладан: | | | | |
| | жорий харажатлар | 2 755 747,1 | 2 483 199,2 | 90,1 | |
| | шундан: | | | | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 1 133 729,2 | 1 016 253,0 | 89,6 | |
| | болаларни вакцинация қилиш билан боғлиқ харажатлар | 200 000,0 | 198 225,4 | 99,1 | |
| | оналар ва болалар, репродуктив ёшдаги аёллар саломатлигини сақлаш учун зарур дори воситалари ва тиббий буюмлар («К» витамини, сурфактант ва бошқалар) билан таъминлаш учун харажатлар | 3 879,2 | 3 692,7 | 95,2 | |
| | болалар тиббиёт ва туғруқ муассасаларида юқори технологик лаборатория ускуналаридан тўлақонли ва самарали фойдаланиш мақсадида реагентлар, сарфланадиган анжомлар ҳамда сервис хизматлари учун харажатлар | 5 798,9 | 1 265,1 | 21,8 | |
| | нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш учун харажатлар | 107 144,1 | 105 834,5 | 98,8 | |
| | нейросенсор карлик ёки заиф эшитадиган болаларда кохлеар имплантатлардан фойдаланган ҳолда операциялар ўтказиш учун харажатлар | 31 815,0 | 31 732,7 | 99,7 | |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Ижро | Бажари-лиши (фоизда) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| | буйрак ва жигар трансплантацияси бўйича жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморларни дори воситалари билан таъминлаш учун харажатлар | 52 317,9 | 50 832,7 | 97,2 | |
| | кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш учун харажатлар | 25 062,2 | 20 095,9 | 80,2 | |
| | болаларни ҳамда туғиш ёшидаги аёлларни, ҳомиладор аёлларни ва бола эмизувчи оналарни профилактик махсус препаратлар билан бепул таъминлаш учун харажатлар | 87 798,4 | 78 860,4 | 89,8 | |
| | «Электрон соғлиқни сақлаш» тизимини кенг жорий этиш, ягона миллий стандартлар асосида интеграциялашган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси мажмуасини яратиш учун харажатлар | 16 679,1 | 4 386,3 | 26,3 | Тизим муассасалари учун 29,3 млрд сўм қийматидаги компьютер жиҳозлари сотиб олиш бўйича тендер хужжатлари тайёрланди ва Лойиха ва импорт контрактларни комплекс экспертиза қилиш марказидан ижобий хулоса олинди. Ҳозирда тендерга эълон бериш жараёнлари олиб борилмоқда. |
| | физиотерапевтик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун харажатлар | 87,5 | 87,5 | 100,0 | |
| | «Спинал мушак атрофияси» ташхиси қўйилган бемор болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва дори воситаларини бепул етказиб бериш учун харажатлар | 117 982,0 | 117 981,4 | 100,0 | |
| | ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини янада яхшилаш бўйича чора-тадбирларни молиялаштириш учун харажатлар | 7 760,2 | 4 246,0 | 54,7 | Бугунги кунда 8,1 млрд сўмлик шартномалар тузилган, шу жумладан 3,8 млрд сўмлик 2022 йилда ўтган харид бу йил шартнома қилинган, 1,1 млрд сўмга Илизаров аппарати хариди |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Ижро | Бажари-лиши (фоизда) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | давоб этмоқда. Йил якунига қадар маблағлар тўлиқ ўзлаштирилади. |
| | Қон компонентлари захирасини яратиш мақсадида қон билан ишлаш хизмати муассасаларини зарур миқдордаги гемоконтейнерлар билан таъминлаш харажатлари | 10 555,0 | 10 064,3 | 95,4 | |
| | эндокрин касалликларнинг олдини олиш, эрта ташхислаш ва даволаш чора-тадбирларни молиялаштириш учун харажатлар | 51 423,9 | 30 851,4 | 60,0 | Бугунги кунда 16,3 млрд сўмлик шартномалар тузилган, 2,4 млрд сўмга Соматропин 3,33 мг дори воситаси хариди давоб этмоқда. Йил якунига қадар маблағлар тўлқ ўзлаштирилиши таъминланади. |
| | *гематология ва трансфузиология хизматларини ривожлантириш ҳамда онкогематологик ва даволаниши қийин бўлган касалликларга чалинган шахсларни янада қўллаб-қувватлаш учун харажатлар* | 134 260,1 | 127 364,8 | 94,9 | |
| | вирусли гепатитнинг «С» ва «В» турларини эрта ташхислаш ва вирусга қарши махсус даволаш ишларини ташкил этиш учун харажатлар | 6 356,5 | 4 503,1 | 70,8 | |
| | наркология муассасаларини тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш учун харажатлар | 13 747,2 | 3 850,0 | 28,0 | |
| | шу жумладан қайта тақсимланадиган маблағлар: | | | 0,0 | |
| | онкология ёрдамини такомиллаштириш ва онкология хизматини янада ривожлантириш учун харажатлар | 107 906,9 | 95 009,8 | 88,0 | |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Ижро | Бажари-лиши (фоизда) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| | Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси учун ажратиладиган маблағлар | 102 737,3 | 84 499,4 | 82,2 | |
| | Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш жамғармаси учун ажратиладиган маблағлар | 32 500,0 | 31 957,9 | 98,3 | |
| | *чақалоқларда эшитиш нуқсонларини эрта аниқлаш учун тиббий жиҳозларни харид қилиш учун харажатлар* | 17 918,1 | 10 911,5 | 60,9 | Ушбу дастур бўйича шартномалар тўлиқ имзоланиб Ғазначилик қўмитаси томонидан рўйхатдан ўтказилди. Етказиб берувчи томонидан товарлар етказилганда тўлиқ маблағлар ўзлаштирилади. |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 274 228,5 | 249 052,3 | 90,8 | |
| **4.** | **Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги** | **929 543,5** | **832 939,2** | **89,6** | |
| | шу жумладан: | | | | |
| | жорий харажатлар | 786 028,3 | 705 978,4 | 89,8 | |
| | шундан: | | | | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 147 565,8 | 133 299,7 | 90,3 | |
| | **болалар мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда маданият марказларини миллий чолғу асбоблари билан таъминлаш учун харажатлар** | 1 905,7 | 716,9 | 37,6 | |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Ижро | Бажари-лиши (фоизда) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| | *Маданият вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағларини шакллантириш* | 43 000,0 | 43 000,0 | 100,0 | |
| | давлат буюртмасига асосан миллий кино маҳсулотларини яратиш учун харажатлар | 87 660,1 | 74 582,8 | 85,1 | Кинематография агентлиги томонидан жорий йилнинг 9 ойи давомида ажратилган 87,6 млрд.сўм миқдоридаги маблағлар фильм ишлаб чиқарувчилар билан тўлиқ шарномалар имзоланган. Бажарилган ишлар ҳажмидан қелиб чиқиб, маблағлар молиялаштирилади. |
| | **«Ипак йўли дурдонаси» Тошкент халқаро кинофестивалини ўтказиш учун харажатлар** | 10 000,0 | 10 000,0 | 100,0 | |
| | *хорижий кинокомпаниялар томонидан Ўзбекистон ҳудудида кино ишлаб чиқариш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун харажатлар* | 5 000,0 | 5 000,0 | 100,0 | |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 143 515,2 | 126 960,8 | 88,5 | Маданият ва саънат объектларининг 3 таси Президент ташрифи ҳамда Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг тегишли баёнларига асосан дастурга кўшимча киритилган. Бундан ташқари, Дастурда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган Хоразм вилояти Қўғирчок театри биносини қуриш объекти бўйича пудрат ташкилоти белгиланганмаган ва ишлар бошланмаган.<br>2 та объект бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун тендер (танлов) савдолари ўтказилмоқда |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Ижро | Бажари-лиши (фоизда) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| **5.** | **Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги** | **1 994 686,1** | **1 911 567,1** | **95,8** | |
| | *шу жумладан:* | | | | |
| | жорий харажатлар | 66 318,8 | 52 115,5 | 78,6 | |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 264 434,7 | 195 923,4 | 74,1 | Баъзи ҳудудларда иш фронти етишмовчилиги юзага келганлиги сабабли қурилиш-монтаж ишлари тасдиқланган графикдан ортда қолган. Йил якунига қадар маблағлар тўлиқ ўзлаштирилиши таъминланади. |
| | **шундан:** | | | | |
| | *иссиқлик таъминоти объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш учун харажатлар* | 186 029,3 | 129 483,7 | 69,6 | Ҳисобот даврида 3 та объектга ажратилган 32,2 млрд. сўм маблағ бўйича молиялаштириш очилмаган ҳамда қолган 24,3 млрд. сўм маблағ 51 та объект бўйича қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилмаганлиги сабабли буюртмачи томонидан маблағлар ўзлаштирилмаган. Бугунги кунда 3 та объект бўйича молиялаштириш очилган. |
| | Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармасига трансфертлар | 1 663 932,7 | 1 663 528,2 | 100,0 | |
| **6.** | **Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги** | **1 213 630,3** | **1 128 176,0** | **93,0** | |
| | шу жумладан: | | | | |
| | жорий харажатлар | 1 126 580,3 | 1 043 663,2 | 92,6 | |
| | шундан: | | | | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 668 811,8 | 655 280,5 | 98,0 | |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Ижро | Бажари-лиши (фоизда) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| | қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этиш учун субсидиялар | 10 700,0 | 10 492,6 | 98,1 | |
| | **қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматини аниқлаш ва қайта баҳолаш ва тупроқ бонитировкаси ҳамда тупроқ хариталарининг корректировкасини ўтказиш, шунингдек, суғориладиган ерлар тупроғининг агрокимёвий тадқиқот ишларини бажариш, агрокимёвий картограммалар тузиш ва тупроқ (ерлар) мониторингини ўтказиш учун харажатлар** | 58 916,5 | 57 325,4 | 97,3 | |
| | хонадонларда пилла (ҳўл пилла) ҳосилини етиштирувчи жисмоний шахсларга субсидиялар | 55 745,3 | 53 227,2 | 95,5 | |
| | яйлов ерларида шахтали ва тик қудуқлар ҳамда насос станцияларини қуриш ва реконструкция қилишга сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар | 20 000,0 | 19 875,9 | 99,4 | |
| | *қоракўлчилик субъектларига экспорт қилинган қоракўл ва қоракўлча тери учун субсидиялар* | 2 710,0 | 2 707,6 | 99,9 | |
| | *қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликлари томонидан етиштирилиб, сотилган маҳсулотлар учун субсидиялар* | 400 000,0 | 399 609,2 | 99,9 | |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Ижро | Бажари-лиши (фоизда) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| | *уй ҳайвонларини вакцинация қилиш учун харажатлар* | 103 000,0 | 96 760,7 | 93,9 | уй ҳайвонларини вакцина қилиш учун жами 103,0 млрд.сум маблаглар ажратилган бўлиб, 2023 йилнинг 9 ойи давомида 100.7 млрд.сумлик шартномалар тузилган. Жами 96.7 млрд.сумлик касса харажатлари амалга оширилди. Шартнома шартларига асосан етказиб берилмоқда. |
| | *Қорақалпоғистон Республикаси хўжаликлари томонидан наслдор қорамол, қўй ва эчки, она балиқ ва жўжаларни сотиб олиш учун субсидиялар* | 5 700,0 | 4 083,2 | 71,6 | 01.10.23й.холатига Коракалпогистон Республикасидан ариза келиб тушмаганлиги сабабли 2,4 млрд молиялаштирилмасдан колмокда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 августдаги ПҚ-285-сон қарори билан 2023 йилнинг 1 сентябридан барча вилоятларда импорт килинган чорва моллари учун субсидия ажратиш белгиланган. Шу сабабли йил якунига қадар маблағлар ўзлаштирилади. |
| | *чигиртка ва зараркунандаларга қарши курашиш ҳамда фавқулодда вазиятларда ҳосилни сақлаб қолишни таъминлаш билан боғлиқ харажатлар* | 820,0 | 199,2 | 24,3 | |
| | *тут парвонасига қарши курашиш тадбирлари учун харажатлар* | 11 000,0 | 10 999,6 | 100,0 | |
| | **шу жумладан қайта тақсимланадиган маблағлар:** | 220,0 | 0,0 | 0,0 | |
| | *лалми ва яйлов ер участкаларида томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий этиш харажатлар* | 220,0 | 0,0 | 0,0 | Ташаббускор аниқланмади |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Ижро | Бажари-лиши (фоизда) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| | *объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар* | 7 050,0 | 4 512,7 | 64,0 | Самарканд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг бош ўқув биноси мукаммал таъмирлаш объектида тегишли тартибда буюртмачи хизмати ташкилоти ўзгарганлиги сабабли қурилиш-монтаж ишлари тасдиқланган графикдан ортда қолган. Йил якунига қадар маблағлар тўлиқ ўзлаштирилиши таъминланади. |
| | Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасига трансфертлар | 80 000,0 | 80 000,0 | 100,0 | |
| **7.** | **Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги** | **2 615 328,1** | **2 391 976,6** | **91,5** | |
| | шу жумладан: | | | | |
| | жорий харажатлар | 1 718 339,4 | 1 663 384,8 | 96,8 | |
| | шундан: | | | | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 1 294 314,7 | 1 283 591,3 | 99,2 | |
| | *пахта хом ашёсини етиштирувчилар томонидан томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун харажатлар* | 51 761,5 | 49 814,8 | 96,2 | |
| | Амударё дарёсининг Тахиатош гидроузели юқори бьефидаги лойқа чўкиндиларни земснарядлар ёрдамида тозалаш ишларини ташкил этиш учун харажатлар | 23 500,0 | 14 723,3 | 62,7 | 2023 йил январь-февраль ойларида анамал совуқ бўлганлиги ва дарёда муз бўлганлиги туфайли земснарядларни ишлаш имкони бўлмаган, ҳамда июнь ва июль ойларида об-хавонинг 40-43 градусгача кўтарилгани ва сув хажмининг гидроузелнинг олдида кўп бўлгани земснарядларнинг тўлиқ ишлашига |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Ижро | Бажари-лиши (фоизда) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | тўсқинлик қилганлиги сабабли пудратчи корхона тўлиқ ишлаш имкониятларини бўлмаган. |
| | сув хўжалиги тизимидаги насос станцияларининг электр энергияси харажатларини қоплаш учун харажатлар | 1 219 053,1 | 1 219 053,1 | 100,0 | |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 896 988,7 | 728 591,7 | 81,2 | |
| **8.** | **Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги** | **484 899,9** | **412 189,4** | **85,0** | |
| | **шу жумладан:** | | | | |
| | *жорий харажатлар* | 314 295,3 | 287 500,5 | 91,5 | |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 170 604,6 | 124 688,9 | 73,1 | |
| **9.** | **Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги** | **4 703 721,2** | **4 053 332,3** | **86,2** | |
| | шу жумладан: | | | | |
| | жорий харажатлар | 162 142,3 | 137 153,5 | 84,6 | |
| | шундан: | | | | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 41 900,0 | 31 473,0 | 75,1 | |
| | авиаташувчиларга маҳаллий йўналишлардаги авиақатновлар учун чипта | 24 000,0 | 24 000,0 | 100,0 | |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Ижро | Бажарилиши (фоизда) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| | нархининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар | | | | |
| | темир йўл ва авиаташувчиларга Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида яшовчи пенсиянерлар, нафақа олувчилар ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларга 50 фоизлик имтиёз билан сотилган чипталар зарарини қоплаш учун харажатлар | 15 000,0 | 6 698,0 | 44,7 | Авиаташувчи томонидан 10,0 млрд. сўм миқдоридаги зарарларни қоплаш учун ҳужжатлари октябрь ойида тақдим қилинган мазкур маблағлар йил якунига қадар тўлиқ ўзлаштирилади. |
| | **Фарғона шаҳридан Сўх туманига кичик авиация транспорти қатнови бўйича кўрилган зарарларни қоплаш учун харажатлар** | 2 900,0 | 775,1 | 26,7 | Фарғона шаҳридан Сўх туманига кичик авиация транспорти қатнови режадаги 547 та ўрнига 322 та қатновлар амалга оширилганлиги сабабли кўрилган зарарлар, ташувчи томонидан тақдим қилинган ҳисоб-китобларга мувофиқ 26,7 фоизни ташкил қилди. |
| | *объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар* | 159 627,5 | 87 678,7 | 54,9 | |
| | Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармасига трансфертлар | 4 381 951,4 | 3 828 500,0 | 87,4 | |
| **10.** | **Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги** | **398 909,0** | **298 619,3** | **74,9** | |
| | шу жумладан: | | | | |
| | жорий харажатлар | 354 580,1 | 267 958,0 | 75,6 | |
| | шундан: | | | | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 121 876,7 | 59 332,2 | 48,7 | |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Ижро | Бажари-лиши (фоизда) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| | *Қўмита тизимидаги таҳлилий лабораторияларнинг моддий-техник базасини такомиллаштириш учун харажатлар* | 27 461,0 | 1 877,8 | 6,8 | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги "Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази" ДУК томонидан 12.09.2023 йилда 22,8 млрд сўмга тендер хулосалар тақдим қилинди, etender.uzex.uz сайтида тендер эълон қилинган бўлиб хозирги кунда комиссия таркиби кўриб чиқмоқда. |
| | ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва чиқиндиларни утилизация қилиш жойларининг давлат кадастрларини юритиш учун харажатлар | 5 493,5 | 2 198,3 | 40,0 | Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва чиқиндиларни утилизация қилиш жойларининг давлат кадастрларини юритиш дастури бўйича 5492,3 млн сўмга шартнома имзоланган бўлиб, 30 фоиз аванс маблағлари молиялаштирилган, қолган маблағлар бажарилган ишларга мувофиқ молиялаштирилади |
| | Қўмита тизимидаги муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун харажатлар | 9 710,0 | 4 462,8 | 46,0 | Муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш дастури доирасида 2023 йил октябрь ойида 3 792,2 млн сўмлик шартномалар тузилди, маблағлар йил охирига қадар молиялаштирилади |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Ижро | Бажари-лиши (фоизда) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| | суғориладиган ерларнинг шамол эрозиясига ва сув хўжалиги объектларининг қум босишига қарши иҳота дарахтзорлари барпо этиш учун харажатлар | 75 191,6 | 49 880,3 | 66,3 | Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 июндаги 422-сонли қарорининг иловасига мувофиқ тасдиқланган Низомнинг 28-бандида пудрат ишларини молиялаштириш буюртмачи ва бош пудратчи ўртасида тузилган шартномалар асосида ва ҳар бир объект бўйича амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган. Жумладан, иҳота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш ишларини бажаришнинг биринчи ойида молиялаштириш жадвалига кўра аниқланган ишлар қийматининг 30 фоизи миқдорида аванс; лойиҳа қийматининг қолган 70 фоизи кўчатларнинг кўкариши 80 фоиз ва ундан юқори бўлганда ишлар ҳажми қабул қилингандан сўнг амалга оширилиши белгиланган.<br>Республикамизда кўчатлар бахор ва куз мавсумларида экилишини инобатга олиб, 2023 йил куз мавсумида 500 гектар ихота дарахтзорлари барпо этиш ишлари амалга оширилади. |
| | «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасидаги харажатлар | 4 020,0 | 913,0 | 22,7 | Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 22 сентябрдаги 604-F/9-сонли фармойишига асосан "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасига ажратилган маблағларнинг ишлатиш йўналишлари белгилаб берилган. Бугунги кунда, объектларни лойиҳа смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, экспертизадан |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Ижро | Бажари-лиши (фоизда) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | ўтказилган. Ўрмон хўжалиги агентлиги ҳамда пудратчилар ўртасида шартномалар тузилган. |
| | **шу жумладан қайта тақсимланадиган маблағлар:** | | | | |
| | *санитар тозалаш ишларини ташкил этиш ва аҳоли пунктларида тозаликни таъминлаш билан боғлиқ харажатлар* | 0,6 | 0,0 | 0,0 | |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 29 328,9 | 15 661,3 | 53,4 | Дастурга киритилган 5 та объектларда жами 30 227,0 млн сўмлик пудрат шартномалари расмийлаштирилган, шундан 15 443,4 млн. сўми молиялаштирилди. Қолган маблағлар бажарилган ишларига нисбатан молиялаштирилади. |
| | Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармасига трансфертлар | 15 000,0 | 15 000,0 | 100,0 | |
| **11.** | **Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги** | **874 255,6** | **807 394,8** | **92,4** | |
| | шу жумладан: | | | | |
| | жорий харажатлар | 871 088,7 | 804 328,3 | 92,3 | |
| | шундан: | | | | |
| | **ривожлантириш дастурлари учун харажатлар** | 843 800,0 | 780 662,7 | 92,5 | |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Ижро | Бажари-лиши (фоизда) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| | *геология қидирув ишларига субсидиялар* | 843 800,0 | 780 662,7 | 92,5 | Сентябрь ойида бажарилган геология-қидирув ишларини молиялаштириш октябрь ойида амалга оширилиши муносабати билан III-чорак аниқланган режага нисбатан касса харажатлари 92,5% ни ташкил этмоқда. Сентябрь ойида бажарилган ишлар октябрь ойининг биринчи ярмида тўлиқ молиялаштирилиб берилган. |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 3 167,0 | 3 066,5 | 96,8 | |
| **12.** | **Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги** | **1 196 531,2** | **1 098 780,0** | **91,8** | |
| | шу жумладан: | | | | |
| | жорий харажатлар | 971 966,9 | 909 019,0 | 93,5 | |
| | шундан: | | | | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 632 871,6 | 588 351,6 | 93,0 | |
| | Олимпия ўйинларига самарали тайёргарлик кўриш учун харажатлар | 181 000,0 | 181 000,0 | 100,0 | |
| | Паралимпия ўйинларига самарали тайёргарлик кўриш учун харажатлар | 31 471,6 | 31 471,6 | 100,0 | |
| | спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасига киритилган тадбирлар учун харажатлар | 171 450,0 | 169 571,5 | 98,9 | |
| | юриш, югуриш, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол ва «Workout» спорт турларини оммавийлаштириш ва | 37 500,0 | 37 500,0 | 100,0 | |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Ижро | Бажари-лиши (фоизда) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| | ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун харажатлар | | | | |
| | спорт мактаблари тиббиёт хоналарини замонавий асбоб-ускуналар, дори-дармон ва тикланиш воситалари билан жиҳозлаш, замонавий ўқув адабиётларини чоп этиш ва харид қилиш, спорт мактаблари шуғулланувчиларини (терма жамоаларини) махсус спорт кийимлари (экипировкалар) билан таъминлаш харажатлари | 30 000,0 | 8 174,3 | 27,2 | |
| | «Беш ташаббус олимпиадаси» доирасидаги спорт мусобақаларини тизимли ташкил этиш ва ўтказиш учун харажатлар | 22 750,0 | 20 438,4 | 89,8 | |
| | *«Халқаро Кураш ассоциацияси» фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун харажатлар* | 8 700,0 | 8 695,9 | 100,0 | |
| | *ёшларнинг бандлигига кўмаклашиш ва уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш учун субсидиялар* | 112 500,0 | 106 500,0 | 94,7 | |
| | *«Заковат» интеллектуал клуби харажатлари* | 37 500,0 | 25 000,0 | 66,7 | |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 224 564,2 | 189 761,0 | 84,5 | Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 28 июлдаги 316-сонли қарорига асосан Андижон ҳамда Бухоро шаҳарларида универсал спорт мажмуаларини қуриш объектларининг лойиҳа-смета ҳужжатларига футзал бўйича Жахон чемпионатини ўтказиш учун ушбу объектларнинг халқаро стандарт мослаш учун ўзгартиришлар киритилмоқда. |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Ижро | Бажари-лиши (фоизда) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| **13.** | **Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси** | **6 642,1** | **6 597,9** | **99,3** | |
| | **шу жумладан:** | | | | |
| | *жорий харажатлар* | 6 642,1 | 6 597,9 | 99,3 | |
| **14.** | **Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги** | **10 501,6** | **9 808,5** | **93,4** | |
| | **шу жумладан:** | | | | |
| | *жорий харажатлар* | 10 501,6 | 9 808,5 | 93,4 | |
| **15.** | **Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги** | **859 437,4** | **804 332,3** | **93,6** | |
| | шу жумладан: | | | | |
| | жорий харажатлар | 421 545,4 | 397 864,2 | 94,4 | |
| | шундан: | | | | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 47 860,9 | 28 360,9 | 59,3 | |
| | «Нуроний» жамғармаси маблағларини шакллантириш | 12 500,0 | 12 500,0 | 100,0 | |
| | *«Обод ва хавфсиз маҳалла» жамғармаси маблағларини шакллантириш* | 19 500,0 | 0,0 | 0,0 | |
| | «Оила ва хотин-қизлар» илмий-тадқиқот институтининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда илмий-амалий лойиҳалари учун харажатлар | 9 132,0 | 9 132,0 | 100,0 | |
| | ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини янада яхшилаш учун харажатлар | 6 728,9 | 6 728,9 | 100,0 | |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Ижро | Бажари-лиши (фоизда) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 26 892,0 | 17 468,0 | 65,0 | Объекларда танлов(тендер) савдолари жорий йилнинг 6 ойлигида ўтказилганлини ҳамда буюртмачи ташкилотлари томонидан ишлари тўғри ташкиллаштирилмаганлиги сабабли қурилиш-монтаж ишлари тасдиқланган графикдан ортда қолган. Йил якунига қадар маблағлар тўлиқ ўзлаштирилиши таъминланади. |
| | *Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига трансфертлар* | 240 000,0 | 235 000,0 | 97,9 | |
| | Жамоат ишлари жамғармасига трансфертлар | 36 000,0 | 36 000,0 | 100,0 | |
| | Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармасига трансфертлар | 105 000,0 | 105 000,0 | 100,0 | |
| | Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасига трансфертлар | 30 000,0 | 13 000,0 | 43,3 | |
| **16.** | **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги** | **153 286,6** | **152 862,3** | **99,7** | |
| | шу жумладан: | | | | |
| | жорий харажатлар | 153 286,6 | 152 862,3 | 99,7 | |
| | шундан: | | | | |
| | **ривожлантириш дастурлари учун харажатлар** | 10 000,0 | 10 000,0 | 100,0 | |
| | *аҳолини ва қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларини амалга ошириш учун харажатлар* | 10 000,0 | 10 000,0 | 100,0 | |
| **17.** | **Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги** | **516 181,1** | **460 093,3** | **89,1** | |
| | шу жумладан: | | | | |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Ижро | Бажари-лиши (фоизда) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| | *жорий харажатлар* | 452 087,2 | 398 848,9 | 88,2 | |
| | шундан: | | | | |
| | Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларини сақлаш харажатлар | 245 677,7 | 228 622,0 | 93,1 | |
| | шу жумладан: | | | | |
| | Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари | 245 677,7 | 228 622,0 | 93,1 | |
| | **ривожлантириш дастурлари учун харажатлар** | 17 565,7 | 17 257,7 | 98,2 | |
| | *Ўзбекистон Республикаси делегацияларининг хорижий мамлакатларга ташрифларини ҳамда чет эл делегацияларини, давлат ва сиёсий арбобларини қабул қилиш билан боғлиқ харажатлар* | 17 565,7 | 17 257,7 | 98,2 | |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 64 093,9 | 61 244,4 | 95,6 | |
| **18.** | **Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги** | **786 716,2** | **743 727,5** | **94,5** | |
| | шу жумладан: | | | | |
| | жорий харажатлар | 786 716,2 | 743 727,5 | 94,5 | |
| | шундан: | | | | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 552 460,9 | 534 130,2 | 96,7 | |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Ижро | Бажарилиши (фоизда) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| | Ўзбекистон Республикаси делегацияларининг хорижий мамлакатларга ташрифларини ҳамда чет эл делегацияларини, давлат ва сиёсий арбобларини қабул қилиш билан боғлиқ харажатлар | 19 477,9 | 18 740,6 | 96,2 | |
| | Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш учун бюджетдан ажратиладиган маблағлар | 191 283,0 | 175 927,5 | 92,0 | Экспортни қўллаб-қувватлаш бўйича Ҳукумат комиссиясининг 2023 йил 11 мартдаги 17-сон баёнига асосан 60 та ҳудудни ривожлантириш учун шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 826-сонли қарорига асосан Экспортни қўллаб-кувватлаш бўйича ажратилган маблағлардан фойдаланиш учун давлат харидлари тўғрисидаги қонунга асосан шартномалар имзоланган ва шартномаларга асосан аванс тўловлари тўлаб берилган. Шартномалар бўйича ишлар тўлиқ бажарилганидан кейин шартномаларнинг қолган 70% маблағлари ўрнатилган тартибда тўлаб берилади ва ажратилган маблағлар тўлиқ ўзлаштирилади. |
| | экспорт қилишда транспорт харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш учун харажатлар | 305 200,0 | 305 178,9 | 100,0 | |
| | **экспорт қилувчилар гаров сифатида суғурта хизматларидан фойдаланганда, суғурта мукофотини тўлаш бўйича харажатларни компенсация қилиш учун бюджетдан ажратиладиган маблағлар** | 36 500,0 | 34 283,1 | 93,9 | Экспорт қилувчи ташкилотлардан 2023 йил 3-чорагида 34,3 млрд. сўмлик аризалар келиб тушган бўлиб, ушбу аризаларга асосан харажатлар тўлиқ қоплаб берилган. |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Ижро | Бажари-лиши (фоизда) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | 3-чоракда ўзлаштирилмай қолган маблағлар 2023 йил якунига қадар келиб тушаётган аризаларга асосан тўлаб берилиши кутилмоқда. |
| **19.** | **Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги** | **257 211,3** | **176 437,7** | **68,6** | |
| | шу жумладан: | | | | |
| | жорий харажатлар | 257 211,3 | 176 437,7 | 68,6 | |
| | шундан: | | | | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 2 730,0 | 977,9 | 35,8 | Режага асосан жами чорак кесмида 275 нафар ёшларнинг Халқаро даражадаги ИТ сертификатларни олиш учун харажатларини 50 фоизини қоплаб бериш кўзда тутилган бўлиб, 501 нафар талабгорларнинг Халқаро даражадаги ИТ сертификатларни олиш учун харажатларини 50 фоизи қоплаб берилди. Талабгорлар томонидан дастлаб кўзда тутилган нархлардагидан етарлича арзон қийматдаги Халқаро даражадаги ИТ сертификатлар тақдим этилганлиги ҳисобига белгиланган маблағлар тўлиқ ўзлаштирилмади. |
| | **ёшларнинг халқаро IT сертификатларини олиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш учун харажатлар** | 2 730,0 | 977,9 | 35,8 | |
| **20.** | **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги** | **179 526,3** | **168 107,0** | **93,6** | |
| | **шу жумладан:** | | | | |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Ижро | Бажари-лиши (фоизда) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| | *жорий харажатлар* | 179 526,3 | 168 107,0 | 93,6 | |
| **21.** | **Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги** | **62 722 468,8** | **60 428 770,1** | **96,3** | |
| | шу жумладан: | | | | |
| | жорий харажатлар | 27 327 557,3 | 25 758 585,8 | 94,3 | |
| | шундан: | | | | |
| | аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурларини молиялаштириш учун харажатлар | 655 746,0 | 633 939,9 | 96,7 | |
| | давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича фоиз тўловлари учун харажатлар | 5 429 519,6 | 5 099 087,4 | 93,9 | |
| | бюджет тақчиллигини қоплаш ёки давлат дастурларини молиялаштириш учун жалб қилинган чет эл валютасидаги маблағларнинг валюта хатарларини бошқариш мақсадида амалга ошириладиган хеджирлаш операцияларига оид харажатлар | 23 992,3 | 23 958,0 | 99,9 | |
| | бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўйича ижтимоий харажатлар | 4 587 218,0 | 4 586 520,4 | 100,0 | |
| | болали оилаларга нафақа, болани парвариш қилиш нафақаси ва моддий ёрдам тўлаш бўйича Халқ банки бўлинмалари (филиаллари) хизматларига ҳақ тўлаш учун харажатлар | 23 291,0 | 13 506,4 | 58,0 | Ўтган 9 ойда (2022 йил 4 чорак, 2023 йил 1-2 чорак) жами 9 362,6 млрд сўмлик ижтимоий нафақалар тўланган бўлиб, шундан 1 350,6 млрд сўм нақд пул кўринишида тўлаб берилган. Шунга кўра Халқ банки хизматлари учун харажатлари 13,5 млрд сўмни ташкил этди.<br>Амалдаги тартибга мувофиқ, банк пластик картаси бор нафақа олувчиларга нафақа |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Ижро | Бажари-лиши (фоизда) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | тўловлари пластик карта орқали тўлаб берилади.<br>Нақд пулсиз кўринишда (пластик карта орқлаи) нафақа олувчилар сони кўпайганлиги сабабли Халқ банки хизматлари учун харажатлар миқдори камайган. |
| | қишлоқ хўжалиги корхоналарига қишлоқ хўжалик техникасини харид қилишга ажратилган лизинг ёки кредитлар бўйича фоизларни қоплаш учун харажатлар | 42 500,0 | 23 149,9 | 54,5 | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.07.2019 йилаги 578-сон қарорига асосан кредит ёки лизинг шартнома тўлов шартлари бўйича ўз тўлов мажбуриятини бажарган қишлоқ хўжалиги корхонасига давлат томонидан субсидия ажратилиши белгиланган.<br>Биргина "Ўзагролизинг" АЖ томонидан лизинг шартларида берилган техникалар бўйича 3та чоракда 264 дона техникалар учун ўзиги тегишли лизинг тўлов мажбуриятини тўламаганлиги сабабли, 7,4 млрд.сўм субсидия ажратилмаган.<br>Шунингдек, қишлоқ хўжалигига техникалар харидини молиялаштириш учун давлат томонидан имтиёзли ресурслар ажратилганлиги сабабли, тижорат кредит ва лизингга бўлган талаб камайган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.03.2023 йилдаги ПҚ-103-сон қарорига асосан Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги томонидан "Агробанк" АТБга 10 йил муддатга фоиз ставкаси 7 фоиз миқдорида 515 млрд.сўм |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Ижро | Бажари-лиши (фоизда) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | (шундан "Ўзагролизинг АЖга 120 млрд,сўм) техникалар харидини кредитлаш учун депозитга маблағар жойлаштирилди. |
| | Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-кувватлаш жамғармасига молиявий тақчилликни бартараф этиш учун жалб этилган маблағлар, шу жумладан бюджет ссудаси ва тижорат банкларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш харажатларини молиялаштириш учун жойлаштирилган ресурсларнинг фоиз ставкалари ўртасида юзага келадиган салбий тафовутни ҳамда пахта хом-ашёсини машинада териш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун маблағлар | 556 307,0 | 383 527,3 | 68,9 | Жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига (ўтган 9 ойида) Жамғармага режага нисбатан бюджет ссудаси 1,2 трлн сўм кам жалб қилинганлиги ҳисобига Жамғарма томонидан тижорат банкларига жойлаштирилган ресурсларнинг фоиз ставкалари ўртасида юзага келган салбий тафовут миқдори камайган.<br>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 ноябрдаги 666-сон қарорига асосан 2023 йил пахта хом ашёсини машинада териш харажатларини қисман қоплаб бериш пахта йиғим-терими тугагандан сўнг (ноябрь-декабрь) хўжаликларга хизмат кўрсатувчи тижорат банклари орқали (103,5 млрд.сўм режа) қоплаб берилади. |
| | иш берувчиларга олти ой давомида узлуксиз меҳнат фаолиятини амалга ошириши шарти билан 25 ёшдан ошмаган ходимлар учун тўланадиган ижтимоий солиқ суммаси бўйича харажатлар | 83 000,0 | 59 909,7 | 72,2 | |
| | *«Ипотека банк» АТБга субординар қарз маблағларини ажратиш* | 297 500,0 | 285 825,0 | 96,1 | |
| | Молия вазирлиги ва унинг тузилмасига кирувчи ташкилотларнинг жорий харажатлари ва бошқалар | 330 471,7 | 201 806,3 | 61,1 | |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Ижро | Бажари-лиши (фоизда) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| | ички бозорда табиий газни улгуржи сотиб олиш ва сотиш бўйича ихтисослаштирилган компания зарарларини қоплаш ва жорий фаолиятини молиялаштириш учун харажатлар | 12 796 140,0 | 12 024 471,5 | 94,0 | |
| | *маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш харажатлари* | 67 700,0 | 33 199,8 | 49,0 | Кадастр агентлиги жорий йил 9 ойликда 67,7 млрд.сўм режалаштирилган бўлиб, 33,2 млрд.сўм касса харажати амалга оширилган. 53,4 млрд.сўмга шартнома тузилган бўлиб амалда бажарилган ишлар далолатномаси бўйича маблағлар молиялаштирилмоқда.<br>Йил якунига қадар бюджетдан ажратилган маблағларга шартномалар тўлиқ тузилиб, бажарилган ишлар далолатномаси бўйича маблағлар тўлиқ ўзлаштирилади. |
| | *объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар* | 4 166,9 | 0,0 | 0,0 | |
| | шу жумладан қайта тақсимланадиган маблағлар: | | | | |
| | махсус иқтисодий зоналар, кичик саноат зоналари, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ҳамда тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш учун харажатлар | 4 166,9 | 0,0 | 0,0 | 1. Ушбу маблағлар махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ташқи инфразутилма билан таъминлаш бўйича аввалги йилларда қурилиш монтаж ишлари якунланган инфратузилма объектларининг 5 фоизли кредитор қарзорликларини қоплаш учун кўзда тутилган бўлиб, кафолат муддати жорий йил октябрь ойида якунланиши муносабати билан ўзлаштирилмай қолган. |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Ижро | Бажари-лиши (фоизда) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | 2. Йил якунига кўра ушбу маблағлар тўлиқ молиялаштирилади. |
| | **бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига трансфертлар** | **10 520 000,0** | **10 520 000,0** | **100,0** | |
| | **Таълим кредитини молиялаштириш жамғармасига трансфертлар** | **1 442 914,0** | **1 237 914,0** | **85,8** | |
| | **Давлат тиббий суғуртаси жамғармасига трансфертлар** | **581 347,5** | **395 745,6** | **68,1** | |
| | **Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига трансфертлар** | **815 000,0** | **815 000,0** | **100,0** | |
| | **Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи трансфертлар** | **21 684 530,7** | **21 511 825,0** | **99,2** | |
| | **қайта тақсимланадиган маблағлар** | **346 952,3** | **189 699,7** | **54,7** | |
| | хусусий секторда ишловчи аёлларнинг ҳомиладорлик нафақа пулини бюджет маблағлари ҳисобидан тўлаб бериш | 150 000,0 | 30 000,0 | 20,0 | Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 сентябрдаги 515-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга асосан, хусусий секторда ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Ижро | Бажари-лиши (фоизда) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | фуқароларнинг мурожаатларисиз “проактив шакл”да тайинланади ва тўлаб берилади. Юқоридаги тартибга мувофиқ белгиланган мезонларга мос бўлгандагина ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тайинланади ва тўланади. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали 2023 йилнинг ўтган 9 ойида жами 12,1 минг ҳомиладор аёллар белгиланган мезонларга мос келганлиги сабабли 24,6 млрд сўмлик нафақалар тўлаб берилган. |
| | Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича халқаро ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилган, келгусида Давлат бюджетидан сўндириладиган қарзлар (кредитлар) ҳамда грант маблағлари ҳисобидан амалга оширилган лойиҳалар бўйича қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи тўловлари билан боғлиқ харажатлар | 91 451,7 | 76 887,0 | 84,1 | |
| | етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш учун харажатлар | 0,6 | 0,0 | 0,0 | |
| | аҳоли томорқаларини суғориш учун ер ости сувларига қудуқларни бурғилаш харажатларининг бир қисмини қоплашга субсидиялар | 75 000,0 | 52 448,7 | 69,9 | Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан Жамғарма томонидан ажратилган субсидия маблағларининг сарфланиши юзасидан 2023 йил 4 сентябрдан 11 октябрга қадар молиявий ва самарадорлик аудити ўтказилиб, субсидия ажратишга асос бўлувчи |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Ижро | Бажарилиши (фоизда) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | ҳужжатлар, қазилган қудуқларнинг жорий ҳолати ва самарадорлиги ўрганилди.<br>Йўл қўйилаётган камчиликларга аниқлик киритиш, бартараф этиш ҳамда келгусида уларни олдини олиш мақсадида ўрганиш олиб борилган сентябр ойи ва октябр ойининг 1 ярмида Жамғарма томонидан субсидия маблағларини ажратилиши вақтинчалик муддатидан кечикиши кузатилди.<br>Шунга кўра, 2023 йил 1, 3-чораклар учун ажратилган 75,0 млрд.сўм маблағдан Жамғарма томонидан 330 та МФЙларда 106 та кичик ва 370 та катта, жами 476 та қудуқларни бурғулаш харажатларини қоплашга 52,6 млрд сўми (70,1 фоиз) субсидия сифатида ажратилди.<br>Бугунги кунда Платформада 77 та (77*150 млн.сўм=11,6 млрд.сўм) қудуқ ҳужжатлари киритилган, 189 та (189*150 млн.сўм=28,4 млрд.сўм) қудуқ қазилиб, платформага киритишга тайёр турибди, 50 та қудуқ бўйича зарур рухсат олувчи хужжатлар расмийлаштириб, қазиш ишлари бошланган ва йил охирига қадар (50*150 млн.сўм=7,5 млрд.сўм) Кенгаш ҳузуридаги Жамғармага ажратилган 100 млрд.сўм пул маблағлари тўлиқ ўзлаштирилади. |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Ижро | Бажарилиши (фоизда) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| | *қишлоқ хўжалиги техникалари ва лазерли текислаш ускуналари ҳамда дон уруғ сеялкаларини харид қилишда техника қийматини қисман қоплаб бериш учун субсидиялар* | 30 500,0 | 30 364,0 | 99,6 | |
| **22.** | **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** | **933 050,9** | **793 044,0** | **85,0** | |
| | шу жумладан: | | | | |
| | жорий харажатлар | 498 050,9 | 482 199,1 | 96,8 | |
| | шундан: | | | | |
| | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси | 43 329,4 | 26 035,9 | 60,1 | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 153 750,0 | 153 750,0 | 100,0 | |
| | Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш | 153 750,0 | 153 750,0 | 100,0 | |
| | Жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармага трансфертлар | 435 000,0 | 310 844,9 | 71,5 | |
| **23.** | **Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси** | **1 111 293,0** | **1 043 945,6** | **93,9** | |
| | шу жумладан: | | | | |
| | жорий харажатлар | 960 459,0 | 893 198,9 | 93,0 | |
| | шундан: | | | | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 15 000,0 | 15 000,0 | 100,0 | |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Ижро | Бажари-лиши (фоизда) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| | *Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси учун ажратиладиган маблағлар* | 15 000,0 | 15 000,0 | 100,0 | |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 150 834,0 | 150 746,6 | 99,9 | |
| **24.** | **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги** | **248 327,0** | **224 400,8** | **90,4** | |
| | шу жумладан: | | | | |
| | жорий харажатлар | 57 032,3 | 54 923,9 | 96,3 | |
| | «Эл-юрт умиди» жамғармасига трансфертлар | 191 294,7 | 169 476,9 | 88,6 | |
| **25.** | **Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси** | **67 419,7** | **63 750,4** | **94,6** | |
| | **шу жумладан:** | | | | |
| | *жорий харажатлар* | 67 419,7 | 63 750,4 | 94,6 | |
| **26.** | **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати** | **68 918,1** | **67 269,1** | **97,6** | |
| | **шу жумладан:** | | | | |
| | *жорий харажатлар* | 68 918,1 | 67 269,1 | 97,6 | |
| **27.** | **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси** | **349 110,3** | **331 338,3** | **94,9** | |
| | шу жумладан: | | | | |
| | жорий харажатлар | 349 110,3 | 331 338,3 | 94,9 | |
| | **шундан:** | | | | |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Ижро | Бажарилиши (фоизда) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| | *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди* | 189 906,7 | 189 906,7 | 100,0 | |
| **28.** | **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)** | **10 353,8** | **10 328,3** | **99,8** | |
| | **шу жумладан:** | | | | |
| | *жорий харажатлар* | 10 353,8 | 10 328,3 | 99,8 | |
| | шундан: | | | | |
| **29.** | **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани)** | **0,0** | **0,0** | **0,0** | |
| **30.** | **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси** | **1 419 278,1** | **1 290 378,3** | **90,9** | |
| | **шу жумладан:** | | | | |
| | *жорий харажатлар* | 1 352 464,0 | 1 230 422,1 | 91,0 | |
| | шундан: | | | | |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 66 814,1 | 59 956,2 | 89,7 | Баъзи ҳудудларда иш фронти етишмовчилиги юзага келганлиги сабабли қурилиш-монтаж ишлари тасдиқланган графикдан ортда қолган. Йил якунига қадар маблағлар тўлиқ ўзлаштирилиши таъминланади. |
| **31.** | **Ўзбекистон Республикаси Олий суди** | **1 097 661,7** | **1 054 180,6** | **96,0** | |
| | **шу жумладан:** | | | | |
| | *жорий харажатлар* | 1 023 856,6 | 988 964,1 | 96,6 | |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Ижро | Бажари-лиши (фоизда) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 73 805,1 | 65 216,5 | 88,4 | Баъзи ҳудудларда иш фронти етишмовчилиги юзага келганлиги сабабли қурилиш-монтаж ишлари тасдиқланган графикдан ортда қолган. Жорий йилнинг 10 ойлик ижроси бўйича ушбу маблағ тўлиқ ўзлаштирилади. |
| **32.** | **Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди** | **7 771,3** | **6 913,9** | **89,0** | |
| | **шу жумладан:** | | | | |
| | *жорий харажатлар* | 7 771,3 | 6 913,9 | 89,0 | Штат жадвалида вакант штат бирликлари мавжудлиги ҳисобига ажратилган маблағларга нисбатан кам маблағ ўзлаштирилган. |
| | шундан: | | | | |
| **33.** | **Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий кенгаши** | **31 960,5** | **27 642,2** | **86,5** | |
| | **шу жумладан:** | | | | |
| | *жорий харажатлар* | 31 960,5 | 27 642,2 | 86,5 | Судьялар Олий кенгаши ходимлари муддатида мехнат таътилига чиқмаганликлари хамда вакант штат бирликлари мавжудлиги ҳисобига ажратилган маблағларга нисбатан кам маблағ ўзлаштирилган. |
| | шундан: | | | | |
| **34.** | **Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги** | **20 157,2** | **19 967,2** | **99,1** | |
| | **шу жумладан:** | | | | |
| | *жорий харажатлар* | 19 535,7 | 19 345,7 | 99,0 | |
| | шундан: | | | | |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Ижро | Бажари-лиши (фоизда) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 621,5 | 621,5 | 100,0 | |
| **35.** | **Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси** | **364 681,5** | **341 826,2** | **93,7** | |
| | **шу жумладан:** | | | | |
| | *жорий харажатлар* | 364 681,5 | 341 826,2 | 93,7 | |
| | шундан: | | | | |
| **36.** | **Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси** | **412 830,4** | **367 071,7** | **88,9** | |
| | **шу жумладан:** | | | | |
| | *жорий харажатлар* | 354 830,4 | 349 680,0 | 98,5 | |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 58 000,0 | 17 391,6 | 30,0 | Дастур доирасида Жиззах вилоят телерадиокомпаниясини замонавий студия ва кўчма телевизион станция билан жиҳозлаш ишлари учун аванс тўловлари амалга оширилган.<br>Бугунги кунда, жиҳозларни импорт қилиш ҳамда ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда. Йил якунига қадар маблағлар тўлиқ ўзлаштирилиши таъминланади. |
| **37.** | **Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги** | **25 138,3** | **24 985,1** | **99,4** | |
| | **шу жумладан:** | | | | |
| | *жорий харажатлар* | 25 138,3 | 24 985,1 | 99,4 | |
| **38.** | **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлиги** | **22 471,6** | **22 281,8** | **99,2** | |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Ижро | Бажари-лиши (фоизда) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| | **шу жумладан:** | | | | |
| | *жорий харажатлар* | 22 471,6 | 22 281,8 | 99,2 | |
| **39.** | **Республика маънавият ва маърифат маркази** | **51 977,7** | **51 250,3** | **98,6** | |
| | шу жумладан: | | | | |
| | жорий харажатлар | 51 977,7 | 51 250,3 | 98,6 | |
| | шундан: | | | | |
| | **ривожлантириш дастурлари учун харажатлар** | 38 500,0 | 38 500,0 | 100,0 | |
| | *Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармасига бюджетдан ажратиладиган маблағлар* | 38 500,0 | 38 500,0 | 100,0 | |
| **40.** | **Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази** | **10 762,2** | **10 494,2** | **97,5** | |
| | **шу жумладан:** | | | | |
| | *жорий харажатлар* | 10 762,2 | 10 494,2 | 97,5 | |
| **41.** | **Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси** | **282 598,5** | **261 993,3** | **92,7** | |
| | **шу жумладан:** | | | | |
| | *жорий харажатлар* | 264 291,5 | 250 955,2 | 95,0 | |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 18 307,0 | 11 038,1 | 60,3 | Қорақалпоғистон табиий фанлар илмий-тадкикот институт биносини мукаммал таъмирлаш, Хоразм вилоятидаги Хоразм Маъмун академияси лаборатория биносини куриш объектларининг тендер савдолари бугуни кунгача ўтказилмаган. (Буюртмачи |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Ижро | Бажари-лиши (фоизда) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | ташкилот-Фанлар Академияси Инком капитал қурилиш ИК) |
| **42.** | **Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши** | **150 000,0** | **150 000,0** | **100,0** | |
| | **шу жумладан:** | | | | |
| | *жорий харажатлар* | 150 000,0 | 150 000,0 | 100,0 | |
| **43.** | **«Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси** | **580,0** | **419,5** | **72,3** | |
| | **шу жумладан:** | | | | |
| | *жорий харажатлар* | 580,0 | 419,5 | 72,3 | |
| **44.** | **Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази** | **7 043,3** | **6 071,5** | **86,2** | |
| | **шу жумладан:** | | | | |
| | *жорий харажатлар* | 7 043,3 | 6 071,5 | 86,2 | |
| **45.** | **Миллий антидопинг агентлиги** | **4 487,6** | **2 912,3** | **64,9** | |
| | *шу жумладан:* | | | | |
| | жорий харажатлар | 4 487,6 | 2 912,3 | 64,9 | |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | | | 0,0 | |
| **46.** | **Дин ишлари бўйича қўмита** | **30 916,1** | **30 853,0** | **99,8** | |
| | *шу жумладан:* | | | | |
| | жорий харажатлар | 30 916,1 | 30 853,0 | 99,8 | |
| **47.** | **Маданий мерос агентлиги** | **196 155,5** | **150 877,4** | **76,9** | |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Ижро | Бажарилиши (фоизда) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| | шу жумладан: | | | | |
| | жорий харажатлар | 111 847,9 | 88 850,3 | 79,4 | |
| | шундан: | | | | |
| | **ривожлантириш дастурлари учун харажатлар** | 51 468,6 | 30 868,4 | 60,0 | |
| | маданий мерос объектларини реставрация қилиш ва тиклаш, шунингдек археологик ишлар учун харажатлар | 50 599,3 | 30 398,4 | 60,1 | |
| | давлат музейларини моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун харажатлар | 869,3 | 470,0 | 54,1 | |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 84 307,6 | 62 027,1 | 160,0 | |
| **48.** | **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги** | 305 800,8 | 198 142,9 | 64,8 | |
| | *шу жумладан:* | | | | |
| | жорий харажатлар | 305 800,8 | 198 142,9 | 64,8 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 июндаги "Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида" ПФ-82-сон Фармонига мувофиқ Агентлик тизимига кирувчи ташкилотларни сақлаш билан боғлиқ харажатлар маҳаллий бюджетдан Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан молиялаштиришга ўтказилди. Шу билан бирга, Агентлик |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Ижро | Бажари-лиши (фоизда) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | тизимида янги ташкил этилган штатларни кадрлар билан тўлдириш жараёни вақт талаб этганлиги сабабли. |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | 1 683,0 | 0,0 | 0,0 | |
| | ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини янада яхшилаш учун харажатлар | 1 683,0 | 0,0 | 0,0 | |
| **49.** | **Бошқа ташкилотлар** | **31 221 206,9** | **29 598 112,3** | **94,8** | |
| | *шу жумладан:* | | | | |
| | жорий харажатлар | 30 240 426,8 | 28 721 917,6 | 95,0 | |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 980 780,1 | 876 194,7 | 89,3 | |

## III. “Ташаббусли бюджет” жараёни.

“Ташаббусли бюджет” жараёни жорий йилда икки мавсумда – феврал-апрель ва июль-сентябрь ойларида ўтказилди. Мавсумлар доирасида **9 444 та** маҳаллалардан жами **105,4 мингта** лойиҳалар келиб тушди. Шундан, лойиҳаларни саралаш босқичида туман ва шаҳарларда ташкил этилган ишчи гуруҳлар томонидан **67,2 мингта лойиҳалар овоз бериш жараёнига ўтказилди**.

Ҳудудлар кесимида овоз бериш босқичига ўтказилган энг кўп келиб тушган лойиҳалар **Сурхондарё вилоятида** – 10,2 мингта, **Қашқадарё вилоятида** – 7,0 мингта, **Наманган вилоятида** – 5,4 мингтани ташкил этди.

Соҳалар кесимида энг кўп лойиҳалар сифатида ҳудудий ички йўлларни таъмирлаш йўналиши қайд этилиб, ушбу йўналиш бўйича жами **22,1 мингта** лойиҳалар овоз бериш жараёнига ўтказилган ҳамда жами лойиҳалар сонига нисбатан **33 фоизни** ташкил этди.

Шунингдек, умумтаълим мактабларини таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича – 10,0 мингта (15%), кўча чироқларини ўрнатиш ҳамда электр энергия таъминоти билан боғлиқ лойиҳалар – 9,0 мингта (13%), мактабгача таълим ташкилотларини таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича – 4,8 мингта (7%) ҳамда тиббиёт ташкилотлари бўйича – 2,9 мингта (4%) лойиҳалар илгари сурилди.

*Маълумот учун, 2023 йилги туман ва шаҳар бюджетларида ташаббусли бюджет жараёнлари учун жами **2,0 трлн сўм** маблағ кўзда тутилган бўлиб, шундан 1 трлн сўми 1 мавсумда, қолган қисми 2 мавсумда ажратилди.*

*Бундан ташқари, қўшимча маблағларининг 30 фоизи ҳисобидан маҳаллий ҳокимликлар томонидан ажратилган ҳамда 1-мавсумда ҳар бири 2 мингдан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб деб топилмаган лойиҳалар учун қўшимча ажратилган маблағларни инобатга олган ҳолда жорий йилда хаммаси бўлиб **4,1 трлн сўм** маблағлар Фуқаролар ташаббуси жамғармасига йўналтирилди.*

Овоз бериш жараёни давомида фуқаролар томонидан жами **34 млндан** ортиқ, шундан 1-мавсумда **16 млн** (жами аҳоли сонига нисбатан 45 фоиз), 2-мавсумда **18 млн** (50 фоиз) овозлар берилди. Овоз бериш жараёнларида жами **8 878 та** маҳаллалар иштирок этди.

Мисол учун, Қашқадарё вилоятида – 818 та (жами маҳалла сонига нисбатан 99%), Бухоро вилоятида – 541 та (99%) ва Сурхондарё вилоятида 710 та (98%) маҳаллалар овоз бериш жараёнларида иштирок этди.

Овоз бериш жараёни якунларига кўра жорий йилда **3 494 та** маҳаллада (шундан 273 та маҳаллалар илк маротаба ғолиб бўлган) умумий қиймати **4,1 трлн сўмни** ташкил этган жами **4 183 та лойиҳалар ғолиб деб** топилди.

Ушбу лойиҳалар учун фуқаролар томонидан жами **18,4 млндан ортиқ овозлар берилган бўлиб**, умумий берилган овозларга нисбатан 54 фоизни ташкил этди.

8-жадвал

**Ташаббусли бюджет жараёни натижалари тўғрисида ҳудудлар кесимида**

| Т/р | Ҳудуд номи | 2023 йил жами | | | 1-мавсум | | | 2-мавсум | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Жами овоз сони (минг) | Ғолиб сони | Қий-мати *(млн сўм)* | Жами овоз сони (минг) | Ғолиб сони | Қиймати *(млн сўм)* | Жами овоз сони (минг) | Ғолиб сони | Қиймати *(млн сўм)* |
| | **ЖАМИ** | **34 245** | **4 184** | **4 119** | **16 130** | **2997** | **2 804,3** | **18 115** | **1187** | **1 314,6** |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 1 278 | 226 | 206 | 685 | **134** | 115,6 | 593 | **92** | 90,5 |
| 2 | Андижон вилояти | 2 933 | 298 | 328 | 1 282 | **215** | 228,0 | 1 651 | **83** | 100,0 |
| 3 | Бухоро вилояти | 1 931 | 297 | 268 | 960 | **223** | 187,1 | 971 | **74** | 80,6 |
| 4 | Жиззах вилояти | 1 405 | 200 | 214 | 757 | **150** | 153,9 | 648 | **50** | 60,1 |
| 5 | Қашқадарё вилояти | 4 323 | 361 | 410 | 2 068 | **261** | 284,9 | 2 255 | **100** | 125,4 |
| 6 | Навоий вилояти | 1 071 | 201 | 164 | 565 | **143** | 109,0 | 507 | **58** | 54,9 |
| 7 | Наманган вилояти | 3 025 | 425 | 373 | 1 519 | **341** | 272,9 | 1 506 | **84** | 100,2 |
| 8 | Самарқанд вилояти | 3 667 | 397 | 406 | 1 595 | **284** | 272,9 | 2 072 | **113** | 132,7 |
| 9 | Сирдарё вилояти | 2 044 | 194 | 153 | 340 | **117** | 55,3 | 1 704 | **77** | 97,7 |
| 10 | Сурхондарё вилояти | 1 668 | 286 | 262 | 1 321 | **213** | 222,4 | 348 | **73** | 39,7 |
| 11 | Тошкент вилояти | 2 317 | 362 | 339 | 1 227 | **240** | 218,5 | 1 090 | **122** | 120,5 |
| 12 | Фарғона вилояти | 5 004 | 432 | 490 | 2 222 | **335** | 367,8 | 2 782 | **97** | 122,4 |
| 13 | Хоразм вилояти | 2 040 | 238 | 241 | 933 | **172** | 159,6 | 1 107 | **66** | 81,4 |
| 14 | Тошкент шаҳри | 1 537 | 267 | 265 | 656 | **169** | 156,4 | 881 | **98** | 108,5 |

*Натижада, қиймати 1,2 трлн сўмлик 1 076 та **ички йўллар**, 1,4 трлн сўмлик 1605 та **мактаблар**, 591 млрд.сўмлик 595 та **тиббиёт ташкилотлари**, 150 млрд. сўмлик 184 та **мактабгача таълим ташкилотлари** ва 669 млрд. сўмлик 723 та объектларда таъмирлаш ва моддий техника базаси яхшиланишига эришилади.*

36-расм

**2023 йилда ғолиб бўлган лойиҳалар юзасидан соҳалар кесимида маълумот**




Бундан ташқари, Президентининг 2023 йил 10 апрелдаги ПҚ-117-сон қарорига кўра таълим ва тиббиёт йўналишидаги ҳар бири 1,5 мингдан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб деб топилмаган лойиҳаларни молиялаштириш учун тегишли вазирликлар томонидан маблағлар 2024 йил учун Давлат бюджетида кўзда тутилмоқда.

*Натижада, 164 та мактаб, 30 та боғча ва 32 та тиббиёт муассасаларида жиҳозлаш ишларини амалга ошириш учун қарийб 300 млрд сўм қўшимча маблағ ажратилади.*

**“Менинг йўлим” жараёни:** жорий йилда туман ва шаҳарлар бюджетларида ички йўлларни таъмирлаш харажатлари учун **640 млрд сўм** маблағ режалаштирилган бўлиб, шундан “Менинг йўлим” лойиҳаси доирасида аҳолининг таклифлари асосида энг долзарб деб топилган ички йўлларни таъмирлаш учун **312 млрд сўм** (ҳар бир туман ёки шаҳарда 3 млрд сўмдан) маблағ йўналтирилди.

Фуқароларнинг фаоллигини қўллаб-қувватлаш мақсадида айрим туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан “Менинг йўлим” лойиҳаси учун назарда тутилган маблағлар миқдори **50 фоиздан 100 фоизгача** оширилди.

Жумладан, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг барча туман ва шаҳарларида ҳудудий ички йўлларни таъмирлаш учун режалаштирилган маблағларнинг **70 фоиз қисми** *(2,1 млрд сўмдан)*;

Сурхондарё вилоятининг **Олтинсой, Ангор** ва **Бойсун** туманлари, Тошкент вилоятининг **Зангиота, Юқоричирчиқ, Қуйичирчиқ, Оҳангарон** ва **Пискент** туманлари ва **Оҳангарон** шаҳри, Фарғона вилоятининг **Бағдод, Бувайда, Данғара** туманлари, Қашқадарё вилоятининг **Китоб** туманида ажратилган маблағлар тўлиқ "Менинг йўлим" лойиҳасига йўналтирилди.

Республика бўйлаб фуқаролар томонидан хаммаси бўлиб **10,3 мингта лойиҳалар** илгари сурилди ва **овозга қўйилди**.

*Бунда республикамизнинг **5 162 та маҳаллалари** ўз лойиҳалари билан иштирок этдилар.*

Энг кўп лойиҳалар илгари сурилган ҳудудлар сифатида Самарқанд вилоятида - **1,3 минг**, Фарғона вилоятида - **1,1 минг**, Қашқадарё вилоятида - **1,0 минг**тани ташкил этди.

Овоз бериш жараёнида фуқаролар томонидан **8 млндан** ортиқ овоз берилди.

*Жумладан, Қашқадарё вилоятида **1,1 млн** (ҳудуд аҳолисига нисбатан **33 фоиз**), Самарқанд вилоятида **1 млн 64 минг** (**26 фоиз**), Фарғона вилоятида **897 минг** (**23 фоиз**) фуқаролар ўз лойиҳалари учун овоз бердилар.*

37-расм

**Келиб тушган лойиҳалар сони**




Овоз бериш жараёни якунларига кўра, республика бўйича **470 та** маҳалла фуқаролари томонидан илгари сурилган, **3,7 млн** фуқаро томонидан овоз берилган **517 та лойиҳалар ғолиб деб топилди**. Шулардан, **47 та** маҳалла **2** ва ундан ортиқ лойиҳалар бўйича ғолиб деб топилди.

38-расм

***Ғолиб лойиҳалар сони ҳудудлар кесимида***




*Ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда, Тошкен вилоятида -* ***55 та*** *лойиҳа (ғолиб маҳалла сони* ***53 та****), Қорақалпоғистон Республикасида* ***54 та*** *лойиҳа (****45 та****), Самарқанд вилоятида* ***40 та*** *лойиҳа (****35 та****) ғолиб деб топилган.*

Ушбу лойиҳалар учун туман (шаҳар)лар бюджетларида ички йўлларни таъмирлаш учун режалаштирилган маблағлар ҳисобидан **412,4 млрд сўм** маблағлар йўналтирилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-330-сон қарорига асосан 2024 йилдан бошлаб хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар кўчаларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун бюджет маблағлари фақат **“Менинг йўлим”** дастури орқали ажратилиши белгилаб берилди.

Ушбу мақсадларда 2024 йил Давлат бюджетида **800,0 млрд сўм** маблағлар кўзда тутилмоқда.

## IV. Маҳаллий бюджетлар ижроси

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг маҳаллий бюджет маблағларини бошқариш бўйича мустақиллигини ошириш, бюджет ижросини марказга боғлиқлигини кескин камайтириш жараёнларини чуқурлаштириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастурларини кафолатланган молиялаштириш манбалари билан таъминлаш, маҳаллий ҳокимликларни маҳаллий бюджетларни шакллантиришда ва маблағлардан самарали фойдаланишда масъулияти ва жавобгарлигини ошириш бўйича жорий йилнинг 9 ойи давомида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Ҳисобот даврида маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисми прогнозга нисбатан **106,0 фоизга** бажарилди ёки **39 791,6 млрд сўмни**, харажатлар қисми эса режага нисбатан **97,3 фоизга** ижро этилиб, **76 126,4 млрд сўмни** ташкил этди.

39-расм




Жорий йилнинг 9 ойлигида маҳаллий бюджетларнинг жами харажатлари ижроси **76 126,4 млрд сўмни** ташкил қилиб, соҳалар кесимида қуйидагича тақсимланади:

- Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари **42 078,6 млрд сўмга** ижро этилиб жами харажатдаги улуши **55,1%** ташкил этди;

- иқтисодиёт харажатлари **11 758,9 млрд сўм** *(15,4%)*;

- ивестиция харажатлари **14 464,7 млрд сўм** *(19,1%)*;

- Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари харажатлари **4 885,8 млрд сўм** *(6,4%)*;

- Ўзини-ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари **559,3 млрд сўм** *(0,7%)*;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туманлар бюджетларининг захира жамғармалари харажатлари **667,8 млрд сўм** *(0,9%)*;

- Давлат қарзига хизмат кўрсатиш харажатлари **169,2 млрд сўм** *(0,2%)*;

- Бошқа харажатлар **1 541,7 млрд сўм** *(2%).*

40-расм




Маҳаллий бюджетларнинг жорий йилнинг 9 ойлик харажатларининг ижроси ўтган йилги мос даврга нисбатан **125,7 фоизга** ўсган.

Маҳаллий бюджетлар мустақиллигини ошириш бўйича Ҳукуматимиз томонидан амалга оширилган амалий чора-тадбирлар натижасида 2023 йил 9 ойлик маҳаллий бюджетларнинг даромад кўрсаткичи **2 264,8 млрд сўм** ортиғи билан ижро этилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-813-сон Қонунига асосан мобил алоқа хизматлари, тамаки ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи бўйича тушумлар тегишинча 2023 йилнинг 1 октябр ҳолатига кўра Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри аҳолиси сонининг республика аҳолисидаги улушига мувофиқ тақсимланиши белгиланган бўлиб 2023 йил 9 ойлик ижроси давомида **3 912,1 млрд сўм** маблағ маҳаллий бюджетларга ўтказиб берилди.

Ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертларнинг **21 684,5 млрд сўм** белгиланган бўлиб ҳақиқатда **21 511,8 млрд сўм** ёки хисобот даврида белгиланган маблағлар **99,2 фоиз** ижро этилди.

I. **2023 йил 9 ойликда маҳаллий бюджетлар ижроси давомида шаклланган қўшимча манбалар ва уларнинг сарфланиши.**

2023 йил 9 ойлик ижроси давомида жами **5 897,6 млрд сўмлик** қўшимча манба шаклланди.

Ушбу маблағлар қуйидагилардан ташкил топди:

- 2023 йил бошига шаклланган эркин қолдиқ маблағлари **2 692 млрд сўм**;

- тўққиз ойликда даромадлар режасини ошириб бажарилган қисми **2 890,3 млрд сўм**;

шундан, 2023 йил тўққиз ойлик ижроси давомида айрим солиқ турларининг республика бюджетига ажратмалари ҳисобидан контингент тушумидан **751,3 млрд. сўм** қўшимча манбалар маҳаллий бюджетларга ўтказиб берилиши таъминланди.

Бундан ташқари давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан (мусодара) ҳамда ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сотишдан тушган пул маблағлари **315,3 млрд сўмни** ташкил этиб, мазкур даромадлар маҳаллий ҳокимият органларининг мустақил тассарруф этадиган қўшимча маблағлари сифатида шакллантирилди.

Ҳисобот даврида шаклланган қўшимча манбалар ҳисобидан тегишли вакиллик органларининг қарорлари асосида **4 950,2 млрд сўмлик** маблағлар ажратилган.

Хусусан, қуйидаги дастурларга маблағлар ажратилган:

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарор ва Фармонларига асосан ташкил этилган жамғармаларга 1 156,6 млрд сўм** маблағ ажратилган.

Қўшимча манбалардан йўналтирилган маблағлар йўналишлар кесимида қуйидагича:

- “Саховат ва кўмак” жамғармасига **106,2 млрд** сўм;

- “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” жамғармаларига **483,4 млрд** сўм;

- “Ҳарбий маъмурий секторларни ривожлантириш” жамғармасига **173,8 млрд сўм;**

- “Фуқаролар ташаббуси” (Openbudget) жамғармасига **536,9 млрд сўм**.

- ҳудудларни ободонлаштириш масалаларига **216,8 млрд сўм.**

- маданий-спорт тадбирлар, фестиваллар, умумхалқ ва миллий байрамларни ўтказиш тадбирларга **89,6 млрд сўм**.

- ҳокимликлар хўжалик харажатлари ва моддий базасини мустахкамлаш учун **112,8 млрд сўм** йўналтирилди.

II. **2023 йил 9 ойи давомида ер участкалари олиб қўйилган мулкдорларга етказилган зарарларни қопланиши бўйича.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулкий зарарларни компенсация қилиш бўйича республика мақсадли жамғармасининг 2023 йил 9 ой давомида республика бюджети параметрлари жамғарага ўтказилиши режалаштирилган **480,0 млрд сўм** трансферт маблағларидан жамғармага **310,8 млрд сўм** маблағ ўтказилиб, жами даромадлари **310,8 млрд сўм**ни ташкил этди.

Шаклланган маблағлар ҳисобидан Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ҳамда фармойишларига асосан республика ташаббуси билан мулкдорларга етказилган зарарларни қоплаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳудудий жамғармасига **248,1 млрд сўм,** Наманган вилояти ҳудудий жамғармасига **46,5 млрд сўм,** Сирдарё вилояти ҳудудий жамғармасига **10,0 млрд сўм** ҳамда Сурхондарё вилояти ҳудудий жамғармасига **6,2 млрд сўм** маблағ ўтказиб берилди.

## V. Давлат мақсадли жамғармалари ижроси

2023 йил Давлат мақсадли жамғармалари **даромадлари** прогноз кўрсаткичлари **41,2 трлн** сўм белгиланган бўлиб, жорий йилнинг тўққиз ойида **38,4 трлн** сўмга ёки йиллик режага нисбатан **93,0 фоизга** ижро этилди.

Бундан ташқари, Давлат бюджетидан давлат мақсадли жамғармаларга жорий йилнинг тўққиз ойида **21,7 трлн** сўм миқдорида **трансфертлар** ажратилди.

Давлат мақсадли жамғармалари харажатлари эса йиллик режага нисбатан **76,6 фоизга** ижро этилган ҳолда **53,8 трлн** сўмни ташкил этди.

9-жадвал

**Давлат мақсадли жамғармаларининг 2023 йил тўққиз ойлик ижроси**

*(млрд. сўм)*

| Т/р | Кўрсаткичлар | Ижро |
|---|---|---|
| | | |
| **I.** | **Давлат мақсадли жамғармалари - ЖАМИ** | |
| | Йил бошига кутилаётган қолдиқ | 10 445,0 |
| | Даромадлар прогнози | 38 377,0 |
| | Давлат бюджетидан трансфертлар | 21 728,2 |
| | Харажатлар | 53 801,9 |
| | Давлат бюджетига трансфертлар | 5 455,4 |
| | Йил охирига кутилаётган қолдиқ | 11 292,9 |
| **1.** | **«Эл-юрт умиди» жамғармаси** | |
| | Йил бошига кутилаётган қолдиқ | 25,8 |
| | Даромадлар прогнози | 14,0 |
| | Давлат бюджетидан трансфертлар | 169,5 |
| | Харажатлар | 170,0 |
| | Йил охирига кутилаётган қолдиқ | 39,3 |
| **2.** | **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулкий зарарларни компенсация қилиш бўйича республика мақсадли жамғармаси** | |
| | Йил бошига кутилаётган қолдиқ | |
| | Даромадлар прогнози | |
| | Давлат бюджетидан трансфертлар | 310,8 |
| | Харажатлар | 310,8 |
| | Йил охирига кутилаётган қолдиқ | |
| **3.** | **Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси** | |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Ижро |
|---|---|---|
| | Йил бошига кутилаётган қолдиқ | 3 023,6 |
| | Даромадлар прогнози | 28 965,4 |
| | Давлат бюджетидан трансфертлар | 10 520,0 |
| | Харажатлар | 39 452,1 |
| | Йил охирига кутилаётган қолдиқ | 3 056,8 |
| **4.** | **Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси** | |
| | Йил бошига кутилаётган қолдиқ | 7,1 |
| | Даромадлар прогнози | 35,5 |
| | Давлат бюджетидан трансфертлар | 235,0 |
| | Харажатлар | 271,8 |
| | Йил охирига кутилаётган қолдиқ | 5,8 |
| **5.** | **Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси** | |
| | Йил бошига кутилаётган қолдиқ | 178,0 |
| | Даромадлар прогнози | 76,4 |
| | Давлат бюджетидан трансфертлар | |
| | Харажатлар | 78,9 |
| | Йил охирига кутилаётган қолдиқ | 175,5 |
| **6.** | **Жамоат ишлари жамғармаси** | |
| | Йил бошига кутилаётган қолдиқ | 91,5 |
| | Даромадлар прогнози | 7,8 |
| | Давлат бюджетидан трансфертлар | 36,0 |
| | Харажатлар | 128,5 |
| | Йил охирига кутилаётган қолдиқ | 6,8 |
| **7.** | **Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси** | |
| | Йил бошига кутилаётган қолдиқ | 35,4 |
| | Даромадлар прогнози | 316,5 |
| | Давлат бюджетидан трансфертлар | 80,0 |
| | Харажатлар | 405,7 |
| | Йил охирига кутилаётган қолдиқ | 26,2 |
| **8.** | **Виночиликни ривожлантириш жамғармаси** | |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Ижро |
|---|---|---|
| | Йил бошига кутилаётган қолдиқ | 281,7 |
| | Даромадлар прогнози | 55,0 |
| | Давлат бюджетидан трансфертлар | |
| | Харажатлар | 110,5 |
| | Йил охирига кутилаётган қолдиқ | 226,1 |
| **9.** | **Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси** | |
| | Йил бошига кутилаётган қолдиқ | 54,3 |
| | Даромадлар прогнози | 0,7 |
| | Давлат бюджетидан трансфертлар | |
| | Харажатлар | 2,1 |
| | Йил охирига кутилаётган қолдиқ | 52,9 |
| **10.** | **Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси** | |
| | Йил бошига кутилаётган қолдиқ | 0,4 |
| | Даромадлар прогнози | |
| | Давлат бюджетидан трансфертлар | |
| | Харажатлар | |
| | Йил охирига кутилаётган қолдиқ | 0,4 |
| **11.** | **Бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси** | |
| | Йил бошига кутилаётган қолдиқ | 6,7 |
| | Даромадлар прогнози | 1,0 |
| | Давлат бюджетидан трансфертлар | 16,6 |
| | Харажатлар | 13,6 |
| | Йил охирига кутилаётган қолдиқ | 10,6 |
| **12.** | **Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси** | |
| | Йил бошига кутилаётган қолдиқ | 340,6 |
| | Даромадлар прогнози | 369,4 |
| | Давлат бюджетидан трансфертлар | 815,0 |
| | Харажатлар | 643,6 |
| | Йил охирига кутилаётган қолдиқ | 881,4 |
| **13.** | **Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси** | |
| | Йил бошига кутилаётган қолдиқ | 197,1 |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Ижро |
|---|---|---|
| | Даромадлар прогнози | 773,4 |
| | Давлат бюджетидан трансфертлар | |
| | Харажатлар | 781,8 |
| | Йил охирига кутилаётган қолдиқ | 188,6 |
| **14.** | **Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси** | |
| | Йил бошига кутилаётган қолдиқ | 35,6 |
| | Даромадлар прогнози | 117,8 |
| | Давлат бюджетидан трансфертлар | 15,0 |
| | Харажатлар | 131,8 |
| | Йил охирига кутилаётган қолдиқ | 36,5 |
| **15.** | **Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича кафолат жамғармаси** | |
| | Йил бошига кутилаётган қолдиқ | 799,1 |
| | Даромадлар прогнози | 213,9 |
| | Давлат бюджетидан трансфертлар | |
| | Харажатлар | 262,1 |
| | Йил охирига кутилаётган қолдиқ | 750,9 |
| **16.** | **Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси** | |
| | Йил бошига кутилаётган қолдиқ | 111,8 |
| | Даромадлар прогнози | 116,1 |
| | Давлат бюджетидан трансфертлар | 13,0 |
| | Харажатлар | 77,3 |
| | Йил охирига кутилаётган қолдиқ | 163,6 |
| **17.** | **Бюджетдан ташқари Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси** | |
| | Йил бошига кутилаётган қолдиқ | 2 987,0 |
| | Даромадлар прогнози | 6 925,9 |
| | Давлат бюджетидан трансфертлар | |
| | Харажатлар | 1 732,7 |
| | Давлат бюджетига трансфертлар | 5 455,4 |
| | Йил охирига кутилаётган қолдиқ | 2 724,8 |
| **18.** | **Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси** | |
| | Йил бошига кутилаётган қолдиқ | 3,5 |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Ижро |
|---|---|---|
| | Даромадлар прогнози | 0,8 |
| | Давлат бюджетидан трансфертлар | |
| | Харажатлар | 1,0 |
| | Йил охирига кутилаётган қолдиқ | 3,3 |
| **19.** | **Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси** | |
| | Йил бошига кутилаётган қолдиқ | 141,7 |
| | Даромадлар прогнози | 2,0 |
| | Давлат бюджетидан трансфертлар | 2 287,1 |
| | Харажатлар | 2 385,4 |
| | Йил охирига кутилаётган қолдиқ | 45,3 |
| **20.** | **Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси** | |
| | Йил бошига кутилаётган қолдиқ | 1 328,9 |
| | Даромадлар прогнози | 108,9 |
| | Давлат бюджетидан трансфертлар | 1 237,9 |
| | Харажатлар | 128,2 |
| | Йил охирига кутилаётган қолдиқ | 2 547,5 |
| **21.** | **Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармаси** | |
| | Йил бошига кутилаётган қолдиқ | 500,9 |
| | Даромадлар прогнози | 21,6 |
| | Давлат бюджетидан трансфертлар | 3 828,5 |
| | Харажатлар | 4 218,6 |
| | Йил охирига кутилаётган қолдиқ | 132,3 |
| **22.** | **Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси** | |
| | Йил бошига кутилаётган қолдиқ | 161,5 |
| | Даромадлар прогнози | 119,9 |
| | Давлат бюджетидан трансфертлар | 1 663,5 |
| | Харажатлар | 1 864,7 |
| | Йил охирига кутилаётган қолдиқ | 80,3 |
| **23.** | **Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси** | |
| | Йил бошига кутилаётган қолдиқ | 86,7 |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Ижро |
|---|---|---|
| | Даромадлар прогнози | 52,7 |
| | Давлат бюджетидан трансфертлар | 395,3 |
| | Харажатлар | 443,9 |
| | Йил охирига кутилаётган қолдиқ | 90,8 |
| **24.** | **Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси** | |
| | Йил бошига кутилаётган қолдиқ | 46,3 |
| | Даромадлар прогнози | 82,5 |
| | Давлат бюджетидан трансфертлар | 105,0 |
| | Харажатлар | 186,6 |
| | Йил охирига кутилаётган қолдиқ | 47,2 |

**1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг** 2023 йил бошига қолдиқ маблағлари **3 023,6 млрд** сўмни ташкил этган.

Жамғарма **даромадлари** жорий йилнинг тўққиз ойида ижроси **28 965,4 млрд** сўмни ташкил этган**, шу жумладан:**

- ижтимоий солиқ тушумлари 28 062,5 млрд сўм;

- бошқа тушумлар 902,8 млрд сўм.

Шу билан бирга, жамғармага Давлат бюджетидан **10 520,0 млрд** сўм миқдорида **трансфертлар** ажратилган.

Жамғарманинг **харажатлари** жорий йилнинг тўққиз ойида ижроси **39 452,1 млрд** сўмни ташкил этган, **шу жумладан:**

- Фуқароларга давлат пенсияларининг барча турлари учун тўловлар, шунингдек пенсия ва нафақаларни етказиб бериш харажатлари учун 39 450,2 млрд сўм;

- бошқа харажатлар учун 1,9 млрд сўм.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **3 056,8 млрд** сўмни ташкил этди.

## Жамғарма фаолияти билан боғлиқ бўлган амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар

**I. Пенсия жамғармасининг умумий кўрсаткичлари.**

1.1. 2023 йилнинг ўтган тўққиз ойида Пенсия жамғармаси томонидан 302,7 минг нафар фуқарога янги пенсия ва нафақалар тайинланди (шундан, 216,3 минг нафарига пенсия ва 86,4 минг нафарига нафақа).

2023 йил 1 октябрь ҳолатига пенсия ва нафақа олувчиларнинг умумий сони 4 534,4 минг нафарга етиб, аҳоли сонидаги улуши 12,4 фоизни ташкил қилди. Шундан, 3 894,7 минг нафари пенсия ва 639,7 минг нафари нафақа олувчиларни ташкил этди.

1.2. 2023 йил сентябрь ойида пенсияларнинг бир ойлик ўртача миқдори 1 152,0 минг сўмни ташкил қилиб, 2022 йил сентябрь ойига нисбатан 116,2 минг сўмга ёки 11,2 фоизга кўпайган.

Нафақаларнинг бир ойлик ўртача миқдори 706,3 минг сўмни ташкил этиб, 2022 йил сентябрь ойига нисбатан 53,2 минг сўмга ёки 8,1 фоизга кўпайган.

**II. Тизимни автоматлаштириш ва аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш.**

2.1. Пенсия жамғармаси томонидан 2023 йилнинг ўтган тўққиз ойида 1 326,3 минг нафар фуқароларга интерактив ва проактив хизматлар кўрсатилди.

Жумладан;

- 697,0 минг нафар фуқароларга бола туғилганда бериладиган суюнчи ва 117,0 минг нафар фуқароларга дафн маросими учун нафақаларни улар томонидан Жамғармага мурожаат қилмасдан тўғридан-тўғри Халқ банкининг исталган филиалига борган ҳолда тўланиши таъминланди;

- 424,9 минг нафар фуқароларга пенсия (нафақа) тайинланганлиги, рўйхатда туриши ҳамда миқдори тўғрисида маълумотномалар электрон шаклда тақдим этилди.

- 35,3 минг нафар фуқароларга нафақалар Пенсия жамғармасига мурожаат этмасдан "проактив“ усулда тайинланди.

- 52,1 минг нафар фуқароларга 5 турдаги нафақалар Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат этиш орқали тайинланди.

2.2. Пенсия жамғармаси ва Мажбурий ижро бюроси ахборот тизимлари ўртасида йўлга қўйилган ахборот алмашинуви орқали чегирмалар қўйишда инсон омили бутунлай бекор қилинди ҳамда жамғарма ходимлари иш самарадорлиги оширилди.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 4-майдаги ПҚ-5102-сон қарорига асосан, 2023-йил 1-январдан бошлаб фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш фақат биргина паспорт ёки идентификация ID-картаси орқали тайинлаш тизими жорий этилди.

2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 апрелдаги “Давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-113-сон Фармонига асосан, “Ҳужжатлар-телефонда” тамойили асосида мобил илова орқали пенсия гувоҳномасини мобил иловага ўтказиш ва уни QR-код орқали ҳам идентификациялаш йўлга қўйилди.

2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг IV бўлим “Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш” йўналиши 54-мақсади 223-бандида 2022 йил декабр ойига қадар пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун ўртача иш ҳақининг максимал миқдорини 12 баробаридан келиб чиққан ҳолда «Пенсия» дастурига тегишли ўзгартиришлар киритилди ва 370 мингдан ортиқ фуқароларнинг пенсиялари қайта ҳисоб китоб қилиниб СМС хабарномалар юборилди.

**III. Қонунчилик базасини такомиллаштириш ва бу орқали фуқароларга қулайликлар яратиш.**

3.1. Мамлакатимизда пенсия ва нафақа олувчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, қариялар ва кекса ёшдагиларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш, фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш ва соҳада мавжуд муаммоларни бартараф этиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш юзасидан 2023 йилнинг ўтган тўққиз ойида 1 та Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 та Фармон, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2 та қарори ҳамда 3 та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

3.2. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 15 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-817-сон Қонунига мувофиқ “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Киритилган ўзгартиришга мувофиқ, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг жазони ижро

этиш муассасаларида жазони ўташ даврида бажарадиган ҳар қандай иши, агар ушбу иш бажарилган давр учун жазони ижро этиш муассасаси томонидан ижтимоий солиқ тўланган бўлса иш стажига инобатга олиниши йўлга қўйилди.

3.3. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 23 мартдаги “Ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги шахсларга нафақа ва қўшимча тўловларни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳамда ушбу соҳага замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали давлат хизмати сифатини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 119-сон қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга асосан:

- Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган айрим тоифадаги шахсларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги янги таҳрирдаги қарор билан тасдиқланди;

Шунингдек, ушбу қарор билан ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болалар нафақаси, парваришлаш нафақаси ва Пенсия жамғармаси томонидан хар ойда ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз ногиронлиги бўлган шахсларга тўланадиган қўшимча тўловни проактив шаклда тайинлаш тартиби ишлаб чиқилди.

- Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган ёлғиз шахсларга қўшимча тўловни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги янги низом ишлаб чиқилди;

- Ушбу қарор билан Пенсия тизимидаги ҳужжатларни мақбуллаштириш (оптимизациялаш) мақсадида Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 26 октябрда рўйхатдан ўтказилган №2835 “Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлардан чегирма қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги идоравий ҳужжат бекор қилиниб, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 13 октябрдаги “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 592-сон қарори билан бирлаштирилди;

- фуқаро вафот этгандан сўнг унинг Халқ банкида жамғариб бориладиган пенсия тизимидаги мавжуд маблағларини олиш бўйича вафот этган фуқаронинг яқин қариндошларига хабарнома юбориш амалиёти йўлга қўйилди;

- мазкур Қарор билан Вазирлар Маҳкамасининг 8 та қарорлари Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-795 ва ЎРҚ-817-сон қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-269-сон Фармони ва бошқа юқори юридик кучга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлаштирилди.

3.4. “18 ёшгача бўлган ногирон болаларни тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида кўрикдан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт

ва молия вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги қарори Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди.

3.5. “Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлардан чегирма қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирининг буйруғи Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 24 майда рўйхатдан ўтказилди.

3.6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2023 йил 26 июндаги “Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруққа ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги буйруғи рўйхатдан ўтказилди (рўйхат рақами 2175-7, 26 июнь 2023 йил).

Буйруқ билан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартиб қоидаларга мувофиқлаштирилди.

3.7. Вазирлар Маҳкамасиинг 2023 йил 19 сентябрдаги “Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 13 октябрдаги 592-сон қарорига фуқароларнинг пенсия таъминотига оид миллий қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш, соҳага замонавий ахборот технологияларини янада кенг жорий этишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, Ҳукуматнинг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги 481-сон қарори қабул қилинди.

Қарор билан соҳага оид қонунчилик ҳужжатлари тизимлаштирилиб, пенсия ҳисоблаш ва тўлаш тартибларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

**IV. Кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам таъминоти.**

4.1. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга ижтимоий нафақалар тайинлаш бўйича электрон кўринишда онлайн режимда ариза беришни жорий этиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди.

4.2. Янги технологияларни жорий этиш маркази билан ҳамкорликда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимининнг дашборди ишлаб чиқилди.

4.3. Фермер хўжаликларида ишловчи оилаларга, шунингдек кўчмас мулклари ва автотранспорт воситалари мавжуд оилаларга “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”

ахборот тизими орқали болалар нафақасини тайинланиши бўйича таҳлиллар ўтказилди ва натижаси бўйича Иқтисодиёт ва молия вазирига ахборот киритилди.

**V. Пенсионер ва кам таъминланган аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий тўлов миқдорларини ошириш.**

5.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонига асосан 2023 йил 1 январдан бошлаб пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдори пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн баробаридан ўн икки баробаригача оширилди.

Фармон мувофиқ, 371 минг нафардан ортиқ фуқароларнинг пенсия миқдори қайта ҳисоб китоб қилиниб, 2023 йил давомида Пенсия жамғармасидан қўшимча равишда 1,6 трлн. сўмдан ортиқ миқдоридаги маблағлар ажратилади.

5.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 апрелдаги “Ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-230-сон қарорига мувофиқ, 2023 йил 1 январдан бошлаб I ва II гуруҳ ногиронлиги учун пенсия тайинлангандан кейин ишлаган фуқароларнинг иш стажи ва иш ҳақини ҳисобга олган ҳолда, ногиронлик пенсияси миқдорларини ҳар икки йилда қайта ҳисоблаш тартиби жорий этилди. Натижада, 2023 йилда 75 мингдан зиёд ногиронлиги бўлган шахсларнинг пенсиялари уларнинг аризаларига асосан қайта ҳисоб-китоб қилиниб ўртача 300 минг сўмгача оширилади ва Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан йилига қўшимча равишда ўртача 275 млрд сўм маблағ ажратилади.

5.3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 мартдаги “Иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги ПФ-45-сон Фармонига асосан, 2022 йил 1 апрелдан бошлаб пенсиялар ва нафақалар миқдори 7 фоизга оширилиб, 4,4 млн. нафар фуқаронинг пенсия миқдори қайта ҳисоб китоб қилиб чиқилди.

5.4 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 июль куни “Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–120-сон Фармони қабул қилинди.

Фармон билан пенсия ва нафақалар миқдорлари расман белгиланган энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлмаслиги таъминланди.

**VI. Пенсия жамғармаси молиявий фаолияти ва маблағларини мақсадли сарфланиши устидан назорат.**

6.1. 2023 йилнинг январь-сентябрь ойларида Пенсия жамғармасининг 4 370,0 млрд.сўм миқдоридаги вақтинча бўш бўлган маблағларини тижорат банкларининг қисқа муддатли депозитларига жойлаштирилиши натижасида

23,0 млрд. сўм ҳамда Ривожлантириш жамғармасидаги 90,0 млрд.сўм қолдиқ маблағларини тижорат банкларининг депозитларига жойлаштирилиши натижасида 9,1 млрд сўм қўшимча даромад олинди.

6.2. Жамғарманинг Ички аудит хизмати томонидан 2023 йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида амалга оширилган назорат тадбирларида фуқароларга пенсиялар, ижтимоий нафақа ва моддий ёрдамлар тайинланиши ҳамда тўланиши бўйича 2 492 та ҳолатда 8 665,1 млн. сўмлик хато ва камчиликлар аниқланиб, ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига тақдим этилди.

**VII. Фуқароларнинг мурожаатлари ва оммавий-ахборот воситалари билан ишлаш.**

7.1. 2023 йилнинг тўққиз ойида 66 822 нафар жисмоний ва юридик шахслардан келган ариза, шикоят ва таклифлар ўрнатилган тартибда кўриб чиқилиши таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси орқали келган 56 355 та, Бош Прокуратура “Ишонч телефони” орқали келган 5 979 та ва Жамғарма “Ишонч телефони”га келиб тушган 136 нафар фуқаронинг мурожаатлари ўрнатилган тартибда кўриб чиқилди ҳамда жойига чиқиб ўрганилган ҳолда ижроси таъминланди.

7.2. Жамғарманинг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари томонидан қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида пенсия таъминотига оид масалалар юзасидан фуқаролар билан 16 566 маротаба сайёр учрашувлар ўтказилиб (шундан, ижро этувчи аппарат томонидан 34 маротаба), пенсия таъминотига оид мурожаатлар юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилди ҳамда амалий ёрдамлар кўрсатилди.

7.3. Жамғарма ҳамда унинг ҳудудий бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимлари томонидан оммавий ахборот воситаларида 9822 маротаба тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилди (шундан, Жамғарма сайтига 84 та, телевидения 307 та, газета ва журналларда 596 та).

7.4. Шунингдек, Жамғарманинг “Telegram”, “Facebook” ва “Instagram” ижтимоий тармоқларидаги саҳифаларига жами 7 785 марта янгиликлар, мақолалар ва бошқа маълумотлар жойлаштирилди.

7.5. Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2021 йил 23 июлдаги ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 38-сон баёнида фуқароларнинг мурожаатлар сонини 50 фоизга қисқартириш чораларини кўриш вазифаси юклатилган бўлиб, кўрилган чоралар натижасида мурожаатлар сони 2022 йил мос даврига нисбатан 46,1%га камайтиришга эришилди.

**2. Бандликка кўмаклашиш давлат мақсадли жамғармаси**нинг 2023 йил бошига жами қолдиқ маблағлари **7,1 млрд** сўмни ташкил этган.

Жорий йилнинг тўққиз ойида жамғарма **даромадлари** ижроси **35,5 млрд** сўмни ташкил этган**, шу жумладан:**

- ягона ижтимоий тўлов суммасидан қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордаги *(0,1 фоиз)* ажратма ҳисобидан тушум **17,7 млрд** сўм;

- бошқа даромадлар **17,8 млрд** сўмни ташкил этган.

Шу билан бирга, жорий йилнинг тўққиз ойида Давлат бюджетидан ажратилган **трансфертлар** миқдори **235,0 млрд** сўмни ташкил этди.

Жамғарманинг **харажатлари** жорий йилнинг тўққиз ойида ижроси **271,8 млрд** сўмни ташкил этган, **шу жумладан:**

- аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида иш қидираётган ва ишсиз мақомига эга шахс сифатида рўйхатдан ўтган шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун **212,7 млрд** сўм;

- ишсизларга муддатидан олдин пенсиялар тайинланиши муносабати билан Пенсия жамғармасининг ҳаражатларини қоплаш учун **4,8 млрд** сўм;

- ишсизлик бўйича нафақалар, ишсизларга компенсациялар, стипендиялар, моддий ёрдам ва бошқа тўловларни тўлаш учун **20,2 млрд** сўм;

- Бандликка кўмаклашиш марказлари, вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказлари, ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш минтақавий марказлари, ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ўқув марказларининг айрим бўлинмаларини моддий-техник таъминлаш ва сақлаб туриш **7,4 млрд** сўм;

- ишга жойлаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш, ваканциялар ва банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш соҳасида ахборот-компютер тизимларини ва технологияларини яратиш, ривожлантириш ва техник қўллаб-қувватлаш, шу жумладан дастурий таъминот ишлаб чиқиш ва техник воситаларни харид қилиш учун **3,8 млрд** сўм;

- субсидия маблағлари тақдим этиш учун **10,0 млрд** сўм;

- бошқа харажатлар учун **12,9 млрд** сўм.

Бандликка кўмаклашиш давлат мақсадли жамғармасининг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **5,8 млрд** сўмни ташкил этди.

**3. Жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармасига** жорий йилнинг тўққиз ойида жамғармага Давлат бюджетидан **310,8 млрд сўм** миқдорида **трансфертлар** ажратилган.

Жамғарманинг **харажатлари** жорий йилнинг тўққиз ойида ижроси **310,8 млрд сўм**ни ташкил этган.

**Жамғарма томонидан жорий йилнинг тўққиз ойида амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар.**

Жорий йил бошидан Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарор ва фармойишларига асосан мулкдорларга етказилган зарарларни қоплаш мақсадида ҳудудий жамғармаларга хусусан, Тошкент вилояти ҳудудий жамғармасига **61,4 млрд сўм**, Наманган вилояти ҳудудий жамғармасига **46,5 млрд сўм**, Тошкент шаҳар ҳудудий жамғармасига **186,8 млрд сўм**, Сурхондарё вилояти ҳудудий жамғармасига **6,2 млрд сўм**, Сирдарё вилояти ҳудудий жамғармасига **10,0 млрд сўм**, жами **310,8 млрд сўм** компенсация тўловлари ўтказилган.

Республика компенсация жамғармасидан ҳудудий компенсация жамғармаларига 310,8 млрд сўм маблағ жами 473 та шундан, 316 та турар ва 157 та нотурар мулк объекти мулкдорларига ер участкалари жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши натижасида етказилган зарарни компенсация қилиш мақсадида ажратилган.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг (27.01.2023 йилдаги 32/11-сон, 24.03.2023 йилдаги 131-сон ва 8.05.2023 йилдаги 244-ФМ-сон) қарори ва фармойишлари ҳамда республика кузатув кенгашининг қарори билан Республика компенсация жамғармасидан Тошкент шаҳар ҳудудий жамғармасига жами 97 та шундан, 90 та турар ва 7 та нотурар мулк объекти мулкдорларига 186,8 млрд сўм маблағ ажратилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 25 мартдаги 128/6-сон қарори ҳамда республика кузатув кенгашининг қарори билан Республика компенсация жамғармасидан Тошкент вилояти ҳудудий жамғармасига жами 99 та шундан, 26 та турар ва 73 та нотурар мулк объекти мулкдорларига 61,4 млрд сўм маблағ ажратилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 5 майдаги 187/26-сон қарори билан Республика компенсация жамғармасидан Наманган вилояти ҳудудий жамғармасига жами 219 та шундан, 200 та турар ва 19 та нотурар мулк объекти мулкдорларига 46,5 млрд сўм маблағ ажратилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 27 июндаги 398-F-сон қарори билан Республика компенсация жамғармасидан Сирдарё вилояти ҳудудий жамғармасига жами 49 та нотурар мулк объекти мулкдорларига 10,0 млрд сўм маблағ ажратилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 31 мартдаги 136/5-сон қарори билан Республика компенсация жамғармасидан Сурхондарё вилояти ҳудудий

жамғармасига жами 9 та нотурар мулк объекти мулкдорларига 6,2 млрд сўм маблағ ажратилган.

Шунингдек, ҳисобот даврида жамоат эхтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан мулкдорларга етказилган зарарларни қоплаш учун Сирдарё вилояти ҳудудий жамғармасига 10,0 млрд сўм, Сурхондарё вилояти ҳудудий жамғармасига 6,2 млрд сўм, жами 16,2 млрд сўм компенсация тўловлари ўтказиб берилган.

**4. Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси**нинг 2023 йил бошига қолдиқ маблағлари **25,8 млрд** сўмни ташкил этиб, жорий йилнинг тўққиз ойида жамғармага жами **183,5 млрд** сўм миқдорида маблағлар келиб тушган, шундан Давлат бюджетидан ажратилган трансфертлар **169,5 млрд** сўмни ташкил этган.

Жамғарманинг харажатлари жорий йилнинг тўққиз ойида ижроси **170,0 млрд** сўмни ташкил этган, **шу жумладан:**

- жамғарма стипендиатларини хорижий нуфузли таълим муассасаларда таълим олишини ва стажировкадан ўтишини ташкил этиш учун 166,1 млрд сўм;

- жамғармани сақлаш билан боғлиқ харажатлар 2,4 млрд сўмни ва бошқа харажатлар 1,4 млрд сўмни ташкил этади.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **39,3 млрд** сўмни ташкил этди.

**5. Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармасининг** 2023 йил бошига қолдиқ маблағлари **178,0 млрд** сўмни ташкил этган.

Жамғарма **даромадлари** жорий йилнинг тўққиз ойида ижроси **76,4 млрд** сўмни ташкил этган**, шу жумладан:**

- Лицензия битими доирасида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга юборувчи ташкилотларнинг маблағларини захиралаш ҳисобидан тушумлар 10,9 млрд сўм;

- рухсатнома (иш берувчига хориждан ишчи кучини жалб қилиш ҳуқуқини берадиган ҳужжат) ва тасдиқнома (чет эл фуқаросига меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган ҳужжат) берилганлиги учун йиғимлардан тушумлар 41,1 млрд сўм;

- бўш пул маблағларни тижорат банкларига жойлаштиришдан олинган ва бошқа даромадлар 24,5 млрд сўм;

Жамғарманинг **харажатлари** жорий йилнинг тўққиз ойида ижроси **78,9 млрд** сўмни ташкил этган, **шу жумладан:**

- хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида меҳнат ва бошқа ҳуқуқлари бузилган, мураккаб молиявий аҳволга тушиб қолган фуқароларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, шунингдек уларга моддий ёрдам кўрсатиш учун 2,7 млрд сўм;

- меҳнат миграциясида бўлган даврда вафот этган фуқароларнинг жасадларини, шунингдек хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида майиб бўлган ёки оғир тан жароҳати олган фуқароларни олиб келиш учун 2,5 млрд сўм;

- хорижда вактинчалик меҳнат фаолиятини амалга оширган даврда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини суғурталаш бўйича суғурта суммасининг ўрнини қоплаш учун суғурта компанияларига бир йўла бериладиган субсидиялар бериш учун 9,5 млрд сўм;

- меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга кетаётган фуқароларни кетиш олдидан мослаштириш, касбга тайёрлаш, уларнинг касбий малакасини тасдиқлаш марказларини республика ҳудудларида ташкил этиш ва жиҳозлаш учун 6,7 млрд сўм;

- ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг хорижий ваколатхоналарини ташкил этиш, жиҳозлаш ва сақлаб туриш учун 19,2 млрд сўм;

- Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг меҳнатни рағбатлантириш жамғармасига ажратмалар учун 6,0 млрд сўм;

- бошқа харажатлар учун 31,9 млрд сўм.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **175,5 млрд** сўмни ташкил этди.

### Жамғарма томонидан жорий йилнинг тўққиз ойида амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар

Жорий йилнинг ўтган даврида Жамғарма томонидан:

358 нафар меҳнат мигрантларини ватанига қайтариш, маблағларсиз қолган 1451 нафар меҳнат мигрантларига моддий қўллаб – қувватлаш мақсадида 2,7 млрд сўм;

8 нафар меҳнат мигрантларига тиббий хизматлар хаққини тўлаб бериш мақсадида 0,1 млрд. сўм;

338 нафар вафот этган меҳнат мигрантлар жасадларини ватанига қайтариш мақсадида 2,5 млрд сўм;

17 850 нафар хорижга вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган фуқароларга чет тиллари ва касбга ўқитиш мақсадида 6,6 млрд сўм;

189 544 нафар хорижга вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган фуқароларни ҳаёти ва соғлигини суғурталаш мақсадида 9,5 млрд сўм;

Бундан ташқари хориждаги меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ватандошларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг хориждаги ваколатхоналарини сақлаш мақсадида 19,2 млрд сўм сарфланди.

**6. Жамоат ишлари жамғармасининг** 2023 йил бошига қолдиқ маблағлари **91,5 млрд** сўмни ташкил этган.

Жамғарма **даромадлари** жорий йилнинг тўққиз ойида ижроси **7,8 млрд** сўмни ташкил этган**, шу жумладан:**

- асосий воситалар, мини-ускуналар ва инвентарлар ижарасидан тушумлар 4,1 млрд сўм;

- бошқа даромадлар 3,8 млрд сўмни ташкил этади.

Шу билан бирга, Давлат бюджетидан ажратилган трансфертлар **36,0 млрд** сўмни ташкил этган.

Жамғарманинг **харажатлари** ижроси **128,5 млрд** сўмни ташкил этган, **шу жумладан:**

- жамоат ишларига жалб этилган ишсизлар ва банд бўлмаган шахсларнинг меҳнат ҳақига тўловлар учун 94,1 млрд сўм;

- жамоат ишларида, шу жумладан ижара асосида бериш йўли билан фойдаланиш учун мўлжалланган асосий воситалар, мини-ускуналар ва инвентарларни харид қилиш учун 9,9 млрд сўм;

- жамоат ишларини бажариш учун махсус кийимлар ва хавфсизлик техникаси воситалари харид қилиш учун 2,9 млрд сўм;

- жамғармани сақлаш билан боғлиқ харажатлар учун 2,8 млрд сўм;

- бошқа харажатлар учун 18,8 млрд сўм;

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **6,8 млрд** сўмни ташкил этди.

**7. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг** 2023 йил бошига қолдиқ маблағлари **340,5 млрд** сўмни ташкил этган.

Жорий йилнинг тўққиз ойида жамғарма **даромадлари** ижроси **369,4 млрд** сўмни ташкил этган**, шу жумладан:**

- жамғармага юкланган вазифаларни амалга ошириш учун Жаҳон банкидан жалб қилинган маблағ 282,4 млрд сўм

- кафилликлар беришдан тушадиган даромадлар 2,7 млрд сўм;

- бўш пул маблағларни депозитларга жойлаштиришдан олинган ва бошқа даромадлар 84,3 млрд сўм;

Шу билан бирга, жамғармага жорий йилда Давлат бюджетидан **815,0 млрд** сўм миқдорида **трансфертлар** ажратилган.

Жамғарманинг **харажатлари** ижроси **643,6 млрд** сўмни ташкил этган, **шу жумладан:**

- тижорат банкларига қарз олувчиларнинг кредитлари бўйича тақдим этилган кафилликлар билан боғлиқ тўловларни тўлаш учун 9,0 млрд сўм;

- тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоизли харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун компенсация бериш учун 621,4 млрд сўм;

- жамғармани сақлаш билан боғлиқ харажатлар учун 12,9 млрд сўм;

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **881,4 млрд** сўмни ташкил этди.

**8. Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармасининг** 2023 йил бошига қолдиқ маблағлари **2 987,0 млрд** сўмни ташкил этган.

Жамғарма **даромадлари** жорий йилнинг тўққиз ойида ижроси **6 925,9 млрд** сўмни ташкил этган**, шу жумладан:**

- давлат активларини (корхоналар, хўжалик жамиятларининг устав фондларидаги акциялар, ер участкаларига бўлган ҳуқуқ ва давлат мулки ҳисобланадиган бошқа мол-мулкларни) сотишдан тушган маблағлар 6 529,1 млрд сўм;

- бошқа даромадлар 396,7 млрд сўм;

Жамғарманинг **харажатлари** ижроси **1 732,7 млрд** сўмни ташкил этган, **шу жумладан:**

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан бир йўла тўловлар учун 1 442,2 млрд сўм;

- жамғарма тасарруфида қоладиган маблағлар 124,7 млрд сўм;

- бошқа харажатлар 167,7 млрд сўм.

Шу билан бирга, жамғармадан жорий йилда Давлат бюджетига **5 455,4 млрд** сўм миқдорида **трансфертлар** ўтказилган.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **2 724,8 млрд** сўмни ташкил этди.

**9. Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасининг** 2023 йил бошига қолдиқ маблағлари **111,8 млрд** сўмни ташкил этган.

Жамғарма **даромадлари** жорий йилнинг тўққиз ойида ижроси **116,1 млрд** сўмни ташкил этган**, шу жумладан:**

- тижорат банкларига имтиёзли асосда кредитлар ажратиш учун берилган ресурсларнинг қайтиши ва ҳисобланган фоиздан келиб тушадиган ва бошқа даромадлар 109,5 млрд сўм;

- бошқа даромадлар 6,6 млрд сўм.

Шу билан бирга, жамғармага жорий йилда Давлат бюджетидан **13,0 млрд** сўм миқдорида **трансфертлар** ажратилган.

Жамғарманинг **харажатлари** ижроси **77,3 млрд** сўмни ташкил этган, **шу жумладан:**

- оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, шу жумладан ногиронлиги бўлган, кам таъминланган оилалардаги хотин-қизларни моддий қўллаб-қувватлаш учун 33,5 млрд сўм;

- ёш қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, анъанавий оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мақсадли ишлар олиб борилишига кўмаклашиш учун 1,1 млрд сўм;

- хотин-қизларни касбга ўргатиш ва бандлигини таъминлашга кўмаклашадиган ҳамда уларнинг муаммолари билан шуғулланадиган нодавлат нотижорат ташкилотларга грант маблағларини ажратиш учун 9,7 млрд сўм;

- Республика хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши томонидан хотин-қизлар масалалари бўйича ўтказиладиган халқаро тадбирларни ташкил этиш ва Ўзбекистон делегациясининг халқаро тадбирларда иштирок этиши билан боғлиқ харажатларини қоплашга кўмаклашиш учун 4,8 млрд сўм;

- хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик марказларида ташкил этилган ўқув курсларини олиб борган мутахассисларга соатбай ҳақ тўлаш учун 8,2 млрд сўм;

- зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази, шунингдек уларнинг ҳудудий бўлимларини сақлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун 10,0 млрд сўм;

- Жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясини сақлаш билан боғлиқ харажатлар учун 4,8 млрд сўм;

- бошқа харажатлар учун 5,2 млрд сўм;

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **163,6 млрд** сўмни ташкил этди.

**10. Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси** 2023 йил бошига қолдиқ маблағлари **197,1 млрд** сўмни ташкил этган.

Жамғарма **даромадлари** жорий йилнинг тўққиз ойида ижроси **773,4 млрд** сўмни ташкил этган**, шу жумладан:**

- абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловдан тушумлар 689,2 млрд сўм;

- телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия берилганлиги учун давлат божидан тушумлар 66,1 млрд сўм;

- бошқа даромадлар 18,0 млрд сўм;

Жамғарманинг **харажатлари** ижроси **781, млрд** сўмни ташкил этган, **шу жумладан:**

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларида белгиланган ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантиришга оид вазифаларни ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш бўйича устувор лойиҳаларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва кузатиб бориш, электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт тизимларини шакллантириш, ривожлантириш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва кузатиб бориш учун 111,6 млрд сўм;

- Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабни таъмирлаш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, унинг ўқитувчилари ва ходимларини қўшимча рағбатлантириш учун харажатлар учун 8,2 млрд сўм;

- Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Илмий-инновацион ривожлантириш жамғармасига ажратмалар учун 4,3 млрд сўм;

- Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — ахборот ресурс маркази ҳузуридаги бюджетдан ташқари Ахборот-кутубхона муассасаларини ривожлантириш жамғармасига ажратмалар учун 9,4 млрд сўм;

- Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси фаолиятини молиялаштириш учун 45,1 млрд сўм;

- “Ахборот технологиялари ва ахборот ресурсларини ривожлантириш маркази” ДУК фаолиятини молиялаштириш учун 9,1 млрд сўм;

- “Киберхавфсизлик маркази” ДУК фаолиятини молиялаштириш учун 38,0 млрд сўм;

- Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва тизим ташкилотларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар учун 416,7 млрд сўм;

- Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш ҳамда таълим йўналишидаги дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлиқ харажатлар учун 21,1 млрд сўм;

- бошқа харажатлар учун 118,1 млрд сўм.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **188,6 млрд** сўмни ташкил этди.

**11. Бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармасининг** 2023 йилбошига қолдиқ маблағлари **6,7 млрд** сўмни ташкил этган.

Жамғарма **даромадлари** жорий йилнинг тўққиз ойида ижроси **1,0 млрд** сўмни ташкил этган**, шу жумладан:**

- кейинчалик фойдаланишга яроқсиз бўлган дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни утилизация қилишдан тушган тушумлар ва бошқа даромадлар 1,0 млрд сўм.

Шу билан бирга, жамғармага жорий йилда Давлат бюджетидан **16,6 млрд** сўм миқдорида **трансфертлар** ажратилган.

Жамғарманинг **харажатлари** жорий йилнинг тўққиз ойида ижроси **13,6 млрд** сўмни ташкил этган**, шу жумладан:**

- дарсликлар харид қилиш учун 11,7 млрд сўм;

- жамғарма ижро этувчи дирекциясининг сақлаш харажатлари учун 1,9 млрд сўм;

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **10,6 млрд** сўмни ташкил этди.

**12. Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармасининг** 2023 йил бошига қолдиқ маблағлари **54,3 млрд** сўмни ташкил этган.

Жамғарма **даромадлари** жорий йилнинг тўққиз ойида ижроси **0,7 млрд** сўмни ташкил этган.

Жамғарманинг **харажатлари** жорий йилнинг тўққиз ойида ижроси **2,1 млрд** сўмни ташкил этган**, шу жумладан:**

- Тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш учун 0,1 млрд сўм;

- Тез тиббий ёрдам хизмати ходимларига устамалар, мукофот пуллари ва бошқа рағбатлантирувчи тўловларни тўлаш учун 2,0 млрд сўм;

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **52,9 млрд** сўмни ташкил этди.

**13. Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг** 2023 йилбошига қолдиқ маблағлари **362,3 млн** сўмни ташкил этган.

Жамғарма **даромадлари** жорий йилнинг тўққиз ойида тушум мавжуд бўлмаган.

Жорий йилнинг тўққиз ойида жамғармадан харажатлар амалга оширилмаган.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **362,3 млн** сўмни ташкил этди.

**14. Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг** 2023 йил бошига қолдиқ маблағлари **35,6 млрд** сўмни ташкил этган.

Жамғарма **даромадлари** жорий йилнинг тўққиз ойида ижроси **117,8 млрд** сўмни ташкил этган**, шу жумладан:**

- Жойлаштириш воситаларидан ундириладиган туристик (меҳмонхона) йиғимдан тушумлар 88,4 млрд сўм;

- бошқа даромадлар 29,4 млрд сўм.

Жамғарманинг **харажатлари** ижроси **131,8 млрд** сўмни ташкил этган, **шу жумладан:**

- туризм соҳасидаги мақсадли дастурларни молиялаштириш учун 28,5 млрд сўм;

- «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида республика ҳудудлари бўйлаб ички саёҳатларни амалга ошириш харажатларининг бир қисмини қайтариш учун 0,1 млрд сўм;

- хорижий туризм бозорларида мамлакат туризм салоҳиятини тарғиб қилиш харажатлари учун 41,9 млрд сўм;

- туризм ва маданий мерос вазирлиги, шу жумладан унинг ҳудудий бўлинмалари ва тизим ташкилотларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар учун 49,4 млрд сўм;

- бошқа харажатлар 11,8 млрд сўм.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **36,5 млрд** сўмни ташкил этди.

**15. Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасининг** 2023 йил бошига қолдиқ маблағлари **35,3 млрд** сўмни ташкил этган.

Жамғарма **даромадлари** жорий йилнинг тўққиз ойида ижроси **316,5 млрд** сўмни ташкил этган**, шу жумладан:**

- тижорат банклари ва тадбиркорларга ажратилган ресурслар бўйича олинадиган фоизли тушумлар 13,2 млрд сўм;

- Давлат бюджетидан ажратилган бюджет ссудаси маблағлари 170,0 млрд сўм;

- олдинги йилларда ажратилган ресурларнинг қайтиши 132,7 млрд сўм;

- бошқа даромадлар 0,5 млрд сўм;

Шу билан бирга, жамғармага жорий йилда Давлат бюджетидан **80,0 млрд** сўм миқдорида **трансфертлар** ажратилган.

Жамғарманинг **харажатлари** ижроси **405,7 млрд** сўмни ташкил этган, **шу жумладан:**

- Субсидия харажатлари учун 44,1 млрд сўм;

- агентлик ва унинг идоравий мансуб ташкилотларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар учун 28,5 млрд сўм;

- Давлат бюджетидан ўтган йилда ажратилган бюджет ссудасини қайтариш харажатлари учун 134,1 млрд сўм;

- бюджет ссудаси ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан ажратилган ресурс харажатлар учун 199,0 млрд сўм.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **26,2 млрд** сўмни ташкил этди.

**16. Виночиликни ривожлантириш жамғармасининг** 2023 йил бошига қолдиқ маблағлари **281,7 млрд** сўмни ташкил этган.

Жамғарма **даромадлари** жорий йилнинг тўққиз ойида ижроси **55,0 млрд** сўмни ташкил этган, **шу жумладан:**

- техник навли узум плантацияларини яратиш ва алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун берилган қарзлар ҳамда тижорат банкларига кредит ажратиш учун берилган ресурслар бўйича ҳисобланган фоизлардан тушумлар 13,9 млрд сўм;

- бошқа даромадлар 41,1 млрд сўм.

Жамғарманинг **харажатлари** ижроси **110,5 млрд** сўмни ташкил этган, **шу жумладан:**

- Агентлик ва унинг идоравий мансуб ташкилотларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар учун 22,5 млрд сўм;

- бошқа харажатлар учун 88,0 млрд сўм.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **226,1 млрд** сўмни ташкил этди.

**17. Баликчиликни ривожлантириш жамғармасининг** 2023 йил бошига қолдиқ маблағлари **3,5 млрд** сўмни ташкил этган.

Жамғарма **даромадлари** жорий йилнинг тўққиз ойида ижроси **0,8 млрд** сўмни ташкил этган.

Жамғарманинг **харажатлари** ижроси **1,0 млрд** сўмни ташкил этган.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **3,3 млрд** сўмни ташкил этди.

**18. Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича кафолат жамғармасининг** 2023 йил бошига қолдиқ маблағлари **799,1 млрд** сўмни ташкил этган.

Жамғарма **даромадлари** жорий йилнинг тўққиз ойида ижроси **213,9 млрд** сўмни ташкил этган**, шу жумладан:**

- жалб этиладиган кредитлар (қарзлар) бўйича Ўзбекистон Республикаси номидан давлат кафолатлари берилганлиги учун ундириладиган мукофот пули тушумлари 18,1 млрд сўм;

- вақтинча бўш маблағларни тижорат банкларига депозитларга жойлаштиришдан ва юқори ликвидли қимматли қоғозларга инвестиция қилишдан тушумлар 62,6 млрд сўм;

- халқаро облигацияларни жойлаштиришдан тушган маблағларни депозитга жойлаштириш, кредит линиялари очиш ва бюджет ссудаларини ажратишдан фоиз тарзида тўланадиган даромадлардан олинган фойда солиғи миқдорида республика бюджетидан ажратма 33,3 млрд сўм;

- халқаро молия институтлари, хорижий давлатлар ва ташкилотлардан жалб қилинган қарз маблағларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларига депозитга жойлаштиришдан олинадиган даромадлар 58,0 млрд сўм;

- бошқа даромадлар 41,8 млрд сўм.

Жамғарманинг **харажатлари** жорий йилнинг тўққиз ойида ижроси **262,1 млрд** сўмни ташкил этган, **шу жумладан:**

- қарздор ташкилотлар давлат қарзи бўйича тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширмаган ҳолатларда қарздор ташкилотлар томонидан қайта қоплаш шарти билан қарз тўловларини амалга ошириш учун 124,7 млрд сўм;

- халқаро облигациялар бўйича фоиз ва бошқа харажатлар учун 137,4 млрд сўм.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **750,9 млрд** сўмни ташкил этди.

**19. Давлат тиббий суғуртаси жамғармасининг** 2023 йил бошига қолдиқ маблағлари **141,7 млрд** сўмни ташкил этган.

Жамғарма **даромадлари** жорий йилнинг тўққиз ойида ижроси **2,0 млрд** сўмни ташкил этган.

Шу билан бирга, жамғармага жорий йилнинг тўққиз ойида Давлат бюджетидан **2 287,1 млрд** сўм миқдорида **трансфертлар** ажратилган, **шу жумладан:**

- республика бюджетидан 395,7 млрд сўм;

- маҳаллий бюджетлардан 1 891,3 млрд сўм.

Жамғарманинг **харажатлари** жорий йилнинг тўққиз ойида ижроси **2 385,4 млрд** сўмни ташкил этган, **шу жумладан:**

- Давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам доирасида тиббий хизматларни давлат ва хусусий тиббиёт ташкилотларидан харид қилиш учун 2 367,0 млрд сўм;

- Жамғарманинг ижро этувчи аппаратини сақлаш билан боғлиқ харажатлар учун 18,4 млрд сўм.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **45,3 млрд** сўмни ташкил этди.

**20. Таълим кредитини молиялаштириш жамғармасининг** 2023 йил бошига қолдиқ маблағлари **1 328,9 млрд** сўмни ташкил этган.

Жамғарма **даромадлари** жорий йилнинг тўққиз ойида ижроси **108,9 млрд** сўмни ташкил этган.

Шу билан бирга, жамғармага жорий йилнинг тўққиз ойида Давлат бюджетидан **1 237,9 млрд** сўм миқдорида **трансфертлар** ажратилган.

Жорий йилнинг тўққиз ойида жамғармадан **128,2 млрд** сўм миқдорида харажатлар амалга оширилган.

Шу билан бирга, таълим кредитини молиялаштириш учун жамғарма маблағлари тижорат банкларига депозитларга жойлаштирилган.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **2 547,5 млрд** сўмни ташкил этди.

**21. Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармасининг** 2023 йил бошига қолдиқ маблағлари **500,9 млрд** сўмни ташкил этган.

Жорий йилда жамғарма **даромадлари 21,6 млрд** сўмга ижро этилган.

Шу билан бирга, жамғармага жорий йилда Давлат бюджетидан **3 828,5 млрд** сўм миқдорида **трансфертлар** ажратилган.

Жамғарманинг **харажатлари** жорий йилнинг тўққиз ойида ижроси **4 218,6 млрд** сўмни ташкил этган, **шу жумладан:**

- Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига асосан автомобиль йўллари, кўприклар ва йўл ўтказгичларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш, шунингдек объектларни жиҳозлаш ва техникалар харид қилиш учун 1 963,3 млрд сўм;

- умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини мукаммал ва жорий таъмирлаш, сақлаш, қишки қаров, кўкаламзорлаштириш ишлари билан боғлиқ харажатлар учун 2 036,9 млрд сўм;

- умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида табиий офатларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш учун 185,1 млрд сўм;

- Автомобиль йўллари қўмитаси ва унинг бош бошқармалари ҳамда Қўмита тузилмасидаги ташкилотларни сақлаш билан боғлиқ харажатлар учун 33,3 млрд сўм;

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **132,3 млрд** сўмни ташкил этди.

**22. Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармасининг** 2023 йил бошига қолдиқ маблағлари **161,5 млрд** сўмни ташкил этган.

Жорий йилда жамғарма **даромадлари 119,9 млрд** сўмга ижро этилган.

Шу билан бирга, жамғармага Давлат бюджетидан **1 663,5 млрд** сўм миқдорида **трансфертлар** ажратилган.

Жамғарманинг **харажатлари** ижроси **1 864,7 млрд** сўмни ташкил этган, **шу жумладан:**

- Ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш дастурига асосан ичимлик суви таъминоти ва канализация тизими объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек лойиҳа-тадқиқот ишларини молиялаштириш учун 1 864,7 млрд сўм.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **80,3 млрд** сўмни ташкил этди.

**23. Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг** 2023 йил бошига қолдиқ маблағлари **86,7 млрд** сўмни ташкил этган.

Жорий йилда жамғарма **даромадлари 52,7 млрд** сўмга ижро этилган.

Шу билан бирга, жамғармага жорий йилнинг тўққиз ойида Давлат бюджетидан **395,3 млрд** сўм миқдорида **трансфертлар** ажратилган.

Жамғарманинг **харажатлари** жорий йилнинг тўққиз ойида ижроси **443,9 млрд** сўмни ташкил этган, **шу жумладан:**

- илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасидаги лойиҳаларни молиялаштиришга доир харажатлар учун 290,1 млрд сўм;

- янги ва замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган илмий лабораторияларни ташкил қилиш ва қўшимча жиҳозлашга доир харажатлар учун 39,3 млрд сўм;

- инновацион фаолият субъектларида объектларни қуриш ва жиҳозлашга доир харажатлар учун 27,5 млрд сўм;

- ёш олимларнинг қисқа муддатли илмий стажировкаларини молиялаштиришга доир харажатлар учун 13,3 млрд сўм;

- жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясини сақлаш харажатлар ва бошқа харажатлар учун 5,7 млрд сўм;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан дастурларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар учун 68,0 млрд сўм.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **90,8 млрд** сўмни ташкил этди.

**24. Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармасининг** 2023 йил бошига қолдиқ маблағлари **46,3 млрд** сўмни ташкил этган.

Жамғарма **даромадлари** жорий йилнинг тўққиз ойида ижроси **82,5 млрд** сўмни ташкил этган.

Шу билан бирга, жамғармага жорий йилнинг тўққиз ойида Давлат бюджетидан **105,0 млрд** сўм миқдорида **трансфертлар** ажратилган.

Жамғарманинг **харажатлари** жорий йилнинг тўққиз ойида ижроси **186,6 млрд** сўмни ташкил этган, **шу жумладан:**

- субсидиялар тўлаш учун 181,9 млрд сўм;

- бошқа харажатлар учун 4,7 млрд сўм.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **47,2 млрд** сўмни ташкил этди.

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг **даромадлари** **196,1 трлн** сўмни ва **харажатлари** **233,4 трлн** сўмни ташкил этган ҳолда Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари тақчиллиги **37,2 трлн** сўмни ёки ЯИМга нисбатан **4,9 фоиз**ни ташкил этди.

.

## VI. Вазирликлар ва идоралар ички аудит хизматлари ҳамда Давлат молиявий назорати натижалари

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан 2023 йил 9 ойлигида вазирлик ва идоралар **ички аудит хизматлари фаолиятини халқаро илғор тажрибалар асосида ривожлантириш** ва **услубий таъминлаш юзасидан** қуйидаги ишлар амалга оширилди:

**1.** Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 13 февралдаги 62-сон қарори билан **Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси ва ички аудит хизматлари ходимлари малакасини сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низом** тасдиқланди.

Бугунги кунда ушбу низом асосида Ўзбекистон аудиторлар палатаси билан биргаликда **Давлат молиявий назорати инспекцияси ва ички аудит хизмати ходимлари малакасини сертификатлаш йўлга қўйилди**. Бунда, жорий йилнинг 9 ойи якунига кўра ўтказилган малака имтиҳонлари натижасида, жами 173 нафар талабгор ички аудит миллий малака сертификатига эга бўлди.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги ПҚ-471-сон қарорига асосан **вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш тартиби** ишлаб чиқилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2023 йил 14 августдаги 377-сон қарори билан тасдиқланди.

Ушбу тартибда **Иқтисодиёт ва молия вазирлиги** томонидан **баҳолашни амалга ошириш** орқали ички аудит хизматлари **фаолиятининг қонунчиликка мувофиқлигини, сифат даражаси ва самарадорлигини аниқлаш** ҳамда **такомиллаштириш чораларини кўриш** назарда тутилган.

**3.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”га ПҚ-471-сон қарорига асосан ички аудит хизматлари ходимларини давлат секторида ички аудит ва ички назорат соҳасида доимий ўқитиб бориш тизимини жорий этиш мақсадида **Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ўқув марказида ички аудит хизматлари ходимларини малакасини ошириш курслари ташкил этилди**.

Малака ошириш курсларида 2023 йилнинг 9 ойи давомида жами **135** нафар ички аудит хизмати ходимлари ўз малакасини оширишлари таъминланди. Йил якунига қадар барча ички аудит хизматлари ходимлари малака ошириш курслари билан қамраб олиш режалаштирилган.

Ҳисобот даврида жами **32 та** жумладан, **16 та вазирлик**, **3 та қўмита**, **7 та агентлик** ва **6 та бошқа ташкилотларда** ички аудит хизматлари фаолият олиб борди.

Жорий даврда ички аудит хизматлари томонидан ўтказилган аудит тадбирлари давомида жами **206,0 млрд сўмлик** бюджет маблағларини режалаштиришда ортиқча киритилган маблағлар мақбуллаштирилди ҳамда мақсадсиз ва ноқонуний харажатларни олди олинди.

Шу билан бирга, бюджет ҳисоби ва ҳисоботлари юритилишига кўмаклашиш натижасида **796,1 млрд сўмлик** асосий воситалар ва товар моддий бойликларни ўрнатилган тартибда **бухгалтерия балансида тўғри акс эттирилишига** эришилди.

Жумладан, вазирлик ва идоралар ички аудит хизматлари томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- **Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги** Ички аудит бошқармаси томонидан ички аудит тадбирлари давомида тасдиқланган штатлар жадвали ва харажатлар сметасини режалаштиришда ортиқча киритилган маблағларни мақбуллаштириш натижасида **105,1 млрд сўм мақсадсиз ва ноқонуний** харажатларни олдини олишга эришилган.

Шунингдек, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари юритилишига кўмаклашиш натижасида **779,2 млрд сўмлик** асосий воситалар ва товар моддий бойликларни **бухгалтерия балансида тўғри ҳисобга олинишига** кўмаклашишган.

- **Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси** Ички аудит хизмати томонидан ички аудит тадбирлари ҳамда масофавий аудит тадбирлари давомида нархи ошириб кўрсатилган ва базавий нархлар рўйхатига киритилмаган хизматларни мақбуллаштириш натижасида **45,5 млрд сўм мақсадсиз ва ноқонуний харажатларни** олдини олишга эришилган.

- **Соғлиқни сақлаш вазирлиги** Ички аудит хизмати томонидан ўтказилган ички аудит тадбирлари давомида тасдиқланган штатлар жадвали ва харажатлар сметасини режалаштиришда ортиқча киритилган маблағларни мақбуллаштириш натижасида **25,7 млрд сўм мақсадсиз ва ноқонуний харажатларни** олдини олишга эришилган.

- **Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги** Ички аудит хизмати томонидан ўтказилган ички аудит тадбирлари давомида бюджет маблағларини режалаштиришда ортиқча киритилган маблағларни мақбуллаштириш натижасида **2,5 млрд сўм мақсадсиз ва ноқонуний харажатларни** олдини олишга эришилган.

Шунингдек, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари юритилишига кўмаклашиш натижасида **898,4 млн сўмлик** асосий воситалар ва товар моддий бойликларни **бухгалтерия балансида тўғри ҳисобга олинишига** кўмаклашишган.

Вазирлик ва идоралар ички аудит хизматлари томонидан ҳисобот даврида **масофавий аудитни кенг кўламда қўллаш йўлга қўйилмоқда**. Жумладан, вазирлик ва идоралар ички аудит хизматлари ходимларига **“УзАСБО” дастурий мажмуасидан фойдаланиш бўйича махсус ваколатлар берилди** ҳамда улар томонидан барча **ўз тизимларидаги бюджет ташкилотлари молиявий фаолиятини бевосита “УзАСБО” дастурий мажмуасидан масофавий шаклда кузатиб бориш имкони яратилган**.

Шу билан бирга, ҳисобот даврида вазирлик ва идоралар ички аудит хизматларининг **ташкилий ва функционал мустақиллигини таъминлаш**, уларни **малакали ва тажрибали ходимлар билан тўлдириш** бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, ички аудит хизматлари эътибори бюджет маблағларидан фойдаланиш натижадорлиги ва самарадорлигини ошириш билан биргаликда, **бюджет ҳисобининг тўғри ва тўлақонли юритилиши, молиявий ҳисоботларнинг тўғри тузилганлиги ҳамда хаққонийлигини баҳолашга қаратилмоқда**.

Бундан ташқари, ички аудит хизматлари томонидан ҳисобот даврида ички аудит тадбирлари ўтказилган объектларга **бюджет қонунчилиги** бузилиши ҳолатларини, шунингдек, уларни содир этишга имконият яратувчи **сабаблар ва шарт-шароитларни** бартараф этиш ва бюджет харажатларининг самарадорлиги оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб амалиётга татбиқ этилмоқда.

**Изоҳ:Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси томонидан 2023 йил 9 ойи давомида ўтказилган давлат молиявий назорати тадбирлари тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига 2023 йил 17 октябр куни 14-05-195-сонли ХДФУ хат орқали киритилган.*

## VII. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати томонидан ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-813-сонли Қонунида белгиланган бюджет параметрлари доирасида Давлат бюджетида кўзда тутилган харажатлар ва даромадларнинг касса ижроси Ғазначилик хизмати қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари (кейинги ўринларда - Ғазначилик) томонидан амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига мувофиқ ўз вақтида амалга ошириб келинмоқда.

**Юридик ва молиявий мажбуриятлар ижроси тўғрисида.**

Ҳисобот даврида Ғазначилик хизмати қўмитаси(кейинги ўринларда Ғазначилик) томонидан жами **8 202 та** бюджет ташкилотларига хизмат кўрсатилиб, улар томонидан тақдим этилган юридик ва молиявий мажбуриятлар амалдаги қонунчилик талаблари доирасида рўйхатга олиниши таъминланди (*марказлашган бухгалтерия ташкилотлари 1 та ташкилот сифатида олинган*).

Хусусан, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг **60 088,6 млрд сўмлик 785,6 минг дона** шартномалари рўйхатдан ўтказилган.

Бундан ташқари, **бюджет тизими бюджетлари**нинг умумий қиймати **391,8 трлн сўмлик 9,0 млн дона** тўлов ҳужжатлари амалга оширилган бўлиб, жумладан бюджет маблағлари бўйича жами **201,3 трлн сўм**лик **4,2 млн дона**, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича жами **63,2 трлн сўм**лик **4,2 млн дона** ва Давлат мақсадли ва бошқа мақсадли жамғармалар бўйича жами **127,4 трлн сўм**лик **605 дона** тўлов ҳужжатлари тўланиши таъминланган (*ўтган йилнинг мос даврига нисбатан тўлов ҳужжатлари сони ўртача 1,5 фоизга ўсган*).

Шу билан бирга, Ғазначилик томонидан бюджет ташкилотларида ишловчи ходимларнинг **иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларини биринчи ярмини (аванс) ҳар ойнинг 20 санасидан кечиктирмасдан ҳамда ойлик иш ҳақининг иккинчи ярмини ҳар ойнинг биринчи беш иш кунида тўлиқ молиялаштириб** келинмоқда.

Шунингдек, Ғазначилик томонидан Ягона ғазна ҳисобварағи ликвидлигини бошқаришда, Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг қисқа муддатли даромад ва харажат прогнозини тузиш орқали бюджет тақчиллигини аниқлаш ҳамда уни қоплаш юзасидан Давлат қимматли қоғозларини муомилага чиқариш ва халқаро молия институтлардан бюджетни қўллаб-қувватлаш учун жалб этилган қарз маблағларни республика бюджетига йўналтириш орқали иш ҳақи, нафақа ва стипендиялар ўз муддатида тўлиқ молиялаштирилишига эришилди.

Бюджет ташкилотларининг қарийб **65,1 трлн сўм**лик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари ҳамда **12,3 трлн сўмлик** ижтимоий солиқ тўлови ўз муддатларида тўлиқ тўлаб берилди.

Бундан ташқари, Ғазначилик томонидан 2023 йилнинг ўтган 9 ойи давомида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **5 604 та** тадбиркорлик субъектларига **қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) 12 мингдан** зиёд маблағ қайтариш бўйича хулосаларига асосан жами **15,4 трлн сўм** маблағ **қайтариб берилди**.

Шу каби, 2023 йил 9 ойи давомида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан солиқ идораларининг **9 027 та** хулосаларига асосан **3 424 та** иш берувчи корхоналарга жами **59,9 млрд сўм** улар томонидан **25 ёшдан ошмаган ходимлар учун тўланган ижтимоий солиқ** суммаси қайтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги “Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида назорат-касса техникасидан фойдаланишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5252-сонли қарорига асосан Ғазначилик томонидан 2023 йил 9 ойи давомида чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш объектларида харидни амалга оширган ва харид чекининг фискал белгисини матрицали штрих код (QR-код) ёрдамида сканерлаш орқали рўйхатдан ўтказган **жисмоний шахсларга харид суммасининг 1 фоиз (Cashback)** учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **1 188,2 млрд сўм** маблағ белгиланган муддатларда жисмоний шахсларга қайтариб бериш бўйича очилган банк ҳисоб рақамига ўтказиб берилди.

Бундан ташқари, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банк ўртасида Ягона ғазна ҳисобварақ орқали бюджет тўловларини **24/7 режимида** ишлаш тартиби жорий этилди. Бунда, бюджет тизими бюджетларига тушумлар, солиқ даромадлари аҳоли томонидан амалга оширилган тўловлар хафтанинг **дам олиш кунлари**дан яъни, шанба ва якшанба, байрам кунлари бўлишидан қатъий назар тўлов келиб тушиши ҳамда харажатларни амалга ошириш 24/7 режимда онлайн таъминланди. Бу ўз навбатида аҳоли томонидан тўланган тўловлар бўйича тегишли бюджет ташкилотларида ўз вақтида тушумларни кўриш имконияти яратади.

**Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг тақсимланиши тўғрисида.**

Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг касса ижросини таъминлаш учун Ҳукумат қарорларида белгиланган миқдорда солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар, маъмурий жарималар ва молиявий санкцияларни ундирилиши натижасида Ягона ғазна ҳисобварағига келиб тушган маблағлар ундирувчи

органларнинг ривожлантириш жамғармасига ҳамда Давлат бюджети даромади ўртасида тақсимланиш чоралари кўрилиб, натижада 2023 йил январь-сентябрь ойларида мажбурий тўловлар, маъмурий жарималар ва молиявий санкциялар тўловчилардан **22,1 трлн сўм** маблағ ундирилган бўлиб, шундан **6,9 трлн сўми** давлат бюджетига ва **14,2 трлн сўм** маблағ **ундирувчи органларининг бюджетдан ташқари жамғарма**ларига ҳамда **1,0 трлн сўми** жамғармаларга йўналтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги "Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-14-сон Фармонига асосан қайта ташкил этилган, бўйсунуви ўзгартирилган ва тугатилган вазирлик ва идораларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига асосан солиқлар, мажбурий йиғимлар, божлар ва жарималар ҳисобидан келиб тушадиган маблағлар тақсимланишига ўзгартиришлар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 апрелдаги "Бюджетлараро муносабатларни ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги ПҚ-208-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг "2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-471-сонли қарорларига асосан солиқлар, мажбурий йиғимлар, божлар ва жарималар ҳисобидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига келиб тушган маблағларнинг ҳамда мазкур жамғармаларнинг бўш турган маблағларини тижорат банкларига жойлаштиришдан олинган даромадларидан ҳисобот даврида 40 фоиз **жами 1 074,7 млрд сўм** маблағ Республика бюджети даромадига ундириб олишга эришилди *(маълумот учун, 2023 йил 1 январдан 9 февралгача 20 фоиз, 10 февралдан 31 майгача 30 фоиз бўлган).*

**Ягона ғазна ҳисобварағидаги маблағларни самарали бошқариш тўғрисида.**

Бюджет ташкилотлари ва давлат мақсадли жамғармаларининг бўш турган маблағларидан самарали фойдаланиш мақсадида, тижорат банкларига вақтинча бўш турган маблағларни депозитга жойлаштириш учун тақдим этилган буюртманомаларига асосан 2023 йилнинг ўтган 9 ойи давомида **бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича вақтинча бўш турган маблағлари** ўтказилган электрон аукцион натижаларига кўра депозит ставкаси ўртача **20,2 фоиздан** жами **5 000,0 млрд сўм тижорат банклари** муддати 1 ойдан 1 йилгача бўлган муддатли **депозитлар**га жойлаштирилди.

Бўш турган маблағларни депозитга жойлаштириш натижасида, бюджет ташкилотлари томонидан қўшимча **579,0 млрд сўм** даромад олишга эришилди.

Бундан ташқари, ҳисобот даврида **Ягона ғазна ҳисобварағида вақтинча бўш маблағлар ҳисобидан** депозит ставкаси ўртача **22,1 фоиздан жами 1 000,0 млрд сўм** тижорат банклари депозитларига жойлаштирилиши ҳисобидан жами **580,0 млрд сўм** даромад олинди ва белгиланган тартибда тегишли нормативларга мувофиқ бюджет тизими бюджетлари ўртасида тақсимланди.

Бюджетдан ташқари, **пенсия жамғармасининг вақтинча бўш маблағлари ҳисобидан** ўтказилган электрон аукцион натижаларига кўра депозит ставкаси ўртача **17,2 фоиздан** жами **4 810,0 млрд сўм** тижорат банклари депозитларига жойлаштирилиб, бунинг натижасида пенсия жамғармаси томонидан қўшимча **62,8 млрд сўм** даромад олинди (*депозитлар қисқа муддатли бўлиб 6 кундан 25 кунгача жойлаштирилган 2023 йил 1 октябрь ҳолатига* ***3 570,0 млрд сўм*** *маблағ Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ўз вақтида қайтарилган*).

**Бюджет тизими бюджетларининг чет эл валютасидаги маблағлари тўғрисида.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари асосида халқаро молия институтларидан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан **647,4 млн АҚШ доллари** (7 731,1 млрд сўм) маблағ давлат бюджети харажатларини молиялаштириш учун йўналтирилди.

Бундан ташқари, Давлат бюджети харажатларини молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 1 671,3 млн АҚШ доллари жалб этилди ҳамда ушбу маблағлар миллий валютага конвертация қилиниб (19 491,3 млрд сўм) республика бюджетига йўналтирилди.

Шу билан бирга, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан ҳукумат қарорларига асосан кредит линияси учун миллий валютада 1 169,7 млрд сўм маблағ республика бюджетига йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 21 сентябрдаги 573-сонли қарорига мувофиқ, 2023 йил 9 ой давомида Ғазначилик хизмати қўмитаси ҳузуридаги Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича Кафолат жамғармасига **213,9 млрд сўм** даромад келиб тушган бўлса, жамғарма маблағ ҳисобидан **262,1 млрд сўм** харажат амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширладиган хориж хизмат сафарлари учун Вазирлик ва идоралар томонидан киритилган жами **160 дан ортиқ Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши лойиҳалари** келишиб берилди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармойишларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси делегацияларининг чет эл хизмат сафарлари учун жами **10,7 млн АҚШ доллари** миқдоридаги маблағлар Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳисобидан ажратилди.

Амалга оширилган чет эл хизмат сафарлари учун юқорида келтирилган маблағларни ишлатилиши бўйича бўнак ҳисоботлари ўрганиб чиқилиб, мазкур ўрганиш натижасида аниқланган **3,7 млн АҚШ доллари** миқдоридаги иқтисод қилинган маблағлар Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасига қайта тикланди.

Булардан ташқари, маҳсулот тақсимлаш битими доирасида “LUKOIL Uzbekistan Supply and Trading Ltd” компаниясидан 2023 йил 9 ой давомида давлат бюджетига жами **134,4 млн АҚШ доллари** миқдорида маблағлар келиб тушди ва ушбу маблағлар миллий валютага конвертация қилиниб давлат бюджети даромадларига (1 581,4 млрд. сўм) ўтказилди.

2023 йил 9 ой давомида миллий валютадаги маблағларни чет эл валютасига ўгрилиб, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан хорижий мамлакатларга ва хорижий молия институтларига жами **10,6 млн АҚШ доллари** миқдорида турли тўловлар амалга оширилди.

Жумладан, Туркманистон ерларидан фойдаланганлик учун **8,57 млн. АҚШ доллари** ва бошқа бошқа харажатлар учун **2,03 млн АҚШ доллари** миқдорида тўловлар амалга оширилди.

**Ўзбекистон Республикасига кириб келган гуманитар ёрдамлар тўғрисида.**

Ғазначилик томонидан Ўзбекистон Республикасига кириб келган **гуманитар ёрдамлар тўғрисидаги маълумотлар Божхона қўмитасидан олинган маълумотларга асосан таҳлил қилиниб,** ҳисоби юритилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикасига 2023 йил январь-сентябрь ойларида **25 та давлатдан** умумий қиймати **160 625,6 минг АҚШ доллар** миқдорида гуманитар ёрдам юклари кириб келган бўлиб, унинг асосий салмоғи Германия – **63 916,0 минг АҚШ доллар** (39,9 %), Хитой – **27 259,8 минг АҚШ доллар** (17 %), Швецария – **20 756,7 минг АҚШ доллар** (12,9 %), Америка Қўшма Штатлари – **20 280,5 минг АҚШ доллар** (12,6 %) давлатларига тўғри келади *(умумий гуманитар ёрдамнинг 82,3 фоизи юқоридаги тўрт давлатга тегишли)*.

Кириб келган гуманитар ёрдам соҳалар кесимида таҳлил қилинганда, соғлиқни сақлашга (132 623,0 минг АҚШ доллар), таълимга (25 210,1 минг АҚШ доллар) ва газ таъминоти корхоналарига суюлтирилган таз учун (1 377,8 минг

АҚШ доллар) ҳамда "Шарқ аёли" жамғармасига (273,7 минг АҚШ доллар) йўналтирилган.

Шундан кўриш мумкинки, кириб келган гуманитар ёрдамнинг **82,6 фоизи соғлиқни сақлаш** соҳасига тўғри келади.

Ушбу даврда кириб келган гуманитар ёрдамларни гуманитар ёрдам олувчи ташкилотлар салмоғига нисбатан олиб таҳлил қилинганда, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги **52,2 фоизни**, Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги **15,4 фоизни**, Гемотология илмий тадқиқот институти **12,9 фоизни** ҳамда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди **12,0 фоизни** ташкил этади.

**Ғазначилик хизмати қўмитаси Ғазначилик рисклари таҳлили бошқармаси томонидан 2023 йил 9 ойлик якуни бўйича ўтказилган мониторинг натижалари тўғрисида.**

Ғазначилик хизмати қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан бюджет жараёнида Давлат молиявий назоратининг **дастлабки** ва **жорий назорат** турлари белгиланган тартибда амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, бюджет жараёнидаги мавжуд рискларни аниқлаш ва уларни олдини олиш мақсадида, қўмита томонидан бюджет тизими бюджетларининг рўйхатга олинган юридик ва молиявий мажбуриятлари ҳамда уларнинг тўловларини **камерал тартибда мониторинг** қилиниб, аниқланган ҳолатлар таҳлил қилинмоқда ва келгусида уларни олдини олиш чоралари кўрилмоқда.

2023 йил 9 ойлик якуни бўйича ўтказилган мониторинг тадбирларида бюджет ташкилотлари томонидан **жами 974 та ҳолатда 180 500,0 млн сўмлик** хато ва камчиликлар аниқланган.

Бюджет жараёнлари ва дастурий таъминотларда (шу жумладан, "ДМБАТ" ва "УзАСБО" дастури) ундаги риск (хатар)лар аниқланиб, уларни олдини олиш учун ахборот тизимларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Бунда, бюджет тизимига алоқадор вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларини интеграция қилиш орқали, инсон омилини камайтириш ҳамда бюджет жараёнларини автоматлаштириш хусусан, "УзАСБО" дастурини янада такомиллаштириш юзасидан техник талабномалар ишлаб чиқилмоқда.

Шунингдек, бюджет ташкилотлари томонидан йўл қўйилган юқоридаги хатоликларга алоқадор 10 нафар ғазначилик ходимларига нисбатан белгиланган тартибда интизомий жазо чоралари *(эгаллаб турган лавозимидан озод этиш (2) ва "Хайфсан" эълон қилиш (8))* қўлланилди.

**2023 йилнинг 9 ойи давомида** давлат харидлари соҳасини янада такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар давом эттирилди.

**Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2023 йилнинг 9 ойи** давомида давлат буюртмачилари томонидан республика бўйича жами **197 трлн сўмлик** *(бюджет буюртмачилари томонидан **60,1 трлн** корпоратив буюртмачилар томонидан **136,9 трлн.**)* давлат харидлари амалга оширилди.

Шундан, **74,7 трлн сўм** қийматдаги харидлар *(жами харидларнинг **37,9 фоизи**)* электрон (рақобатли) савдолар орқали амалга оширилди. Рақобатли харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш натижасида **6,4 трлн. сўм** маблағлар **иқтисод қилинишига эришилди.** Шундан:

**Бюджет** буюртмачилари томонидан жами **60,1 трлн сўмлик** давлат харидлари амалга оширилган бўлиб, шундан **27,5 трлн сўм** қийматдаги харидлар *(бюджет буюртмачилари харидларининг **45,8 фоизи**)* электрон савдолар орқали амалга оширилди.

Шунингдек, рақобатли харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш натижасида **2 трлн сўм** маблағлар **иқтисод қилинди.**

**Корпоратив** буюртмачилар томонидан эса жами **136,9 трлн сўмлик** давлат харидлари амалга оширилди. Шундан, **47,2 трлн сўм** қийматдаги харидлар *(корпоратив буюртмачилар харидларининг **34,5 фоизи**)* электрон савдолар орқали амалга оширилди. Савдолар натижасида **4,4 трлн сўм** маблағлар **иқтисод қилинди.**

**Шунингдек, 2023 йилнинг 9 ойлигида давлат харидларини янада такомиллаштириш юзасидан қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилди:**

**I. Давлат харидларига оид қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан.**

Давлат харидларига оид қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан тегишли ҳужжатлар лойиҳаси ишлаб чиқилди. Жумладан:

Ўзбекистон Республикасининг **“Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига қўшимчалар киритиш ҳақида”ги **қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди** ва белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун **Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилди;**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “**2023-2027 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат харидлари тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида**”ги **қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди**, тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилди ва **жамотчилик муҳокомасига жойлаштирилди**;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирининг **“Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”**ги буйруғи **лойиҳаси ишлаб чиқилди**, тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилди ва **Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун киритилди;**

Давлат харидларига кичик тадбиркорлик субъектларини шу жумладан ногиронлиги бўлган шахслар, аёллар ва ёшлар тадбиркорлигини кенг жалб этиш ва рағбатлантириш мақсадида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “**Давлат харидларига кичик тадбиркорлик субъектларини кенг жалб этиш ва уларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги қарори лойиҳаси **ишлаб чиқилди** ҳамда тегишли вазирлик ва идораларга келишиш учун киритилди;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирининг **“Электрон кооперация биржаси портали орқали харидларни амалга ошириш учун буюртмачилар ва етказиб берувчиларнинг аванс маблағлари (закалат ва операторнинг воситачилик йиғими) миқдорини белгилаш ҳақида”ги буйруғини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги** 22-сон буйруғи белгиланган тартибда Адлия вазирлигидан рўйҳатдан ўтказилди. (01.06.2023 й. №3206-1)

**II. Давлат харидлари жараёнларини рақамлаштириш юзасидан.**

1. Шикоятларни электрон тизим орқали кўриб чиқиш дастури (dxm.mf.uz)дан фойдаланиш имкониятлари соддалаштирилди.

2. Айрим турдаги тўғридан-тўғри шартномалар бўйича электрон шаклда шартномалар имзолаш амалиёти йўлга қўйилди.

3. “IT-Market” махсус ахборот портали орқали давлат харидларини амалга оширишда қўлланиладиган электрон маълумотлар базаларини ўзаро интеграциялаш мақсадида технологик йўриқнома ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Тизимлар ўзаро интеграция қилинди ва Давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида жойлаштирилган маълумотларни “IT-Market” махсус ахборот порталида акс эттириш амалиёти йўлга қўйилди.

4. Давлат харидларида энг яхши таклифларни танлаш ва тендер савдоларида:

иштирокчиларнинг нарх таклифларини баҳолашда қўшилган қиймат солиғи суммаси инобатга олинмасдан давлат харидларининг электрон тизими томонидан автоматик равишда солиштириш амалиёти жорий қилинди;

иштирокчилар таклифларининг техник ва нарх қисмини балл усулидан фойдаланган ҳолда баҳолашда таклифларнинг техник ёки нарх қисми учун нисбий қиймат миқдори мажбурий равишда 30 фоиздан кам бўлмаслиги бўйича электрон тизимга ўзгартиришлар киритилди;

қатнашаётган иштирокчиларининг ўз розилигига кўра тақдим этган таклифлари тўғрисидаги маълумотларни давлат харидлари электрон тизимида барча учун очиқлаш имкониятини яратилди.

5. Жамоатчилик учун давлат харидлари электрон тизимларида харид жараёнларини кузатиш ва таҳлил қилиш имкониятлари янада такомиллаштирилди.

**III. Давлат харидларига оид таҳлилий маълумотларни кенг оммага етказиб бориш юзасидан.**

Давлат харидлари соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар тўғрисидаги **маълумотларни кенг оммага етказиб бориш** мақсадида вазирликнинг расмий веб-сайти ва ижтимой тармоқларидаги саҳифалари орқали таҳлилий маълумотлар ҳамда видео роликлар доимий равишда жойлаштириб борилмоқда.

**IV. Давлат харидлари соҳасини янада такомиллаштириш юзасидан хорижий ташкилотлар билан амалга оширилган ишлар бўйича.**

Жаҳон банки билан қуйидаги йўналишларда ҳамкорлик йўлга қўйилди:

тадбиркорлик субъектларини давлат харидларига кенг жалб этишга қаратилган форум ўтказиш;

давлат харидлари субъектлари ўртасида “мулоқот кўприги” мавзусида давра суҳбати ташкил этиш;

Ўзбекистонда барқарор давлат харидларини жорий этиш. Бунда, намунавий харид ҳужжатлари барқарор давлат харидларини амалга оширишнинг асосий талабларига мувофиқлаштириш;

кичик тадбиркорлик субъектларининг таклифларидан келиб чиқиб, улар учун қулай ва рақобат муҳити мавжуд бўлган янги харид турларини амалиётга жорий этиш.

Франция тараққиёт агентлиги билан мамлакатимизда барқарор ривожланиш мезонлари асосида “яшил” давлат харидларини жорий этиш мақсадида давлат буюртмачилари учун ўқув-семинарлар ташкил этилди.

## VIII. Давлат-хусусий шериклик, халқаро рейтинг ва индекслар ҳамда бошқа кўрсаткичлари

Республикада 2023 йил январь-сентябрь ойлари давомида умумий қиймати қарийб **2,2 млрд.доллар** бўлган жами **594 та давлат-хусусий шериклик** (кейинги ўринларда-ДХШ) **лойиҳалари** бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, энергетика соҳасида – **6 та**, соғлиқни сақлаш соҳасида - **9 та**, экология соҳасида - **6 та**, коммунал хизматлар соҳасида - **220 та**, таълим соҳасида - **27 та**, маданият соҳасида - **3 та**, сув хўжалиги соҳасида - **307 та**, транспорт соҳасида - **7 та,** ҳунармандчилик соҳасида - **4 та,** спорт соҳасида - **3 та,** иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида - **1 та**дан лойиҳаларни ташкил этади.

*Шундан:*

- *ДХШ тўғрисидаги битим имзоланган лойиҳалар сони – **286 та**ни;*
- *ДХШ тўғрисидаги битими имзоланиш арафасида бўлган лойиҳалар сони – **4 та**ни;*
- *Тендер босқичида бўлган йирик лойиҳалар сони – **304 та**ни ташкил этади;*

*Жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида ДХШ лойиҳалари бажарилишининг бориши, лойиҳаларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш бўйича 33 та ДХШ лойиҳаларида мониторинг тадбирлари амалга оширилди.*

**Мазкур давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини соҳалар кесими таҳлили қилинганда қуйидагилар маълум бўлди. Жумладан:**

**Энергетика соҳаси:**

Давлат-хусусий шериклик асосида энергетика соҳасида умумий қиймати **1,82 млрд. доллар**дан ортиқ бўлган жами **6 та** ДХШ лойиҳалари бўйича ишлар ташкил этилган.

Соҳада **2 та** ДХШ лойиҳаси бўйича битимлар имзоланган:

- Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликдаги **Бухоро вилояти Олот туманида 250 МВт қувватга эга қуёш фото электр станциясини қуриш** лойиҳаси бўйича тендер жараёнлари якунланиб, **БААнинг “Masdar”** компанияси **1 кВт** электр тарифи учун **3,044 цент** доллар таклиф билан ғолиб деб топилди. Ҳозирги кунда ДХШ битими расмийлаштирилиб, лойиҳа бўйича Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш битими имзоланди. Мазкур лойиҳа Ўзбекистонда биринчи марта қуввати **62 МВт**лик энергия сақлаш батареяси билан амалга оширилади (лойиҳанинг дастлабки қиймати – **275 млн АҚШ** доллари; лойиҳа муддати – **25 йил**).

- Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликдаги **Хоразм вилояти Хозарасп туманида 100 МВт қувватга эга қуёш фото электр станциясини қуриш** лойиҳаси бўйича бўйича тендер жараёнлари якунланиб, **Франциянинг “Voltalia"** компанияси 1 кВт электр тарифи учун **2,888 цент** доллар таклиф билан

ғолиб деб топилди. Ҳозирги кунда ДХШ битими расмийлаштирилиб, лойиҳа бўйича Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш битими имзоланди. (лойиҳанинг дастлабки қиймати – **68 млн АҚШ** доллари; лойиҳа муддати – **25 йил**).

Соҳада **1 та** ДХШ лойиҳаси бўйича тўғридан-тўғри музокаралар олиб борилмоқда ва яна **1 та** ДХШ лойиҳаси бўйича тендер жараёнлари якунланиб, ғолиблар эълон қилинган бўлиб, жами **2 та** ДХШ лойиҳаси битими имзоланиш арафасида. Булар:

- **"Навоийазот" АЖ** негизида Давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиладиган кимё-технологик кластери учун иссиқлик ва қуёш электр станцияларини барпо этиш лойиҳаси бўйича хусусий шерик сифатида **“Electricite de France S.A.” (Франция), “Stone city InSolar B.V” (Нидерландия)** ва “**Siemens energy global GmbH&Co.KG” (Германия)** компаниялари билан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш белгиланган. Ушбу лойиҳа ДХШ Қонуни асосида амалга оширилиши белгиланган бўлсада, ҳозирги кунда хусусий шерик давлат шериги билан биргаликда лойиҳани **инвестиция қонуни асосида амалга ошириш бўйича электр энергия ва иссиқликни сотиб олиш битими ишлаб чиқилмоқда**. (лойиҳа қиймати – **900 млн АҚШ** доллари; лойиҳа муддати - **25 йил**).

- Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликдаги **Қашқадарё вилояти Ғузор туманида 300 МВт қувватга эга қуёш фото электр станциясини қуриш** лойиҳаси бўйича тендернинг (талабларга мувофиқлик сўрови - RFQ) биринчи босқичи якунланди ва келиб тушган **12 та** аризадан **8 та**си минимал шартларга жавоб берганлиги ва улар тендернинг 2-босқичига ўтганлиги эълон қилинди. Тендернинг 2-босқичи 2022 йил 3 декабрда эълон қилиниб, таклифлар қабул қилинмоқда. Тендер бўйича ғолиб 2023 йил 24 майда эълон қилинди. (лойиҳанинг дастлабки қиймати – **249 млн АҚШ** доллари; лойиҳа муддати - **25 йил**);

Шунингдек, ушбу соҳада **2 та** ДХШ лойиҳаси бўйича тендер савдолари давом этмоқда. Булар:

- Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликдаги **Қорақалпоғистон Республикасида 200 МВт қувватга эга шамол электр станциясини қуриш** лойиҳаси бўйича тендернинг (талабларга мувофиқлик сўрови - RFQ) биринчи босқичи 2022 йил 1 апрелда эълон қилиниб, 15 июлда якунланган. Тендер комиссияси томонидан таклифлар баҳоланиб, тендернинг 1-босқичидан 10 та компаниялар ўтганлиги эълон қилинди. Тендернинг 2-босқичи 2023 йил 31 март куни эълон қилинди ва 3 ой давомида таклифлар қабул қилинади. (лойиҳанинг дастлабки қиймати – **218 млн АҚШ** доллари; лойиҳа муддати – **25 йил**);

- **Тошкент, Наманган ва Қашқадарё вилоятларида умумий қуввати 46,6 МВт қувватга эга 5 та гидроэлектр станцияларини қуриш** лойиҳаси бўйича тендернинг (талабларга мувофиқлик сўрови - RFQ) биринчи босқичи

2023 йил 15 августда эълон қилинди. (лойиҳанинг дастлабки қиймати – **116 млн АҚШ** доллари; лойиҳа муддати – **25 йил**).

**Коммунал хизматлар соҳаси:** Соҳада ижтимоий соҳа объектларини иситиш тизимларини модернизация қилиш бўйича умумий қиймати қарийб **125,6 млн.доллар** бўлган **220 та** давлат-хусусий шериклик (ДХШ) лойиҳалари бўйича **битимлар имзоланган эди.** Бироқ, қиймати **13,8 млн. АҚШ долларидан ортиқ бўлган 20 та лойиҳалар бўйича битимлар бекор қилинди**. Шу сабабли, ҳозирги кунда умумий қиймати қарийб **111,8 млн.доллар** бўлган **200 та** ДХШ лойиҳалари бўйича **ишлар амалга оширилмоқда.**

**Экология соҳаси:** Соҳада жами **6 та** давлат-хусусий шериклик (ДХШ) лойиҳалари бўйича, яъни умумий қиймати қарийб **13,35 млн.**доллар бўлган лойиҳалар устида ишлар олиб борилди ҳамда ДХШ тўғрисидаги **битимлар имзоланган.**

**Сув хўжалиги соҳаси:** Ушбу соҳада умумий қиймати **1,3 млн АҚШ** доллардан ортиқ бўлган жами **11 та лойиҳалар бўйича** ДХШ тўғрисидаги **битимлар имзоланган.**

Шунингдек, умумий қиймати қарийб **13 млн АҚШ** доллар бўлган **296 та лойиҳалар** бўйича тендер жараёнлари давом этмоқда.

**Транспорт** соҳасида қиймати **4,3 млн АҚШ** долларлик **7 та** лойиҳа бўйича ДХШ тўғрисидаги битим имзоланган.

**Таълим соҳаси:** Мазкур соҳада умумий қиймати **51,8 млн АҚШ** долларидан ортиқ бўлган жами **21 та** давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича ишлар олиб борилиб, мазкур лойиҳалар бўйича ДХШ тўғрисидаги **битимлар имзоланган.**

Шунингдек, қиймати **102,5 млн АҚШ** доллари миқдоридаги **6 та** давлат-хусусий шериклик **лойиҳаси бўйича тендер жараёнлари давом этмоқда.**

**Соғлиқни сақлаш соҳаси:** Ушбу соҳада умумий қиймати **28 млн. АҚШ** доллари бўлган **9 та** ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилган ва қиймати **8 млн. АҚШ** доллари бўлган **8 та лойиҳа** бўйича ДХШ битими имзоланган.

Шунингдек, қиймати **20 млн АҚШ** доллари миқдоридаги **1 та** йирик давлат-хусусий шериклик **лойиҳаси бўйича тендер жараёнлари давом этмоқда.**

**Маданият соҳаси:** Мазкур соҳада умумий қиймати **1,81 млн. АҚШ** доллари бўлган **3 та** ДХШ лойиҳаси бўйича ишлар олиб борилган ва ДХШ битимлари имзоланган.

**Қишлоқ хўжалиги соҳаси:Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти** билан биргаликда **1 та** лойиҳа амалга оширилган, амалга ошириш муддати **12 йил**, умумий қиймати – **8,2 млн АҚШ** доллари.

**Ҳунармандчилик соҳаси:** Мазкур соҳада қиймати **0,2 млн АҚШ** доллари миқдоридаги **4 та** давлат-хусусий шериклик **битим имзоланиш босқичида.**

**Спорт соҳаси:**Мазкур соҳада қиймати **0,2 млн АҚШ** доллари миқдоридаги **2 та** давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича битим имзоланган. Шунингдек, қиймати **1,1 млн АҚШ** доллари миқдоридаги **1 та лойиҳа битим имзоланиш босқичида.**

**Иқтисодиёт соҳаси:** Мазкур соҳада қиймати **10 млн. АҚШ** доллари бўлган **1 та** ДХШ лойиҳаси бўйича ДХШ битими имзоланган.

**Халқаро рейтинг ва индекслар.**

БМТ таркибидаги UNIDO ташкилоти томонидан юритиладиган **"Рақобатбардош саноат унумдорлиги – 2023"** ҳисоботида мамлакатимиз ўтган даврга нисбатан *(2022 йилда 92-ўрин)* 10 поғонага кўтарилиб, **82-ўрин**ни қайд этди.

2023 йилда БМТнинг **"Барқарор ривожланиш мақсадлари"** индекси ҳисоботида Ўзбекистон Республикаси 71,1 балл билан **69-ўрин**ни қайд этди ва ўтган йилга нисбатан 8-поғонага кўтарилди **(2022 йилда 69,93 балл билан 77-ўрин)**.

2023 йилда "The Heritage Foundation" *("Мерос" жамғармаси, АҚШ)* томонидан **"Иқтисодий эркинлик индекси – 2023"** навбатдаги ҳисоботи эълон қилинди. Ҳисоботда Ўзбекистон **177 та** мамлакатлар орасида **109-ўринни** эгаллади ва ўтган даврга нисбатан 8-поғонага юқорилади *(2022 йилда 55,7 билан 117-ўрин)*.

Жаҳон банкининг **"Аёллар, бизнес ва қонун 2023"** индексида мамлакатимиз максимал **100 балл**дан **70,6 балл** тўплаган ва ўтган даврга *(2022 йилда 70,6 балл)* нисбатан ўзгаришсиз қолган.

Ўзбекистон **Глобал инновацион индексда** 2023 йилда **132 та** давлат орасида 82-ўринни эгаллади ҳамда Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари орасида Ҳиндистон, Эрондан ва Қозоғистондан кейин 4-ўринни эгаллади.

**Логистика самарадорлиги индекси**да мамлакатимиз 2023 йилда **138 та** мамлакат орасида **88-ўрин**ни эгаллаб, ўтган ҳисобот даврига нисбатан *(2018 йилда 160 та мамлакат орасида 99-ўрин)* **11 поғона**га юқорилаган.

Ўзбекистон Республикасининг **суверен кредит рейтингини** яхшилашга қаратилган ислоҳотлар натижасида 2023 йилда **"Moody's"** агентлиги томонидан кредит рейтинг баҳоси **"B1"** (ижобий кутилма)дан бир поғона юқорига **"Ba3"** (барқарор кутилма)га оширилди. Шунингдек, 2022 йилда юз берган геосиёсий зиддиятлар ва жаҳон миқёсида иқтисодий ўсишнинг секинлашишига қарамай **"Fitch Ratings"** ва **"S&P Global Ratings"** агентликлари томонидан мамлакатимиз суверен кредит рейтинги 2023 йил I ярим йилликда **"BB-"** (барқарор кутилма) даражасида сақланди.

Шунингдек жорий йилнинг **22-25 май** кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида давлат органларининг бошқарув кадрлари учун устувор халқаро рейтинг ва индекслар бўйича малака ошириш ўқув курслари ўтказилди.

**Давлат қарзи ҳолати ва динамикаси:** Давлат қарзи қолдиғи 2023 йилнинг 1 июль ҳолатига **31,5 млрд долларни** ташкил этди.

Дастлабки ҳисоб-китобга кўра, 2023 йил **январь-сентябрь** ойларида **давлат ташқи қарзи** шартномалари доирасида жами **1 307 млн доллар** (шундан, ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларини молиялаштириш учун – **761** млн доллар) маблағ жалб қилиниб, жорий йил 1 июль ҳолатига **давлат ташқи қарзи қолдиғи 25,9 млрд долларни** ташкил этмоқда.

Халқаро молия институтларидан жалб қилинган давлат ташқи қарзи қолдиғининг (**14,3 млрд** доллар) асосий қисми Осиё тараққиёт банки (6,2 млрд доллар), Жаҳон банки (5,7 млрд доллар), Ислом тараққиёт банки (0,9 млрд доллар) ва бошқа кредиторлар (1,5 млрд доллар) ҳиссасига тўғри келмоқда.

Шу билан бирга, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари (ХҲМТ) ҳиссасига давлат ташқи қарзи қолдиғининг **9 млрд** доллари ёки 35 фоизи тўғри келмоқда.

Евробондлар бўйича ташқи қарз **2,6 млрд** долларни ташкил этмоқда.

**Давлат ички қарзи** қолдиғи **5,6 млрд долларни** ташкил этди. Шундан:

- Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси кредитлари – **2,7 млрд** доллар;
- Тижорат банклари кредитлари – **1,0 млрд** доллар;
- Давлат қимматли қоғозлари – **1,9 млрд** доллар.

**Имзоланган давлат ташқи қарз шартномалари:**

2023 йилнинг январь-сентябрь ойларида жами **3,1 млрд доллар** эквивалентидаги давлат ташқи қарзини жалб қилиш бўйича қарз шартномалари имзоланган. Шундан:

- бюджетни қўллаб-қувватлаш учун – **647,4 млн** доллар;
- инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун – **2,5 млрд** доллар.

*Маълумот учун: 2023 йилда давлат ташқи қарзини жалб қилиш бўйича имзоланадиган* ***қарз шартномаларининг энг юқори миқдори*** *4,5 млрд долларни, шундан бюджетни қўллаб-қувватлаш учун – 2 млрд доллар, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун – 2,5 млрд доллар этиб белгиланган.*

**Давлат қимматли қоғозлари:**

2023 йилнинг январь-сентябрь ойларида 54 та аукцион ўтказилиб, **23 904,9 млрд** сўмлик қисқа, ўрта ва узоқ муддатли давлат қимматли қоғозлари жойлаштирилиб, **11 822,5 млрд** сўмлик мажбурият сўндирилди.

10-жадвал

**Давлат қимматли қоғозларини жалб қилиш ва сўндириш бўйича**
**МАЪЛУМОТ**

млрд. сўм

| **Т/Р** | **Кўрсаткич номи** | **2022 йил январь-сентябрь** | **2023 йил январь-сентябрь** | **шундан, республика бюджетига амалда келиб тушган маблағлар** |
|---|---|---|---|---|
| **I** | **Жами - жалб қилинди** | **8 352,8** | **23 904,9** | **23 205,1** |
| 1 | *Қисқа муддатли ДҚҚ (1 йилгача)* | *5 463,6* | *16 993,4* | *16 316,8* |
| 2 | *Ўрта муддатли ДҚҚ (1-3 йилгача)* | *2 179,2* | *6 911,5* | *6 888,3* |
| 3 | *Узоқ муддатли ДҚҚ (5-10 йилгача)* | *710,0* | - | - |

**Давлат қарзига хизмат кўрсатиш харажатлари:**

2023 йилнинг январь-сентябрь ойларида **давлат ташқи қарзи** бўйича Давлат бюджетидан жами – **8 078,6 млрд сўм**, жумладан, асосий қарз – 3 764,9 млрд сўм, фоиз харажатлари – 4 313,7 млрд сўм) хорижий кредиторларга ўз вақтида тўлаб берилди.

2023 йилнинг январь-сентябрь ойларида **давлат ички қарзи** бўйича Давлат бюджетидан жами **10 195,4 млрд сўм** (шундан, асосий қарз – 9 240,8 млрд сўм, фоиз харажатлари – 954,6 млрд сўм) миқдорида тўловлар ўз муддатида амалга оширилди.